

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ



Ўзбек
ШЕЪРИЯТИ
АНТОЛОГИЯСИ

БЕШ
ТОМЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ БАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЯТИ

ТОШКЕНТ — 1981
www.ziyouz.com kutubxonasi



Ўзбек
ШЕЪРИЯТИ
АНТОЛОГИЯСИ

ХАЛҚ ШЕЪРИЙ ИЖОДИ
БИРИНЧИ
ТОМ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ

САРВАР АЗИМОВ
таҳрири остида

Томни тузувчилар:
Ҳ. Ғ. ЗАРИФОВ.
М. А. АЛАВИЯ,
С. МУТАЛЛИБОВ.



Рассом
М. Я. ШЧИРОВСКИЙ



Ў

збек халқи жуда бой оғзаки адабиётга эгадир. XI асрнинг иккинчи ярмида яшаган ажойиб олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари, халқ ижодининг энг яхши анъаналарини давом эттирган ўзбек классик поэзияси, Алишер Навоийнинг «Мезонул-авзон» китобида «Ер-ёр» қўшиғининг узоқ тарихга эгалиги ҳақидаги асосли фикрлари ва ниҳоят, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги йилларда тўпланган юзлаб қўшиқ ва ўнлаб дostonлар халқ хазинасининг томирлари қадим замонларга бориб тақалишидан дарак беради.

Халқ доим яратган: меҳнат ва меҳнаткашлар ҳақида, баҳодирлар тўғрисида, узоқни яқин, мушкулни осон қилувчилар ҳа-

қида куйлаган. Халқ шоирлари — бахшиларнинг овози, дўмбира ва қўбузнинг сайроқ сози тўй-ҳашамларда, халқ йиғинларида, она юртининг омонлиги учун курашга отланган қаҳрамонлар орасида янграр эди; халқ йиғинларини тантанали қилар, сафарда қаҳрамонликка даъват этар, меҳнаткашларнинг оғир ва аламли ҳаётини ифодалаб, уларни халқ адолати учун курашга чақирар эди.

Халқ ўзининг энг эзгу орзулари ифода этилган қўшиқ ва дostonларни кўз қорачиғидек асраб, янгидан-янги жило бериб келганлиги учун ҳам, ўзбек халқ шеърий ижоди чуқур мазмунли, ранг-баранг шаклли қўшиқлар, халқ фантазияси ва донишмандлигининг мужассам намунаси бўлган «Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Орзигул», «Равшан», «Авазхон», «Рустамхон», «Ширин билан Шакар», «Маликан айёр», «Тоҳир ва Зухра» каби дostonлар билан машҳурдир. Фақат «Гўрўғли» циклининг ўзигина қирқ дostonдан иборатдир. Бу дostonларнинг кўпчилиги ўзбек халқининг отоқли бахшилари Фозил Йўллош ўғли (1872—1955), Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868—1937), Ислоом шоир Назар ўғли (1874—1953), Муҳаммадқул Жомрот ўғли — Пўлкан (1874—1941) тилидан ёзиб олинган.

Мехнат кўшиклари

УРОҚЧИ ҚУШИГИ

↑
ужмоқи¹ бугдой,
Донгинанг тўқ-эй,
Тўп бўл, ўрайик,
Хўпда² кўрайик.

Уроғим олмос,
Уришдан қолмас,
Сира ҳам толмас,
Урмасам бўлмас.

¹ Г у ж м о қ и — бошоқда доналари ғуж-ғуж. ² Хўп — хир.
монда бугдой янчиш.

Гужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-эй,
Тўп бўл, ўрайик,
Хўпда кўрайик.

Уроғим қайқи¹,
Сен мени бой қи[л],
Кўтарай хирмон,
Донадан тўй қи[л].

Гужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-эй,
Тўп бўл, ўрайик,
Хўпда кўрайик.

Уроғим ҳаққон²,
Сен менга ёққан,
Кўлгинам чаққон,
Меҳнатда боққан.

Гужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-эй,
Тўп бўл, ўрайик,
Хўпда кўрайик.

¹ Қ а й қ и — буқик. ² Ҳ а қ қ о н — илдам, эпчил.

ХИРМОН ҚУШИҒИ

Ўзун бир¹ сенинг қуйруғинг,
Йўлдошинг бўсин, тайлоғим².
Попадаги ғунажин
Уйнашинг бўсин, тайлоғим.
Тайлоққинам, майда қил,
Майда ҳе, майда.

Қора бир³ сенинг қулоғинг,
Хонларда йўқдир сиёғинг,
Айри бир сенинг туёғинг,
Ойимда йўқдир сиёғинг.
Тайлоққинам, майда қил,
Майда ҳе, майда.

Сенинг энанг сийирди⁴,
Сувларда бурнин жийирди,
Сени бир хўпга қўшсин деб,
Бовойи Деҳқон буюрди.

¹ Бирам узун демак. ² Тайлоқ икки яшар туя бўлиб, бу ерда гана (икки яшар бузоқ) маъносида суюб ишлатилган. ³ Бирам қора. ⁴ С и й и р д и — сигирдир.

Тайлоққинам, майда қил,
Майда ҳе, майда.

Қизилингни¹ қирдай қил,
Сомонингни тоғдай қил,
Туёғингдан, майда қил,
Тайлоққинам, майда қил,
Майда ҳе, майда.

Майда деган эл тери,
Ийланмаган хом тери,
Майдагулни² айтмасанг,
Ҳам жин урсин, ҳам пари,
Майда ҳе, майда.

Майда қилсанг ярашар,
Жами ҳайвон қарашар.
Жами ҳайвон ичида
Меҳнатинг сенинг ярашар,
Майда ҳе, майда.

Қайириб-қайириб босинглар,
Қолмасдан бўсин³, жонивор,
Ўраб, бир ўраб босинглар,
Ўралар тўлсин, жонивор.
Майда ҳе, майда.

Майда кўчди айлоққа⁴,
Юкини ортар тайлоққа,
Тайлоқнинг юки оққан сўнг,
Ялинади бўйдоққа,
Майда ҳе, майда.

¹ Қизил — буғдой. ² Майдагул — хирмонда айтилади ган қўшиқ номи. ³ Савоғида битта ҳам қолмасдан янчилиб тамом бўлсин. дегани. ⁴ Айлоқ — олис.

ХҲП ҲАЙДА

Хўп Ҳайда, хўп Ҳайда,
Қолқан қулоғим, Ҳайда,
Темир туёғим, Ҳайда,
Остингда босган донни,
Оёғинг қилсин майда.

Чу-ҳе, жонворим, Ҳайда,
Хирмонни қилгин майда,
Ишни тамом қилмасанг,
Жонингга тиним қайда!

Мен белгинангга мишиб,
Чу, чу, дейман силкиниб,
Чарчаб мен ҳам, жонворим,
Бораман кўзим тиниб.

Чу-ҳе, жонворим, Ҳайда,
Хирмонни қилгин майда,
Ишни тамом қилмасак,
Жонимга тиним қайда!

Бошингни ерга сома,
Сўзимни оғир ома.
Кўзим илиниб кетганда,
Тагин-а тўхтаб қома.

Чу-ҳе, жонворим, ҳайда,
Хирмонни қилгин майда,
Донни йиғиб олмасак,
Бизларга тиним қайда!

Чу-ҳе, жонвор, чу-ҳа, чу,
Емай қамчи дувва-дув,
Ердан чиққан экиннинг
Тириклиги тиниқ сув.

Чу-ҳе, жонворим, ҳайда,
Хирмонни қилгин майда,
Ишни тамом қилмасанг,
Жонингга тиним қайда!

Оёфингни жуп ташла,
Текис йўрғангни бошла,
Буғдойни гард-гард қилиб,
Менинг кўнглимни хушла.

Майда қиғин кўрайин,
Шохингга гул ўрайин,
Сенга келган балони
Товдан-тошқа жўрайин.
Майда ҳа, майда.

ДАЛИ ДАРЕ

Бугдой айтир омон-омон,
Сувсизликдан бўлдим сомон.
Мен бўлмасам нон қайдадир,
Тошмадингми, дали дарё?!

Бугдой айтир олашаман,
Маъракага ярашаман.
Уқловлара чувашаман,
Тошмадингми, дали дарё?!

Кандир айтир ман юганда,
Сувсизликдан қолдим чўлда,
Ғариб бўлдим бу ватанда,
Тошмадингми, дали дарё?!

Ғўза айтир ман керакман,
Тагимда сўлқим кўракман.
Барчаларга оқ кўйлакман,
Тошмадингми, дали дарё?!

Кунжут айтир ироғиман,
Кечаларнинг чироғиман.

Барча экиннинг хониман,
Тошмадингми, дали дарё?!

Лўвия айтир ловламадим,
Бир сув ичиб шохламадим.
Якка кўсак боғламадим,
Тошмадингми, дали дарё?!

Шолғом айтир шод бўлмадим.
Ман ғамдан озод бўлмадим.
Сув ичиб обод бўлмадим,
Тошмадингми, дали дарё?!

Арзин айтиб йиғлади мош,
Менга йўқдир асло кенгаш.
Кунда азонда иссиқ ош,
Тошмадингми, дали дарё?!

АЙРИЛДИМ

Амирконни ўй атиза экарлар,
Теша билан челларини чекарлар.
Тўкимини якка-якка тўкарлар,
Тера-тера кўйлагимдан айрилдим.

Пуч кўрагин бири қолмай очилди,
Пахталари челларинда сочилди.
Тера-тера ўнг ён тизим очилди,
Тера-тера ич кўйлақдан айрилдим.

Қурғур бойи бизлара ҳеч бормайди;
Бизнинг эккан амирконни кўрмайди.
Кўйлаги тўзгана кўйлақ бермайди,
Тера-тера иштонимдан айрилдим.

Пахтачи бой, бизлар ёна бориб кет,
Бизнинг эккан амирконни кўриб кет,
Ишонмасанг, бир ғалвирни териб кет,
Тера-тера иштонимдан айрилдим.

БҮЗЧИ ҚУШИҒИ

Бир нечалар айтиб кияр бұзини,
Бир нечалар ямаб кияр тизини.
Маъракада гап эттилар изини,
Нафисдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Утим йўқдир баззоз ёна бормоққа,
Жинниманми қиммат читни олмоққа.
Ярамайди икки ювиб киймоққа,
Нафисдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Биз тўқиймиз қироғини ўхшатиб,
Мок¹ отаман дастигими қақшатиб.
Бозордаги шойилардан яхш² этиб,
Нафисдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Дўкон уйга кирсам таним қақшайди,
Совуқларда ўлмай қолсам яхшийди.
Қариси тилладан кетса яхшийди,
Шундай менинг бўзим арзон кетарми?

¹ М о к — моки. ² Я х ш — яхши.

Попишакни якка-якка босаман,
Дастигима нозвой гуллар осаман.
Азондан кечгача моки отаман,
Шундай менинг бўзим арзон кетарми?

Огоч моки буюриб эдим устага,
Бозор яқин келди, қолдим қистоға.
Бориб айтинг моки тузатган устага,
Шундай менинг бўзим арзон кетарми?

Атаноқни югриб солдим дўкона,
Бориб айтинг баззоз бўлиб чиқона.
Бир кун келиб боқсин биздий чаққона.
Шундай менинг бўзим арзон кетарми?

ҚАҲАТЧИЛИК

Еронлар, мусулмонлар,
Ажаб-ажаб замон бўлди,
Қўй йили ҳам йилқи йили
Бир-биридан ёмон бўлди.

От чопарлар элдан элга,
Бир нечалар чиқиб йўлга,
Сомон топилмайди пулга,
Қиммат баҳо сомон бўлди.

Қор устига қорлар босиб,
Ўлимсалар қолди сасиб,
Беш молининг бошин кесиб,
Бу ҳаммадан ёмон бўлди.

Бозорчидан шайтон қайтиб,
Бирига уч баҳо айтиб,
Ўттиз олиб, тўқсон сотиб,
Давлатмандлар қобон бўлди.

Камбағалнинг ақли шошиб,
Ўғил-қизиман кенгашиб,
Кеча-кундуз зор йиғлашиб
Дўстлар қадди камон бўлди.



Ҳарк, лирикаси

БАҲОР

Кор, буз қамуғ арушди,
Тоғлар суви оқишди,
Кўкшин¹ булит урушди,
Қайғуқ² бўлуб ўкришур³.

Урди булит инграшу,
Оқти оқин мунграшу,
Қолди будун тонглашу,
Кўкрар⁴ тақи манграшур⁵.

¹ Кўкимтир. ² Қайиқ. ³ Ҳаракатланур. ⁴ Чақнар. ⁵ Наъра
гортар.

Ой кўпуб, авлануб,
Оқ булит урлануб,
Бир-бир уза уклануб¹.
Сочилиб суви инграшур².

Қуйди булит яғмурин,
Кериб тутар оқ тўрин,
Қирқа қузти ул қорин,
Оқин³ оқар анграшур.

Қоқлар⁴ қомуғ кўларди⁵,
Тоғлар боши иларди,
Ожун тини йиларди⁶,
Туту⁷ чачак жаркашур⁸.

Туман чачак тизилди,
Букундан⁹ ул ёзилди¹⁰.
Ўкуш¹¹ ётиб узалди.
Ерда қубо¹² азришур¹³.

Яғмур ёғиб сачилди,
Турлук чачак сучулди¹⁴,
Инжу қоби очилди,
Чиндан йипор юғрушур¹⁵.

Қулон¹⁶ тугал қумутти¹⁷,
Арқар, сўқоқ¹⁸ юмутти¹⁹,

¹ Тўдаланур, ² Шилдирар. ³ Сел. ⁴ Чуқурлар. ⁵ Кўлга ай-
ланди. ⁶ Кўзга зўрға илинар. ⁷ Ҳар хил. ⁸ Саф тортар. ⁹ Ғунча-
лар. ¹⁰ Ёйилди. ¹¹ Кўп. ¹² Қўтарилиб. ¹³ Айрилишади. ¹⁴ Пўстлоқ
ташлади. ¹⁵ Анқиди. ¹⁶ Кийик. ¹⁷ Қўзғатди. ¹⁸ Кийик. ¹⁹ Тўп-
лади.

Яйлоғ тоба эмитти¹,
Тузгиқ туруб сакришур.

Қизил, сариғ арқашиб²,
Ябкин³ яшил юзкашиб,
Бир-бир кару юракшиб,
Ялингүк⁴ ани танглашур. . .

¹ Ёйилди, ² Тизилишиб, ³ Ҳар хил хушбўй ўсимликлар.
⁴ Одамлар.

С Е В Г И

Булнар¹ мани улос² кўз,
Қора мангиз қизил юз,
Андин томар тугал туз,
Булнаб яна ул қочар.

Ялвин анинг кўзи,
Ялқин³ анинг ўзи,
Тўлун ойин юзи,
Ерди манинг юрак.

Узик ўти тутуниб
Ўпка юрак қоғрулур,
Тун-кун туруб йиғлою,
Ешим манинг соврулур.

Узик мани қумитти,
Соқинч манга юмитти,
Қўнглум ангар амитти,
Юзум манинг сарғарур.

¹ Маст. ² Шахло. ³ Қайси юртдан.

Юкнуб манга имлади,
Кўзун ёшин ямлади.
Бағрим бошин эмлади,
Алкин бўлуб ул кўчар.

Ўнглаб узу иртадим,
Бағрим бошин қартадим.
Қочмиш қутуғ иртадим,
Ёмғур қуни қон сочар.

Авлаб мани қўймангиз,
Айиқ айиб қаймангиз,
Оқар кўзум уш тангиз,
Тагра юра қуш учар.

*Маҳмуд Абулхусайн ибн Муҳаммад-ул
Қошғарийнинг «Девони луғотит-турк»
китобидан, XI аср.*

НИМА АИТАЙ?

Чорраҳадан Чамбил солган,
Қирқ йигити йиғилиб келган,
Ҳар юртлардан божин олган,
Кенг майдонда карвон бўлган,
Бир зўр ўтди Чамбил белдан,
Тўрт ярим лак туркман элдан,—
Айтайинми Гўрўғли бекдан?

Баланд тоғларнинг қори,
Қетмасин номусу ори,
Бош бўп ўтди Аҳмад қорри,—
Аҳмад қорридан айтайинми?

Қийган тўнлари муносиб,
Яғринини совут босиб,
Ғазот куни калла кесиб,
Мардлик билан кўнгли ўсиб,
Бош бўп ўтди полвон Юсуф,—
Юсуфхондан айтайинми?

Тоғ бошини босар туман,
Ҳар иш бўлади, бегумон,

От белига мингандан сўнг
Бўлар эди охир замон,
Бег бўлиб ўтди Қорахон,—
Қорахондан айтийинми?

Минган оти тўбучоқ,
Дастори бор бир қучоқ,
Бир оти бор тўқсон бешда,
Ҳали ҳам сини қулунчоқ,
Бег бўп ўтди Шодмон гуччоқ,—
Шодмонбекдан айтийинми?

Ҳар иш бўлса осон кўрган,
Нишонани пойлаб урган,
Обод бўлди Чамбил кўрғон,
Ун минг кишига бош бўлиб
Бег бўп ўтди Тошбек туркман,—
Тошбекхондан айтийинми?

Эшагини ҳанграаткан,
Қалтагини судраткан,
Чотиртепадан ўқ откан,
Ўқи Шўртонга боткан,
Сўраб ўтди Ҳасан полвон,—
Ҳасанхондан айтийинми?

Ун бешида ойдай тўлган,
Олмасини белга солган,
Гўрўғлига хизмат қилган,
Қирқ йигитни гирдга олган,
Сўраб ўтди Аваз полвон,—
Авазхондан айтийинми?

РҰМОЛИМ

Рўмолим бор, рўмолим бор,
Рўмолимда туморим бор,
Бир кўришга хуморим бор,
Дод, алимдан кетди рўмол.

Рўмолимнинг учи шойи,
Ўртасида бордир ойи,
Олиб беринг, жоним дойи,
Дод, алимдан кетди рўмол.

Рўмолим тушди ёна,
Ёр эшитса бўлар хафа,
Ёрга айтманг, жоним опа,
Дод, алимдан кетди рўмол.

Кўп чиройли эди рўмол,
Алимдан учурди шамол,—
Ота-онам ҳам камбағал,
Дод, алимдан кетди рўмол.

Рўмолда эди-я хаёлим,
Забун бўлди ҳам ҳолим,
Ҳам тушар ёдима ёрим,
Дод, алимдан кетди рўмол.

А Я Ж О Н

Қ и з

Аяжон, ая,
Бошгинам оғрийд-я.

А я

Бошгинангдан аянг айлансин,
Нималарга оғрийд-я?

Қ и з

Бозорларда бўлар экан,
Саватларда турар экан,
Ана шуни отиғижим рўмол,—
Ушанга оғрийд-я.

* * *

Қ и з

Аяжон, ая,
Кўзларим оғрийд-я.

А я

Кўзларингдан аянг айлансин,
Нималарга оғрийди-я?

Қ и з

Атторда бўлар экан,
Қоғозда турар экан,
Ана шуни оти қора сурма,—
Ушанга оғрийди-я.

ЁР-ЁР

Ёр-ёр айтсанг бери кел,
Айтишайлик, ёр-ёр,
Оқ милтиқ, қора милтиқ
Отишайлик, ёр-ёр.

Оқ милтиқ, қора милтиқ
Отган отам, ёр-ёр,
Ўз қизини ёт қилиб
Сотган отам, ёр-ёр.

Ўз қизининг йўлига
Бодом эксин, ёр-ёр,
Бодом шохи қайрилса,
Болам, десин, ёр-ёр.

Шоҳи кўрпа тахланган
Тўр¹ сеники, ёр-ёр,
Қўлларида тилла қамчин
Ёр сеники, ёр-ёр.

¹ Уй тўри.

Узоқ тушган синглимнинг
Ранги сариғ, ёр-ёр,
Қўзларидан ёши оқар
Мисли ариқ, ёр-ёр.

Мисли ариқ мис бўлсин,
Сомон бўлсин, ёр-ёр,
Узоқ тушган ёш синглим
Омон бўлсин, ёр-ёр.

Тут ёғочга ип солиб
Учган синглим, ёр-ёр,
Ҳовлингизга гул бўлиб
Тушган синглим, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ола мушук, ёр-ёр,
Қуёв поччам сўрасангиз,
Оғзи қийшиқ, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Бир боғ похол, ёр-ёр,
Қуёв поччам сўрасангиз,
Пахмоқ соқол, ёр-ёр.

Қозиқдаги чопоннинг
Енги йиртиқ, ёр-ёр,
Қуёв поччам сўрасангиз,
Оғзи тиртиқ, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Дўнгалакми, ёр-ёр,
Қуёв поччам сўзламайди,
Гунгалакми, ёр-ёр.

Ҳаводаги юлдузни
Саккиз денглар, ёр-ёр,
Саккиз қизнинг сардори
Келди денглар, ёр-ёр.

Ҳаводаги юлдузни
Отган отам, ёр-ёр,
Ўз қизини танимай
Сотган отам, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама
Қатланибди, ёр-ёр,
Қизни олиб янгаси
Отланибди, ёр-ёр.

Қизни олиб янгаси
Тура турсин, ёр-ёр,
Оқ сут берган онаси
Рози бўлсин, ёр-ёр.

Шалдур-шулдур қамишга
Сирғам тушди, ёр-ёр,
Синамаган йигитга
Синглим тушди, ёр-ёр.

Синглим учун қовурғам
Қайишади, ёр-ёр,
Синглим берган узуги
Майишади, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўлан кўпдир, ёр-ёр,

Улан айтган тилинган
Менга ұпфир, ёр-ёр.

Тоғда тойчоқ кишнаиди
От бұлдим деб, ёр-ёр.
Уйда келин йиғлайди
Ёт бұлдим деб, ёр-ёр.

У Л А Н

— Ипак рўмол бошингда ҳилпиллайди,
Май ичганда юрагим килкиллайди.
Олиб бер деб отамга айтолмайман,
Тил тагида кўмакай булқиллайди.

— Уланнинг аввал боши Абдужаббор,
Ўлан десанг бизларда бирор қоп бор.
Сен айтишиб енг қизларни, бир кўрайлик,
Ўлан десанг, айтиб берай, овулга бор.

— Улан ёлғон деганда, ўлан ёлғон,
Ёлғон эмас, кампир билан чолдан қолган.
Бўвойи бобонинг бошида кема қолган,
Тўй-тўйлаб ўлан айтмоқ шундан қолган.

— Олти йигит ичида отинг Турсун,
Чин-оёққа сув қуйдим, тиниб турсин,
Чиндан суйиб чақирсанг, мен борайин,
Ёлғон билан чақирсанг, бетинг қурсин.

— Олти қизнинг ичида отинг Анор,
Анордайн бетингдан нурлар томар.
Нурлар томган бетингдан бир ўптирсанг,
Эмчак сўрган боладай меҳрим қонар.

— Оғма булут деганда, оғма булут,
Бизлар уйга боргунча ёғма булут,
Бизлар уйга боргунча ёғсанг булут,
Оёғинга солайин қулфу калит.

— Дарёнинг ўртасида сол ҳам қайиқ,
Овулингда қиз борми бизга лойиқ.
Овулингда қиз бўлса бизга лойиқ,
Куёв бўлиб турайлик тимсирайиб.

— Эгарнинг бир абзали — тизгинлари
Жуварини қирқамиз куз кунлари.
Сен эсимга тушганда, жоним йигит.
Девона бўп кетаман ёз кунлари.

— Эрта саҳар бораман қўйхонамга,
Қува чакман ярашар бўйгинамга,
Тол таёғим таяниб туриб қолсам,
Сулув қизлар келади ўйгинамга.

— Ипак рўмол бошимда ҳилпирайди,
Чақирмаган тўйингга ким боради?
Бормайин деб бир хаёл қилиб эдим,
Севганимнинг товуши жон олади.

— Севишганим кўзингдан, севишганим,
Сенинг билан ўтса экан менинг ёшим.
Сенинг билан ўтмаса менинг ёшим,
Томоғимдан ўтмайди ичган ошим.

— Юқоридан келаман Бойкўк билан,
Пичоқ турар бозорда пайнак билан,
Сен эсимга тушганда, кўзим йигит,
Қирга чиқиб қарайман ойнак билан.

— Ҳрик-ҳрик кўзингдан, ҳрик-ҳрик,
Уртанаман, куяман сени кўриб,
Уртангунча, куйгунча сени кўриб,
Ёнбошимда ўтиргин сочинг ўриб.

— Бордим Чустга, кўзингдан, бордим Чустга,
Кичикликдан ошиқман, қийғир қушга.
Қўлингдаги қўш узук, бирин бергин,
Қўлгинамга солайин намойишга.

— Дарё бетни деганда, дарё бетни,
Дарё бетнинг булбули сайраб ўтди.
Тонг саҳарда сайраган гўё булбул,
Қизил гулнинг ишқига тўймай ўтди.

— Дарё бетда не қаттиқ, жийда қаттиқ,
Жонворнинг меваси болдан тотлиқ.
Ота билан онанинг меҳри қаттиқ,
Яхши кўрган боласини пулга сотди.

— Юқоридан келаман эшак хайдаб,
Эшагимнинг ёнига теша бойлаб.
Бойнинг қизин оламан олчанглатиб,
Кели туйғич қиламан талтанглатиб.

— Анов тоғнинг бошидан олган қайроқ,
Тўқим солмай тўриқ отга минган яйдоқ,
Бой қизига мол бериб ялингунча,
Дўппингни чакканга қўй, юргин бўйдоқ.

— Отанг менга берарми, туя берсам?
Топганимни олдига уя берсам?
Отангининг бермасига қўяманми,
Ўнг бетингдан қайириб, суяберсам?

— Отамнинг оқ уйи бор, минг қўйи бор,
Отам сенга бермайди, не зўринг бор?
Ким сенга ваъда берди тегади деб?
Отам сени қилмайди йилқибоқар.

— Олтой ош пиширдим янтоқнинг термасига,
Ошиқ бўлдим қошингининг кермасига.
Уюр-уюр уйиб берсам йилқимни,
Қўяманми отангининг бермасига?

— Отангни кўп кўрганман: от тугул той
топмаган,
Сени туққанда эт тугул буламиққа мой
топмаган,
Кўлдан ўрдак учади бўйин эгиб,
Берасанми овулингни итин йиғиб?

— Минганим сўрасанг тўриқ-оладир,
Жониворнинг қуйруғи ўраладир.
Овулимнинг итларин нега берай?
Жониворнинг ҳар қайси бўри оладир.

— Ёмғир ёғиб боради тизағайлаб,
Бойнинг қизи қарайди чийни бўйлаб.
Қуй соғ деса, соғолмаган бойнинг қизи,
Кандай сигир соғади бошин бойлаб?

Қўй ичида туради қизил эшак,
Ул жонивор туради тишин тишлаб.
Жўн ўланни уддалаб айтолмадинг,
Бой отанг бор, биламан: ханги эшак.

А Л Л А

Айналайин, ойдиним,
Эл ичинда сойдиним;
Қўлимдаги туйғуним,
Гапга тушган қузғуним,
Алла болам, алла-яй,
Жоним болам, алла-яй.

Айналайин, оппоғим,
Мислингни излаб топмоғум;
Тўй-ийғинлар бўлганда
Отни аяб чопмоғум,
Алла болам, алла-яй,
Жоним болам, алла-яй.

Айналайин, ойдайин,
Қоши сари ёйдайин,
Толпинганинг қўлимда
Тарлон қарчиғайдайин,
Алла болам, алла-яй,
Жоним болам, алла-яй.

Қўли арслон билаклим,
Ботир, қоплон юраклим,
Яхши-ёмон кунимда,
Менга жуда кераклим,
 Алла болам, алла-яй,
 Жоним болам, алла-яй.

Айналайин, қароғим,
Уйда ёнган чироғим,
Дўстим кўrsa қарашиб,
Душманнимга яроғим,
 Алла болам, алла-яй,
 Жоним болам, алла-яй.

Ўзинг гавҳар донадай,
Туртиб эмган танадай,
Қўлимга чўрчиб ўйнасанг,
Қўлда суқсур, сўнадай,
 Алла болам, алла-яй,
 Жоним болам, алла-яй.

Чопинганинг бўридай,
Бўриларнинг ўзидай,
Йигит бўлар япроғим,
Ўзи эрнинг эридай,
 Алла болам, алла-яй,
 Жоним болам, алла-яй.

Сўйли, синли — сиёқлим,
Олғир бургут қовоқлим,
Чангалини ёзганда,
Қийғир, баҳрин тирноқлим,
 Алла болам, алла-яй,
 Жоним болам, алла-яй.

А И Т И М

Айланайин, оғам, ай,
Бошга санчган жиғам, ай,
Элу юртим обдони,
Элимда олтин сокам, ай.

Югурук отдай чопишлим,
Нортуядай топишлим,
Йиғин-түйлар бўлганда,
Довши булбул довушлим.

Айналсин сендан уканг, ай,
Ярқираб юрган акам, ай,
Ярқираб оғам юрганда,
Ғариб синглингга не кам, ай.

Сўзман элдан ўзганим,
Соз довушин чўзганим,
Акамдан қолдим айрилиб,
Билмайман недир ёзганим.

Сен эдинг элим обдони,
Юртимнинг ўзган гапдони,

Ўлсин синглинг, оғасин
Излаб топсин-чи, қани.

Сендай йигит йўқ бўлса,
Мендай синглинг ўлмасми?
Сенинг энди куюгинг,
Мени ода қилмасми?
Ўлсин уканг, чироғим,
Ўтингга куйиб ўлмасми?

Олғир қушнинг шунқори,
Югурукларнинг тулпори,
Эр йигитнинг сардори,
Тенгқурларнинг тождори,
Шунқор акам, вой-вой,
Раҳбар акам, вой-вой.

Сулув ўтнинг суйруги,
Чечанларнинг югуруги,
Кўнмайин энди қайтаман,
Шундайин бўлса буйруғи,
Югурук акам, вой-вой,
Билгир акам, вой-вой,

Тенгқурларин обдони,
Элатимнинг гапдони,
Йигитларнинг султони,
Арслон акам, вой-вой,
Полвон акам, вой-вой.

Бўз қушдайин толпирим,
Қарчиғайдай олғирим,

Итолгидай тепкирим,
Баҳриндай бўп чалпирим,
Лочин акам, вой-вой,
Баҳрин акам, вой-вой.

Кийган тўни ярашган,
«Бу ким эди» деб сўрашган,
Ҳар ким кўрса ўзингни,
Ҳасад қилиб қарашган,
Шунқор акам, вой-вой,
Раҳбар акам, вой-вой.

Акам, ҳотам ҳимматлим,
Лочин, туйғун келбатлим,
Дўст-душманга ҳайбатлим,
Бекдан, шоҳдан мурувватлим,
Ҳотам акам, вой-вой,
Рустам акам, вой-вой.

Йиғин, тўйнинг сардори,
Йигитларнинг қўчқори.
Бўз болалар сарвари,
Йигит қиммат гавҳари,
Қиммат акам, вой-вой,
Гавҳар акам, вой-вой.

Тинмай уканг дод этар,
Менга хуморинг тутар,
Сендай йигит ҳар элда
Изласа ҳам кам битар,
Топилмасим, вой-вой,
Ширин сўзим, вой-вой.

Қўлда кескир олмасим,
Ишда чарчаб толмасим,
Қиммат баҳо чирогим.
Изласа топилмасим,
Меҳрибоним, вой-вой,
Танда жоним, вой-вой.

Хумор қилар сўзларинг,
Топилмайди изларинг,
Синглингни тентак қилмасми.
Қуралай қора кўзларинг,
Хушсуратим, вой-вой,
Қуралай кўзим, вой-вой.

Еронлар, энди қайтайин,
Дардимни кимга айтайин?
Шундай акамдан айрилиб
Мен қандай тоқат этайин?
Сенга жонимни бермасам,
Синглинг бўлмай кетайин,
Шунқор акам, вой-вой,
Сардор акам, вой-вой.

Эл, йиғиннинг сараси,
Акам бекларнинг жўраси.
Сенга шикаст теккани
Манглайимнинг қораси,
Қиммат баҳом, вой-вой,
Жоним акам, вой-вой.



Мермалар

НАМОЗ

Бедов миниб, сағрисини силатди,
Муродини бир худодан тилатди.
Яқин деди, Қарши чўлин талатди,
Амир, подшоҳни тахт устида йиғлатди, —
Ҳеч кўрмадим Намоздай азаматни.

Кеча-кундуз юргани дала-дашт бўлди,
Ўттиз йигитларга ўзи бош бўлди.
Николайга неча кун кенгаш бўлди,
То ўлгунча, Николай билан ғаш бўлди.
Намоздайин бир зўр ўтди жаҳонда.

Намозбек дейдилар асли отини,
Даҳбид дейди ўсган вилоятини,
Бир фасил қилайин таърифотини,
Газет билан эшитиб эди Николай,
Зор йиғлади ўрдадаги хотини.

Бургутдайин қобоғини уйгандир,
Бор кучини билагига йиққандир,
Намоз деса, ётган бойлар уйғонди,
Тўрт ҳокимга ўзи танҳо теккандир,
Намоздай валломат ўтди жаҳонда.

Оти Намозбекдир, ўзи шер эди,
Душманларга оч бўридай дориди,
Ун тўрт бўлус ишлай олмай қариди, —
Намоздай қарчиғай бордир жаҳонда.

Остига мингани учар қуш эди,
Сайр этди мана бу икки даштини.
Саваш бўлди Сазаганни дараси,
Қувганда кўрмайди душман қораси.
Ўзи Сарой, Аваздайин жўраси,
Аваздайин ботир бордир жаҳонда,

Бошида ярашган заррин дастори,
Кўрганда кетади душман эслари,
Ўзи қипчоқ, Шерниёздай дўстлари,
Шерниёздай арслон бордир жаҳонда.

Ҳаво ёғса, тоғнинг бети тумандир,
Остига минган от учқур жийрондир,
Душман кўрса, оқизди қизил қонни,
Сергалидан ҳамроҳ қилди Жуманни,
Жумандайин полвон бордир жаҳонда.

Миршаблар уради саҳар довулни,
Ҳамроҳ қилди Довур билан Қовулни,
Сўраб ётир Даҳбид билан Довулни, —
Намоздай тўқсаба бордир жаҳонда.

Остида ўйнайди аргимоқ оти,
Оқпошшога кетгандир ариза хати.
Жиловида Кенжадайн жаллоди,
Кенжадайн «қонхўр» бордир жаҳонда.

Самарқанд шаҳрида даврон сургандир,
Олдига солгандир ўттиз мерганни.
Хуфтан бўла бузди Каттақўрғонни,
Ҳеч кўрмадиқ Намоздайн султонни.

БОТИРХОН ЗУЛМИ

Ботирхон отланиб чиқса,
Кўринг салтанатларини.
Неча йил қамаб ётди
Кенагас юртларини.

Қамай-қамай, алқисса,
Олди кўзин ўтларини,
Тойлоқдай бўкиртиб сўйди
Не-не азаматларини.

Йигитларни қўйдай сўйди,
Кенагас паризодларини,
Ана подшоҳ, ҳийлагарлик
Қилиб, битиб берди ёрлиқ.

ХОНЛАР ҚУРСИН

Асфандиёр хон бўлди, —
Бағримиз тўла қон бўлди,
Еганимиз чигит нон бўлди,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

Кечалари тўшаганим бўйрадир,
Қундуз бўлса икки кўзим йўлдадир,
Кўзим нури бека қизим қайдадир,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

Хонлар қурсин, хонлигини билдирар,
Найзасини елкаларга илдирар,
Нораста қизларни никоҳ қилдирар,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

Хевада ўликлар сасиб ётибди,
Бўйнига дуосин осиб ётибди,
Бир хонни бошқаси босиб ётибди,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

Кўприкдан кўринар отининг боши,
Емғирдек ёғади кўзининг ёши,
Элу халқнинг кулфат доим йўлдоши,
Улар бўлдик бу хонларнинг дастидан.

БЕВАФОЗОЛИМ

(1916)

Эшитинглар, янги чиққан ҳикоя,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!
Бу сўзимга асло бермас ривоят,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Қўлинг чўлоқ бўлғой, кўзинг кўр бўлғой,
Азиз умринг охирида хор бўлғой!
Ҳазрат Али-Шоҳимардон пир урғой,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Чиқиб-чиқиб йўлларингга қарадим,
Арзим айтиб, бир дўстимга йиғладим,
Оғзим тинмай, ошхонада қарғадим,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Билмадинг, ёзим билан қишимни,
Оқиздинг кўзимдан қонли ёшимни,
Энди топдинг тенгинг билан душингни,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Явмитларнинг куч бергайлар қўлига,
Сира боқма, соғи билан сўлига!
Етти туя занжир солгай бўйнига,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!

Болам айтди: — Не сабабдан сўзларсан?
Фуқаронг эмасман, менга сўзласанг,
Инқилобни этган куним кўзласанг,
Умринг йиғлаб ўтгай, бевафо золим!



Шингил кўшиқлар

* * *

Олма деб отган отам,
Беҳи деб сотган отам,
Қари чолга қиз бериб,
Жабрини тортган отам.

* * *

Фаранг рўмол бошимда,
Ғижимлари қошимда,
Ўн уч яшар ёшимда, —
Олтмиш яшар қошимда.

* * *

Қўлимдаги узугим,
Зирагимга боғ бўлсин.
Қари чолга қиз берган
Ғамга мубтало бўлсин.

* * *

Чархим таноб ташлайди,
Бир балони бошлайди,
Қундошлиги қурисин,
Қунда уриш бошлайди.

* * *

Боғ айланиб чий тутдим,
Келади деб кўз тутдим.
Қундошликни дастидан
Коса-коса қон ютдим.

* * *

Шам чироқнинг ёнганидан
Ёнмагани яхшироқ.
Бевафо ёр бўлганидан
Бўлмагани яхшироқ.

* * *

Мен бу ерга келмас эдим,
Ёр келтирди мени.
Утга тушсам куймас эдим.
Ёр куйдирди мени.

* * *

Кичкина чорбоғ ичида
Айланар бошим мени,
Ёр юрган кўчаларда
Тўкилар ёшим мени.

* * *

Ёр юрган кўчаларни
Супурай сочим билан,
Чанги чиқса, сув сепай
Кўздаги ёшим билан.

* * *

Кўрмайин босдим тиканни,
Тортадирман дардини.
Кўрсам эдим, босмас эдим,
Тортмас эдим жабрини.

* * *

Субҳидамнинг салқини
Сўлдирди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиғлай
Бевафо ёр дардини.

* * *

Кет десанг Қошғар кетай,
Йўлда ёлғизлик ёмон,
Ёлғизликдан ким ўлибди,
Ҳаммадан хўрлик ёмон.

* * *

Гулни гул дерму киши
Гулнинг тикани бўлмаса,
Ёрни ёр дерму киши
Ёрнинг вафоси бўлмаса.


* * *

Қоши қора барно йигит,
Менга қаранг, арз айтаман.
Ичларимда тўла дард
Кўп бўлса ҳам, оз айтаман.

* * *

Тоғдаги юрган кийикка
Мен нечук занжир солай.
Сен бировнинг ёри бўлсанг,
Мен нечук кўнгил қўяй.





Достонлар

АЛПОМИШ

„Алпомиш» ўзбек халқ эпик достонларининг энг эскиларидан биридир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти архивида «Алпомиш» достонининг ўзбек бахшиларидан ёзиб олинган ўн бир нусхаси сақланади. Бу нусхалар ичида энг мукаммали ва энг яхшиси Фозил Йўлдош ўғлиникидир.

Талантли халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли «Алпомиш» достонини умр бўйи айтиб келган эди. Асл ёзиб олинган ҳолда 15 000 йўл шеърдан иборат «Алпомиш» достони унинг шоирлик бешиги бўлган.

Мардлик ва қаҳрамонлик дostonи бўлган «Алпомиш»да ўзбек қўнғирот уруғининг гўзал тарихи тасвир этилади.

Қадим ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида ака-ука Бойбўри билан Бойсари яшаган. Бойсун кўли яйловларида sanoқ-сиз чорва молларининг эгаси Бойбўри шоҳ, унинг укаси Бойсари ўн минг уйли уруғнинг беги бўлган. Кўп машаққатлардан сўнгра улар фарзанд кўрадилар. Бойбўри ўғлини Ҳақимбек, қизини Қалдирғоч деб атади. Бойсари эса қизининг отини Ойбарчин қўяди. Ҳақимбек билан Ойбарчинни аташтириб, бешкирти қилишади.

Ҳақимбек егги ёшидаёқ олпларга хос иш кўрсатгани учун халқ унга «Алпомиш» лақабини беради. Шу орада Барчиннинг отаси Бойсари ўз акаси Бойбўри билан закот масаласида аразлашиб, ўз юртини ташлаб, қалмоқлар юртига кўчишга қарор қилди. Унга қарашли ўн минг уйли Қўнғирот эли ҳам орқасидан бири қолмай жўнайди ва Чилбир чўлига етиб, Ойна кўлини ёқалаб ётишади.

Қалмоқ юртининг хони Тойча аввал буларга айрим марҳаматлар кўрсатса-да, сўнгра ўртада низо чиқиб, зулмини ўтказди. Хоннинг тўқсон олпи Барчиннинг бошига келиб, «ё биримизга тег, ё баримизга тег» деб туриб олади.

Кўнгли Алпомишда бўлган Барчин ноилж олплардан олти ойга муҳлат суради ва «Мен... зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин» деган мактуб ёзиб, чопарларини Бойсунга отлантиради:

Бу хабарни эшитган Алпомиш, отасининг қаршилигига қарамасдан, Бойчибор отини миниб сафарга жўнайди. Йўлда у қалмоқ олпи Қоражон билан учрашади. Икки халқнинг фарзанди — ўзбек — Алпомиш, қалмоқ — Қоражон ўртасида дўстлик майдонга келади.

Барчин интизор бўлиб кўз тикиб турган Алпомиш, Бойсун — Қўнғиротдан бориб қолади. Бунда Барчин шартта Алпомишга чиқиб қўя қолиши мумкин эди. Лекин у бундай қилмайди. «Ал-

помиш келди деб этагидан ушлаб кета берайинми? Бу ояллар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган, тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни бажарган кишига тегаман», дейди. Барчиннинг шартлари шулар: пойгада ғолиб чиққан оти ялдам олп йигитга, ёйандоз полвонга, минг қадамдан танга пулни урган мергайга, тўқсон олпни йиққан полвонга тегаман.

Алпомиш, дўсти Қоражоннинг кўмагида бу шартларни бажаради, тўқсон олпни енгиб, тўю ҳашам билан Барчинга уйланиб, ўн минг уйли элни олиб Бойсун — Қўнғиротга жўнайди. Аламзада Тойчохон қаршилиқ кўрсатишга интилади, лекин ҳеч фойда чиқмайди: Алпомиш билан Қоражон хон лашкари устидан ҳам ғолиб чиқадилар. Шундан сўнг Тойчохон бутун аламини ўз элидан ажралиб Ойна кўлида қолган Бойсаридан олади.

Бойсари тортган жабру жафолар ҳақидаги хабар Бойсунга ҳам етиб келади. Алпомиш қирқ йигити билан яна Қалмоқ юртига боришга мажбур бўлади. Тойчохон айёрилик билан Алпомишни қўлга туширади ва зиндонга ташлайди.

Етти йил зиндонда ётган Алпомиш, чўпон Қайқубот, хоннинг кизи Тавка ва Бойчибор ёрдамида зиндондан чиқади. Шиддатли жангда Тойчохон лашкарини тор-мор қилади. Мамлакатда адолат ўрнатиб, чўпон Қайқуботни шоҳ қилиб кўтариб, азиз Бойсунга қараб йўл олади.

Алпомиш бўлмаган йилларда Бойсун — Қўнғиротда ҳам ўзга ишлар рўй берган: мамлакат идораси золим Ултонтоз қўлида, халқ қийналган, Алпомишнинг ота-онаси, хотин ва боласи, сингил ва қариндошлари ҳам қийноқда. Ултонтоз зўрлик билан Барчинни ўзига хотинликка олиш ҳаракатида бўлган чоқда, мамлакатга Алпомиш кириб келади. Қайтадан адолат ўрнатилади, халқ эркин нафас олади, Ултонтозлар қирилади. Бу орада Бойсари ҳам Қўнғиротга қайтиб, ўз қариндошларига қўшилади. Ҳамма мурод-мақсадига етади.

Биз бу ўринда дostonнинг биринчи қисмидан парчалар бердик.



Иккинчи бобдан

Ўн минг уйли Қўнғиротдан чиқариб, Барчиннинг ўтовини кўтариб, овлоқ тепанинг бошига тикиб қўйди. Бул ўтовда қирқин канизаклари билан Барчин ўтирди. Қуннинг бурни билан Қоғатон тоғнинг тўқсон дарасидан тўқсон олп жам бўлиб, чошкада зинкайиб Бойсариникига йиғилиб келиб турибди: Қани, келган бой, маслаҳатни қаерга қўйдинг, биримизга бермоқчи бўлдингми, баримизга бермоқчи бўлдингми?

Бойсари айтди: Биз маслаҳат қилиб йил ағдариб кўрдик, қизимизнинг йили сичқон экан, ёши ўн тўртга чиққан экан, бизнинг ўзбекнинг расми шундай бўлади:

қиз ўн тўртга чиққан сўнг ўз ихтиёри ўзида қолади,
бизнинг айтганимизга кўнмай, тепанинг бошига ўто-
вини тикиб ўтирибди, ўзига боринглар, ўзидан сўра-
нгизлар, бирингизга тегарми, барингизга тегарми, ўзи-
дан билингизлар.

Шунда қалмоқлар тўкилиб Барчиннинг устига
қараб бора берди:

Боради отлари ўйнаб,
Бир нечаси чечан сўйлаб,
Менга тегарми дер ўйлаб,
Бир нечаси муртин бураб,
Узангига оёқ тираб,
Боради Барчинга қараб.
Бийнинг қизин кўрармиз деб,
Ҳаммаси ҳам, олармиз, деб
Бораётир бу қалмоқлар
Биз хотинли бўлармиз, деб.
Барчин турар ҳурдай бўлиб,
Тиши гавҳар дурдай бўлиб,
Жамоллари ойдай бўлиб,
Қуралай кўзи чўғдай бўлиб,
Қўрганларнинг кўнгли тўлиб,
Канизлар билан жам бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Боғда очилган гулдай бўлиб,
Чаманда булбулдай бўлиб,
Ўтириб эди суҳбат қуриб,
Қалмоқ борди шердай бўлиб.
Ийманиб мунча канизлар,
Парво қилмас Барчин дилбар,
Ўзи бизга сўз қотар деб,
Умид қилгандир қалмоқлар.

Қарамайди санам қизга,
Ҳолин билмайди бадбахтлар.
Биримизни хоҳлар, дейди.
Тенгсалиб юрур аҳмоқлар,
Ҳалак бўлгандир бадбахтлар.
Писанд қилмай ўтирибди,
Ўзбек қизи Барчин дилбар.

Полвонлар: «Ўзидан бир гап-сўз чиқар» деб, то тушнинг олдиғача тенгсалиб кўриқдан ўтиб юрибди. Неча марта кўриқдан ўтди, тўқсон олпнинг зўри Кў-калдош:—Бир аҳмоқ қилмаганинг бизлар қолибмидик, ё биримизга тег, ё баримизга тег, бир жавоб айт, биз шундай тенгсалиб юрамизми? деди. Бу сўзни эшитиб, Барчин бир сўз деб турган экан:

Эшитгин, қалмоқлар, айтган тилимдан,
Мени олиш келмас сенинг қўлингдан.
Бадбахт полвон, қолма келган йўлингдан,
Мени олмоққа ҳаддинг борми, бадбахтлар?
Ўз йўлингга бора бергин, аҳмоқлар.
Мени оларман деб хаёл қилмагин,
Кетгин, қалмоқ, келган йўлдан қолмагин.
Менинг тўрам билсанг Бойсун султони,
Унга қурбон мендай ойимнинг жони.
Оти Ҳакимбекдир, элда даврони,
Кўп айланма бунда, қалмоқ, бемаъни.
Хабар етса, эр Алпомиш келмасми?
Душманларга қиёмат кун солмасми?
Армон билан сендай олплар ўлмасми?
Ҳолинг билиб, тўғри юрсанг бўлмасми?
Манманликман баринг бунда келасан,
Келган билан мени нима қиласан?!

Сўз айтувчи сенга мендай муштипар,
Билсанг мен ҳам, қалмоқ, сенга баравар
Лочиндай айланма бунда аҳмоқлар,
Бора бергин ўз йўлингга бадбахтлар.
Ҳар замон тўпланиб бунда келасан,
Аҳмоқ полвон, мени нима қиласан?!

Кўкалдош олп туриб айтди:— Ўзбекнинг қизининг дами баланд экан; Кўкамани, тушиб судраб чиқ бу ёққа!

Кўкамани олп отдан тушиб, отни уйнинг белдовига илдириб, боғана қимиз сўраб аламзада бўлган, уйнинг ичкарасига кирди. Барчиннинг канизлари қўриқиб, уйнинг тўрида тўпланиб турган эди. Барчин ибод қилиб, тескари қараб туриб эди. Кўкамани олп Барчиннинг бурумидан ушлаб пойгага қараб торта бошлади. Барчин ўзини ўнгариб, қўлини узатди, бир қўли билан Кўкаманининг ёқасига етди, бир қўли билан белбоғидан тутди:—Ё пирим!— деб, кўтариб, чалқарамон қилиб ерга қўйди. Чап тиззасини кўкрагига қўйиб турди. Оғзи-бурнидан драк-драк қон кета берди.

Кўкалдош олп туриб айтди:— Кўкаманига қаранглар, у нимага чиқмади?

Бирови келиб, от устидан қараб, Кўкамани кўриб:—Э, ўзбекнинг қизи Кўкамани босиб ўлдириб қўйибди,— деди.

Бу сўзни эшитиб бир кам тўқсон олп отдан ташлай берди. Барчин олпларнинг отдан аччиғ билан тушганини кўрди. Олпларнинг зўри Кўкалдош эканини билди. Бошида зўрлик аломатини билдирувчи тилла жиғаси бор, остида суворига миниб юрган саман йўрғаси бор. Барчин бошидаги саржиғани кўриб, олплар-

нинг зўри шу Кўкалдош эканини билиб, олпларга қараб, олти ойга муҳлат сўраб бир сўз деб турган экан:

Устима кийганим менинг яшил кўк,
Ғарибликда бўлармикан кўнгил тўқ,
Саман отли, саржиғали бек йигит,
Олти ойга сиздан муҳлат сўрайин.
Бизлар қолдик ҳайронликнинг хилига,
Мусофирмиз муна Қалмоқ элига,
Ҳозир музтар бўлдик қалмоқ қўлига,
Олти ойга сиздан муҳлат сўрайин.
Қўнғирот элга арза бериб кўрайин,
Олтойгача мен йўлига қарайин,
Келса-келар Қўнғирот элдан Алпомиш,
Келмаса мен тақдиримдан кўрайин.
Сўнгра мен ҳам бировингман бўлайин.
Олти ойга сиздан муҳлат сўрайин.
Олмадайн сўлган гулдай тарзим бор,
Муштипарман сизга айтар арзим бор,
Сизга ҳамроҳ бўпти неча йигитлар,
Муҳлат сўраб мендай ойим арз қилар.

Кўкалдош олп:— Олпларнинг ичида мени хоҳлагандай бўлди, балки менинг зўрлигимни ҳам билди, бизга кўнгил қўйди,— деб,— бор олти ойга муҳлат,— деб юборди...

Учинчи бобдан

Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг йигитидан ўн йигитни сайлаб олди, отасининг тўқсон тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди, отларни совутиб бўлди.

Сўнгра шундай арза ёзди: «Мен, Барчин, олти ойлик йўлга, Қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобимни берсин».

Аризани ўн йигитга топширди, отларни эгарлаб, чоғлаб, яхши боринглар деб бир сўз айтиб турган экан:

Кечани мунаввар қилар тўлган ой,
Савашли куң тортилади парли ёй,
Кашалда талашда қолди Барчин ой,
Борсанг, салом ўйнаб ўсган элларга,
Кўкқамишдай манзил жойим, чўлларга.
Қалмоқлар йиғлатди мендай санамни,
Албатта, сўранглар мактаб жўрамни.
Мунгғайиб сўз айтар мендай муштипар,
Кеча-кундуз шабгир тортиб хизматкор,
Жиловдоринг бўлсин имом, чилтанлар,
Бойсун юртда қолган қавму қариндошим,
Бу элда сел бўлди менинг кўз ёшим.
Мусофирлик юртда гангиди бошим,
Менга ҳамдам бўлолмади ҳеч кишим.
Мендайин мунглининг кўнглин бўлади,
Қалмоқ бари қайғу, зулм солади,
Олти ойга Барчин муҳлатни олди,
Қалмоқ элда мусофир бўп йиғлади.
Кеча-кундуз тинмай йўлни олинглар,
Бий бобомга бул хабарни беринглар,
Катта-кичик ҳамма дуо қилинглар,
Элда қолган қариндошни кўринглар.
Сўз айтар сизларга мендайин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам,
Қалмоқнинг зулмидан йиғлади энам,

Кечиргай ёшликдан қилган хатомни,
Хафа қилдим Бойсаридай отамни.
Сен бориб кўрарсан Қўнғирот элимни,
Бошимдан кўтарсин қайғу, зулмни.
Қўнғирот элда борди неча сирдошим,
Ҳамдам бўлиб бирга юрган йўлдошим,
Оға-иним, элимда тенги-душим,
Хизмат қилинг, осон бўлгай бул ишим.

Отлар қарсоқдай қотган, тўқсон кеча-кундуз йўл тортган, балки чопарлар Қўнғирот элга, Бойбўрининг давлатхонасига етган; от устидан туриб салом берди. Буларни кўриб, Бойбўри айтди:— Булар қандай одам экан, беадаблик билан менга салом берди. Чопарлар бояги аризани чиқариб берди. Аризани ўқиб билди: келган Барчиннинг чопари экан. Ун маҳрамни буюрди, чопарларни битта-битта отдан кўтариб олди, чопарларга хизмат қилди, аризани ҳеч кимга билдирмай олиб бориб сандиққа солиб ташлади. Чопарлар йигирма кун ётди, хўп иззат-икром билан қилди зиёфатни, кўп қилди хизматни, берган аризасидан ҳеч шобир бўлмади. Чопарлар жўнаймизга тушди, чопарларга зар-зар инъом бериб, хуш келибсан қилиб, йўлга солиб, чопарга шундай гап тайин қилди:— Бундан кетганча — Қўнғирот музофотидан ўтганча, Қалмоқ вилоятига етганча, ё бир ўтинчига, ё бир подачига, ё чўлда юрган чўпонга, «Биз келган, Барчиннинг чопари бўлар эдик», деб оғзингдан чиқарсанг, одам буюраман, кейинингдан қувиб етади, бошингга қамчи чатади, баданингни бўздай қилиб йиртади, олиб келиб дорга тортади; оғзингдан чиқармай кетгин! «Бу сўзни эшитиб, чопарлар: «Сира ҳам оғзимиздан чиқармай-миз»,— деб йўлга кирди.

Алпомишнинг Қалдирғоч деган синглиси бор эди. Қирқин канизлари билан бир сандиқни очиб кўраётиб эди, бир хат чиқди, ўқиб кўрди: Барчин чечасининг хати.— Туновги ўн чопар бу хатни олиб келган экан, муни билдирмай отам сандиққа солиб қўйган экан,— деди,— юринглар, бек акамга борайик, хатни берайик, қанча ғайрати бор экан, синайик,— деб Ҳақимбекнинг қошига келди. Шу вақтларда Ҳақимбек ўн тўрт ёшга кирган, маст бўлган нордай кўпик сочиб ўтирган. Қалдирғоч ойим хатни ўқиб берди.

Бу сўзни эшитиб... Алпомиш ёв-яроғини кўтариб бораётир эди, бой отаси овдан келаётиб эди, олдидан чиқиб қолди. Отаси ҳадиксираб бир сўз сўраяпти... Алпомиш:— Э, закот олмай ўлинг сиз,— деб ўтиб жўнай берди.

Бойбўри сойма-сой уриб кетди, қичаб уйига етди. Келиб сандиқни кўрди, сандиқ очилиб қолибди, бояги қўйган хати йўқ. Тағин минди бедов отни, сой билан паналаб йўл тортди... Алпомишдан бурун Қултойга етди:— Алпомиш келяпти, Кашалдан келган хабарни биров билдирибди, ёмон бўпти,— деди,— лекин у зўрку, зўр бўлса ҳам, дўқдан кўрқади: уриб-сўкиб, йилқи бермай дўқлаб қайтариб юборгин.

Қултой айтди:— Сендан амр бўлмаса Алпомишга йилқи бераманми?

Бу гапдан беҳабар, орқаланиб Алпомиш боряпти. Қултойга яқин етди.

Алпомиш... Қултойга қараб бир сўз деб турган экан:

Бобо, сиру ҳолим маълум қилайин,
Сиздан энди бир бедовни сўрайин.
Бедов миниб Қалмоқ элга борайин,
Қалмоқ элдан ёрим олиб келайин.

Жавоб бергин, бобо, мен ҳам жўнайин.
Хабар билдим ёрим талаш бўлибди,
Кашал элдан бизга элчи келибди,
Барчин ойим ул ўртада қолибди,
Мендай ўғлинг, бобо, бормоқ бўлибди,
Қалмоқ элга мен ҳам бориб келайин,
Бориб мен уларнинг кўнглин сўрайин,
Душманларман қайтмай саваш қилайин,
Бийнинг қизини ажратиб олайин,
Ўйнаб-кулиб яна элга келайин,
Ўз юртимга келиб даврон сурайин.
Рухсат берсанг, жафо тортиб бораман,
Душманларман қон тўкишиб кўраман.
Олис юртга сафар қилиб бораман,
Бундан борсам бийнинг қизин кўраман.
Йилқи берсанг шоду хуррам бўламан,
Бобом дейман, меҳрибонлик қиламан,
Бобо, сени иззат қилиб юраман.
Бир йилқи бер, бобо, миниб бораман.

Қултой ҳам бир сўз деб турган экан:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлдими?
Ажал етиб ё паймонанг тўлдими?
Ёки сени ажал ҳайдаб келдим?
Мендайин бобонгнинг кўнглин бўласан,
Тур йўқол, Алпомиш, тайин ўласан.
Бу ерда селайиб нима қиласан?

Бу сўздайтиб марднинг ақлин олади,
Уч-тўрт таёқ қай-қайтириб солади.
«Еган таёқларинг йилқи бўлади»,
Ҳақимбекнинг кўзи аланглаб қолди.

Жуда ҳам бир таёқ ўтиб боради,
Билмади-ку бобосининг ишини,
Пок бўлмаса ёра ёзди бошини.
Шундай дўқлаб Қултой қилди сиёсат.
Улдирад қайтмасам,— деди валломат.
Бобосининг қилган ишин билмади,
Таёқ ўтиб танда тоқат қолмади,
Бобом урди,— деди, қайтиб жўчади.

«Булай-шулай деб Қултой дўқласа, акам қайтиб келиб қўювдан ҳам тоймас; ўз кўзимиз билан жўнатиб юборайик», деб қирқин канизлари билан Қалдирғоч ойим келаётиб эди. Алпомиш олдидан чиқиб қолди. Алпомиш ерга қараб бўраётиб эди. Шундай бошини кўтариб қаради, қарши манглайига канизлари билан синглиси келиб қопти, қизларни кўриб, уялган киши бўлиб, эгар-абзални ташлаб юбориб, йўл устида ёнбошлаб ётди. Қалдирғоч ойим устига бориб бир сўз айтиб турибди:

Айтган сўзнинг поёмини билсанг-чи,
Кўз куюги, э, нар-мода, ўлсанг-чи;
Кеча-кундуз йиғлаб фиғон этмаган.
Қиличига қирмизи қон қотмаган,
Ўз молига ўзин важи ўтмаган,
Ул бермаса қаҳр қилмас бўларми?
Йилқи ичидан бедов минмас бўларми?
Қултойнинг дўқидан қайтиб келасан.
Сўраганда нима жавоб берасан?
Билсанг Қултой йилқибоқар хизматкор.
Сен сўрасанг улар сенга жавобгар,
Бу юришинг, бек ака, қандай бўлар?
Одам кўрса юришингга кулади,
Бу юришинг элга гап бўп қолади.

Жўнатмак бўп мендай синглинг келади,
Бу юришинг, ака, айб бўлади.
Етмайин ўрнингдан энди турсанг-чи,
Бундай турмай энди ғайрат қилсанг-чи,
Бизи билан бирга-бирга борсанг-чи.

Бу сўзларни айтди шундай муштипар,
Ўрнидан турганди давлатли шунқор,
Оҳ урганда хаста кўнглин хушлади,
Эгар-абзалини йиғиб ушлади,
Шул замон эгнига қоқиб ташлади,
Қултой қулга тагин йўлни бошлади.
Йўлга тушиб Қултой қулга қаради,
Урган ерда ҳали Қултой туради.
Қайтай деса бул синглиси келади.
Тагин урармикин деб кетиб боради.
Бу қизлар билмайди Ҳакимбек ўйин,
Ҳакимбек илгари, синглиси кейин
Қултой қулга бирга кетиб боради.
Ҳакимбек қизлардан илгари ўтар,
Таваккал қип бораётир муқаррар,
Қандай бўлса Қултой қулга борай, деб,
Қайта бошдан тагин сўзлаб кўрай, деб.

Қултойнинг қошига яқинлаб борди. Синглиси канизлари билан анча кейинда қолди. Қултой ҳам Алпомишни кўрди. Қултой тагин дўқлаб бу сўзни айтиб кела берди:

Бобонгнинг сўзини ҳазил биласан,
Сен нега айланиб яна келасан?
Келма мунда, энди тайин ўласан.
Не ишинг бор, тагин нега келасан?!

Яна биров йўлда кўнглинг бўлдимиди?
 Тағин сенинг таёқ егинг келдимиди?
 Сиёсат қип Қултой яқин келади,
 Бек Алпомиш индамайин туради.
 Тағин келиб Қултой буни уради,
 Уч-тўрт таёқ айлантириб солади,
 Алпомишга таёқ ўтиб боради.
 Таёқ ўтиб хаста кўнглин хушлади,
 Кўтарган нарсасин ерга ташлади.
 Қултой чолнинг белбоғидан ушлади.
 Жафолар солгандир тандаги жонга,
 Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,
 Таёқ ўтиб эди бундай султонга,
 Қултой чолни чирпиб отди осмонга.
 Отиб кеп юборди давлатли шунқор,
 Қултой чол ҳавода кўринмай кетар.
 Давлатли хон шундай кўкка қаради,
 Олчи, чикка бўлиб энди айланиб,
 Қултой чол осмондан тушиб келади.
 «Ерга тушиб Қултой бобонг ўлмасин,
 Йилқиларинг боз боқувсиз қолмасин.
 Ҳар на деб амр этсанг ани қилайин,
 Жуда илдамидан ушлаб берайин,
 Ерга тушиб мен ҳам нобуд бўлмайин»,
 Бу сўзларни айтиб ҳаводан етди,
 Алпомиш Қултойнинг белидан тутди.
 Чалқараман қилиб ерга қўйибди,
 Тиззасин кўкракка қўйиб турибди.
 — Бобо, қани ушлаб беринг.
 — Қўйиб юбор, ўғлим, ушлаб берайин,—деди.
 — Йўқ, ётган ерингда ушлаб берасан!—деди.
 — Турмасам қандай ушлаб бераман!—деди.
 — Эса мени нега мунча урасан?

Қултой ҳам заҳар чол эди. Етган ерида бир қур ҳайт тортди, тўқсон тўқайдаги йилқи йиғилиб қарши-сига етди, ҳамма йилқилар жам бўлиб турибди. Бобосидан қолган қўриқни Ҳакимбекнинг қўлига берди. Ҳакимбек қўриқни қўлига олди. Бу қўриқни йилқиларга солмоқчи бўлди. «Саман сариққа туш, ё олапоча тўриққа туш, шапақнинг зўрига туш», деб қўриқни солди, ёллари эшилган ипақдек бир чибор отнинг бўйнига тушди. Кўнглидаги бўлмай, отдан кўп кўнгли тўлмай, «Кўп нозик учради», деб бу отни қўйиб юборди; яна қўриқни солди, яна шунинг бўйнига тушди. «Бир бало қиласанми, ё ёмонлаб ўласанми, менга дардисар бўлиб қоласанми», деб қўйиб юборди. Қайтариб тагин қўриқни солди, тагин шу чиборнинг бўйнига тушди. «Тақдирдаги шу экан-да», деб, белбоғини отнинг бўйнига солиб, етаклаб, эгарининг қошига бориб, у ёқ-бу ёғини кўра берди. «Қандай бўлар экан», деб ўйланиб туриб эди, Қалдирғоч ойим ҳам канизлар билан кела берди. Акасининг тарзига қаради. Акасининг айтгани бўлмай, отдан кўнгли тўлмай, хафа бўлиб турганини билди. Отнинг тизгинини акасининг қўлидан олиб, сағрисини силаб, у ёқ-бу ёғига қараб:— Хафа бўлма, ёмон дема, мунинг одам кўп ерларни кўради, мақсадига етади,— деб акасининг кўнглини кўтариб, қуллуқ бўлсин қилиб бир сўз айтиб турган экан:

Ўзи шундай келган экан човқар кўк,
Қуйруғидан берисида кири йўқ.
Минганларнинг бўлар экан кўнгли тўқ,
Бунинг минсанг, ака, сенга душман йўқ.
Минганда ирғийди бу арғумоғинг,
Эгар қошга солсанг олтин садоғинг,

Боргандан келади бодом қовоғинг,
Қуллуқ бўлсин, акажон, арғумоғинг.
Чопар от ўйнатиб бундан борасан,
Буни минсанг, ака, йўлли бўласан,
Борганданоқ Барчин ойни оласан.
Яна қайтиб ўйнаб даврон сурасан,
Бу отингдан кўп хосият кўрасан,
Қуллуқ бўлсин, акажон, арғумоғинг.
Ёмон дема, ака, Бойчиборингни,
Кўнгилдан чиқаргин сен ғуборингни,
Сен билмадинг бу асл тулпарингни.
От учун бузмагин сира кўнглингни,
Боргандан оларсан кетган ёрингни;
Назаркарда билгин бул тулпарингни.
Минсанг тулпар, берар мақсадларингни,
Обод қилсанг келиб кирдикорингни,
Манглайин силагин бу тулпарингни.
Қамчи урсанг учар қушни олади,
Бундай от ҳар кимда қайдан бўлади?
Миниб кўрсанг, ака, кўнглинг тўлади.
Остингда ўйнаса шундайин тулпар,
Ҳеч бир душман бўлолмасин баравар,
Ғанимларнинг додин берар жонивор,
Назаркарда билгин, ака, Бойчибор,
Қолмайди кўнглингда заррача ғубор,
Барчин чеча бул йўлингга интизор,
Шундай тулпар миниб бормоғинг даркор.
Ҳеч бир ишни қилолмайди қалмоқлар,
Кўрганларнинг кўнгли тўлар жонивор.
Бийнинг қизи борсанг бўлар хизматкор.

Бу сўзларни айтиб, Қалдирғоч оғим акасига отни
эгарлаб берайин деб турган ери:

Оша элга ошган тортар хўрликни,
Бек Алпомиш қилар буқун эрликни,
Бисмилло деб солди отнинг устига
Кимхоби майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар қарар экан дурбинни:
Усталар ишлатар пўлат қирғини,
Шул замонда солди отнинг устига
Зарлигу зарбобдан бўлган чиргини.
Чиргининг устидан қўйди белликни,
Боз устидан солди жаҳалдирикни.
Муллалар ўқийди зеру забарни,
Усталар чопади теша-табарни,
Бисмилло деб солди отнинг устига
Тилла карсон, қоши олтин эгарни.
Эл кўчириб Олатоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди,
Иккови ҳам тилладандир узанги,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.
Қишман ёз ўртаси уч ой саврдир,
Ёмон одам мудом қилар ғовурни,
Лоп айтганда ботмондан ҳам оғирдир,
Бисмилло деб солди отнинг устига
Чочоғи зумратдан зарли давурни.
Гана-гана бандаларинг жоҳилдир,
Мардлар қилган ишга одам қойилдир,
Ой Қалдирғоч тортди отнинг белидан
Сирти ипак, ичи майин айилни.
Чув десанг, ўзади осмонда қушдан,
Ҳеч камлик бўлмаса йўрға юришдан,
Бисмилло деб тортди отнинг белидан
Ун саккиз қуббали чағатой пуштан.
Абзалининг бари ола қайишдан.
Сағрисиға ташлаб карки қуюшқон,

Ҳар қуббаси келган катта таркашдан.
Отлантирмоқ бўлди шундайин бекни,
Гарданига ташлаб ўмулдириқни.
Абзаллаган отни кўриб қувонди,
От бошига солди тилла юганди:
Отни силаб кўп парвариш қилади,
Параққос қип оти ўйнаб туради.
От сағрисин бул канизлар силади,
Бойчиборни хўп абзаллаб бўлади,
Ой Қалдирғоч олиб келган либосни
Кийгин дейди, Ҳакимбекка беради,
Қиз бола шўх бўлар, шундай ўйлабди,
Шул замон кийгизди майин кўйлакни.
Боз бостириб кийди булқиш телпакни,
Юракдан кечириб оҳ билан войни,
Кийгизди устига яхши сарпойни.

Шундай қилиб, кийинтириб, кескир қиличларни белига бойлаб, Арпали кўлидан отлана берди. Алпомишнинг Олимпимбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли сариқ ёйи бор эди. «Мабодо душманнинг юртида ёй тортишадиган кун бўларми, одам билмайди, керак бўлиб қоларми», деб ёйни эгарнинг қошига солиб олди.

Қалдирғоч акасини отлантириб, от-анжомини чоғлаб, яхши бор деб бир сўзни айтиб турди:

Қайда борсанг олп йигитлар ёр бўлсин,
Ўнаккимом, чилтан жиловдор бўлсин,
Душманларинг кўрса сени зор бўлсин,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Бундан бориб олгин гул бувушингни,

Қўнғирот элда қилғин ўлтиришингни,
Эсга олгин мендай эмикдошингни.
Эмикдошим, эшит айтган тилимни,
Соғ-саломат қалмоқ бориб кел энди,
Келиб обод қилгин кирдикорингни,
Йиғлатмагин эна ғамхўрларингни.
Сен бориб оларсан излаб ёрингни,
Келиб обод қилгин ўсган шаҳрингни.
Остингда ирғиса араби тулпар,
Бу йўлда кўрмагин, акажон, хатар,
Сенинг дуоғўинг мендай муштипар.
Эл кўчириб Олатоғдан оширгин,
Улуғланиб остонага бош ургин,
Боргин, эмикдошим, ҳаққа топширдим.

Ҳақимбек Қултой бобоси, Қалдирғоч синглиси билан хайрлашиб, бир сўз деб турган экан:

Мен кетарман ёрим излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб,
Елғизман бўтадай бўзлаб,
Бобом Қултой, хуш қол энди.
Кетсин мендан оҳу войим,
Обод бўлсин манзил жойим,
Дуо қилгин, қиблагоҳим,
Отам Қултой, хуш қол энди.
Ер савдоси келди ғолиб,
Мен кетарман бошим олиб,
Қалмоқ борарман ахтариб,
Отам Қултой, хуш қол энди.
Бизман доим ҳамдам бўлган,
Бир эмчакни бирга эмган,
Акам деб эргашиб юрган,
Умид тортиб бунда келган,

Мунгли синглим, хуш қол энди.
Сенга етгай аканг сўзи,
Чўлларда тўрт наркас кўзи,
Сарғаймасин гулдай юзи,
Излаганим бийнинг қизи,
Жоним синглим, хуш қол энди.
Жаҳонни сайр этиб юрсам,
Душманларнинг додин берсам,
Яна қайтиб элга келсам,
Эмикдошим, сени кўрсам,
Кеп юрима эга бўлсам,
Мунда келиб даврон сурсам,
Эмикдошим, хуш қол энди.
Мундан кетсам бедов миниб,
Ошсам тоғлардан йўл юриб,
Яхши, ёмон элни кўриб,
Душман кўрсам саваш қилиб,
Душманларнинг додин бериб,
Мунда қолинг дуо қилиб,
Меҳрибонлар, хуш қол энди.

Бу сўзни эшитиб Қалдирғоч ойим ҳам бир сўз деб турган экан:

Бир нечук номардга кўнгил бермагин,
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Ўзингга номардни ҳамроҳ қилмагин.
Қулоқ солгин синглингнинг нолишига,
Фалак раҳм айласин кўзда ёшига,
Ёмонни йўлатма отнинг қошига,
Аччиқ қилиб урма отнинг бошига,
Қулоқ соп эшитгин айтган нидога,

Улим навбат, етар шоҳу гадога,
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға,
Ёринг билан бўлсин элда суҳбатинг,
Тоймасин бошингдан тожу давлатинг,
Сен келгунча обод бўлсин элатинг.
Юз алвон ўйнайди минганда отинг,
Ярқиллар белингда кескир пўлатинг,
Қўлга тегсин излаган паризодинг;
Сендай акам меҳнат тортиб боради,
Улмаган дунёнинг ишин кўради,
Кетган элнинг бари хизмат қилади.
Барчин чечам ҳар кун йўлга қарайди,
Олтойгача сенга интиқ бўлади,
Сен етмасанг қабоҳат кун бўлади,
Агар етсанг бари ҳурмат қилади,
Сени билан бирга бўлиб туради.
Бир бўп турсанг душман нима қилади.
Қасд қилса ҳам ул анқайиб қолади.
Жами дўстинг бир оғиз бўп кўради.
Мендай синглинг дуо қилиб туради,
Соғ бориб, саломат кел, деб қолади.

Ҳар қайсиси билган сўзини айтиб омонлашиб, хуш-
лашиб, Алпомиш йўлга кириб бораётир:

Дубулға бошда дўнгуллаб,
Қарк қубба қалқон қарқиллаб,
Тилла поёнак урилган
Узангиларга ширқиллаб,
Бедов отлари дирқиллаб,
Олғир қушдайин чарқиллаб,
Қўлда найзаси сўлқиллаб
Юрмакчи узоқ йўлига.

Қарамай ўнгу сўлига,
Етсам деб ёрнинг элига,
Силтаб юради Бойчибор,
Яқин бўлар узоқ йўллар,
Йўл юрар давлатли шунқор.
Қалмоқ юртини ахтарар,
Ёлғиз кетди мундан шунқор.
Ҳақимбек қилди ғайратни,
Қилади отга шиддатни,
Чув ҳа, деди қамчи чатди,
Изғир чўлни тўзон тутди,
Йўлнинг танобини тортди.
Қир келса қилпиллатди,
Арна келса ирғитди,
Ўр келса ўмганлатди,
Шундай Ҳақим йўл тортди:
Кўрсам деб келган элини,
Излаб ёрнинг манзилини.
Тоғларда бордир заранги,
Эгнида бордир паранги,
Ойлар ҳам тошдай қоронғу;
Оҳ чекиб ҳардам кундуз,
Йўл юргандир кўп қулатуз,
Ё кеча, тинмайди кундуз,
Не равшан кўзларин ёшлаб,
Ғанимнинг сирини фошлаб,
Қамчин уради қулочлаб.
Остидаги чибор оти
Олиб қочди сувлуқ тишлаб,
Суриб боради анғишлаб,
Айрилиққа бағрин доғлаб,
Ёрнинг юртини сўроглаб;
Бек Ҳақимнинг баҳрин очди,

Оти суриб олиб қочди.
Неча бир тоғлардан ошди,
Чўлларда мавж уриб тошди.
Ҳар тарафга аланглашди,
Кўрганларнинг ақли шошди.
Қалмоқ элга борсам, дейди,
Бийнинг қизин кўрсам, дейди,
Лабдан болин сўрсам, дейди,
Борганимдан олсам, дейди,
Куёв бўлиб турсам, дейди,
Қичаб йўлни юрсам, дейди,
Уйнаб даврон сурсам, дейди,
Талаш қилган у зўрларнинг
Жазосини берсам, дейди.
Иш кўрсатиб келсам, дейди,
Бориб андай қилсам, дейди.
Барчинойман юрсам, дейди,
Қайтиб элга келсам, дейди.
Юртга эга бўлсам, дейди.
Боради элнинг тўраси,
Гумбурлар тоғнинг дараси,
Урушли кун бўлган вақтда,
Ингратар найза яраси:
Бораётиб хон қаради,
Кўринди бир тўп қораси.

У қора бояги келган ўн чопар эди. Ўн чопар Ҳа-
кимбекни кўриб, «оқ юзли, обрўли бўлди» деб, отдан
тушиб таъзим қилди. Бу чопарларни кўриб:— Сизлар
аста-секин кета беринглар,— деб ўта берди. Ҳақим-
бек илгари ўтиб кетди.

Қалмоқ элда, Чилбир чўлда бораётиб кўрди, бир
ерда тўқсон қўра қўй ёйилиб ётибди. Бу тўқсон қўра

қўй Бойсарининг қўйи эди, тўқсон қўра қўйнинг чўпонининг маҳмаданаси Кайқубот кал эди. Кайқубот саришин қилтоб кал эди. Кайқуботга қараб: «Шул орага бир элибой келдими?»,— деб, Алпомиш сўраб турибди:

Ассалом алайкум, чўлда чўпонлар,
Устига кийгани эски чопонлар,
Қағаноққа тўйиб ётган гуппонлар,
Шул орага бир элибой келдими?
Бир облоға етгай анинг ноласи,
Қирқ мингча бор ҳайдаб юрган галаси,
Уша эди Қўнғирот элнинг тўраси,
Шул орага бир элибой келдими?
Ғамли қулнинг ўйлайдиган ўйи бор,
Давлатманднинг гургумадор тўйи бор,
Бир белгиси баҳмал ёпган ўйи бор.
Чангароғи ғўла, абжуш чийи бор,
Шул орага бир элибой келдими?
Ғам билан сарғайган гулдай юзи бор,
Қўтонида қўй-қўзининг изи бор,
Бир белгиси Ойбарчиндай қизи бор,
Шул орага олп қизли бой келдими?

Кайқубот Алпомишга қараб бир сўз деб турган экан.

Қулоқ солгин чўпоннинг нолишига,
Йигит кўнар савдо тушса бошига,
Чопар кетди Қўнғирот Алпомишига,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин!
Қирқ мингча бор ҳайдаб юрган галаси,
Унда экан Қўнғирот элнинг тўраси,

Энди бўлди одамнинг бечораси,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин!
Ғам билан сарғайган гулдай тарзи бор,
Қўтонида қўй-қўзининг изи бор,
Белгиси шул, Барчинойдай қизи бор,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин!
Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча,
Йиғласа ҳолига йиғлар бир неча,
Талашиб ётибди тўқсонга гачча,
Талаш бўлиб ётир Барчин ойимча,
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин!
Ҳар гапингнинг бўлса шукри лиллоси,
Беш юз норга юк бўлади тиллоси,
Шундай бойнинг бизлар чўпон боласи,
Сен бўлмагин ўзбек элнинг тўраси?
Сўраганинг Бойсарибой бўлмасин!
Олмос пўлат айрилмайди белингдан,
Қаҳрлансанг ҳар иш келар қўлингдан,
Бойсари деб кепсан ўсган элингдан.
Созандалар созин чертар қўл билан,
Емон одам кўйдиради тил билан,
Сени билдим, Бойсарини сўрадинг,
Бора бергин ёлғиз оёқ йўл билан.
Ҳар тарафга кўз юбориб қарайсан,
Мунда келиб Бойсарини сўрайсан,
Бойсарини кўрмакка толиб бўласан,
Шу йўл билан кетсанг тўғри борасан.
Тарзинга қарайман бир лочин шунқор.
Остинга минибсан назари тулпар,
Сен бўлибсан ё бировга харидор,
Бойсарига йўлиққидай ишинг бор,
Йўл кўрсатар сенга турган чўпонлар,
Шу йўлдан бурилмай тўғри борасан,

Кўлни ёқалаган элни кўрасан,
Ҳеч ёққа чиқмасанг, тўғри борасан,
Бойсарининг баҳмал уйин кўрасан,
Бойсари қариндош бориб кўрасан.

Алпомиш айтди:—Кун бевақт бўлди, бемаҳал борганинг иззати, обрўи бўлмайди. Бу кун мен сизларнинг қўшхоналарингда ётайин, эртан туриб кетайин.

Бу сўзни эшитиб, «Шу йўловчи бизга айлана берди, Кўнғиротдан келаётган Алпомиш езнамиз чиқиб қолса ҳам ажаб эмас», деб чўпонлар кўнглини хушлаб, Бойчиборнинг жиловидан ушлаб, езнасини меҳмон қила бошлаб, остига шим билан қебанакни ташлаб, зиёфатга қўйни сўйди. «Чарчаб келгандирсиз, езна, суяниб ўтиринг», деб хуржуни билан унни олиб қўйди. Езнасини меҳмон қилиб сийлади.

Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасидан келаётган эди, Тойча вилоятида, Қалмоқ музофотида, Чилбир чўлида Муродтепа деган тепа бор эди, ҳаддили баланд тепа эди, устидан қанотли қуш учиб ўтолмас эди. Ҳар қандай одам чиқиб, оёқ ости қилиб кетолмас эди. Шу тепани кўриб, Алпомиш ирим чекиб, «Шу тепага отимни солайин, иркилмай тепага отим чиқиб кетса, боргандан ёримни оламан, чиқолмаса, бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешонамни шу ерда синаб кўраман», деди. Отни тепага тўғри қилди, туёғидан қирқ минг отнинг дупури пайдо бўлди, Алпомиш олмаса ҳам кўнглида ёрини олгандай бўлиб қолди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн минг Кўнғиротнинг эли кўриниб турибди. Отни қовдонга қўйиб юбориб, тепанинг бошида ёнбошлаб, Бойсарининг уйига тикилиб ёта берди.

Қоражон ўн уч маҳрам билан чўлга қараб овга чиқиб кетди. Бу Алпомиш тарафга қараб бораётибди. Қовдон еб ётиб, хоннинг чибор оти шундай қаради: Қалмоқ тарафидан ўн тўрт қора унинг кўзига кўринди. Бу қорани кўриб, отнинг чайнаб ётган қовдони ҳам томоғидан ўтмай қолди. Отнинг кўнглидан кечгани шу бўлди: «Бу келаётган отлар тулпар бўлса, устига мингани душман бўлса, Алпомиш мени мийиб қочса, кейинимдан қувлаб етса, бир шўрнинг ёлғиз ўғли ўладиган бўлди-да». Хоннинг чибор оти тоза тикилиб қаради. Қараса, ўн тўрти ҳам тайпанглаб йўртиб келаётир, туёғи ерни туртиб келаётир. Бу отларни кўриб: «Қувсам етар эканман, қочсам қутулиб кетар эканман, устимга минган мардимни фалокатдан озод қилиб кетар эканман», деб қарсиллатиб қовдонни ура берди.

Қоражон Муродтепанинг остига келиб қолди. Шундай тепанинг бошига қаради. Тепанинг бошида Юсуф талъатли, Рустам сифатли, човкар отли биров ёнбошлаб ётибди. «Бу бизнинг Қалмоқ вилоятининг одами эмас, бундай йигитлар Қалмоқ юртида бўлса, бегликда, подшоликда бўлар эди. Бундай одам бўлса илгари ҳам бир, ярим кўзим тушар эди. Тағин Қўнғиротдан келаётган Алпомиш шул бўлмасин», деб унга қараб бир сўз деб турган экан:

Остингда юз алвон ўйнайди отинг,
Душманни ўртайди шаъну шавкатинг,
Йўл бўлсин, бойвачча, қайда борасан?
Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай,
Аччиғинг чиллали музлаган қишдай,
Норкалла, келгансан чуйда кумушдай,
Норкалла полвоним, қайдан бўласан?

Юрагингда бордир ғусса, аламинг,
Хуржунингда балки қуръон-каломинг,
Сипойи сатангим, қайдан бўласан?
Қийғир деган қуш ўтирар қияда,
Жасадинг бор Рустамдан ҳам зиёда,
Ғайратингдан шоҳлар юрар пиёда,
Хабар бер, бекбачча, қайда борасан?
Жамолинг ўхшайди осмонда ойга,
Қошингни ўхшатдим эгилган ёйга,
Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга,
Ёнбошлаб ётишинг минг қўйли бойга,
Бойбачча сифатлим, қайдан бўласан?
Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан,
Сендай йигит бино бўлмас онадан,
Парвоз қилдинг қайси манзилхонадан,
Баландпарвоз ботир, қайдан бўласан?
Сени туққанларнинг борми армони?
Душман кўрса кетар энди дармони,
Аслинг одам десам беҳишт ғулмони,
Қарчиғай чангалим, қайдан бўласан?
Мен билмадим ўйнаб ўсган юртингни,
Англамайман келган мамлакатингни,
Янги мунда кўрдим сендай мардимни,
Қоражон олп дейдилар менинг отимни,
Баланд билдим сенинг сиёсатингни,
Хабар бер, бекбачча, қайда борасан?

Алпомиш ҳам Қоражонга қараб бир сўз деб турган
экан:

Мени билсанг Қўнғиротларнинг оғаси,
Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси,
Ёз бўлса яйловим Аму ёқаси,
Мени билсанг Қўнғирот элнинг тўраси,
Қўққамиш кўлидан суқсур учирдим.

Суқсурни излаган лочин бўламан.
Боғларим зумраддан, чангалим пўлат,
Қўнғиротдан қуюлган шунқор бўламан.
Бойлигидан бедов отни бойлаган,
Тангқа ташлаб Олатоғни ёйлаган,
Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган,
Шул галада бизнинг бир моя келган,
Моянинг йўқчиси, нори бўламан.
Ҳасратидан ғамга тўлдим оҳ уриб,
Олтойчилик йўлдан келдим ахтариб,
Чилла кирмай чарқиллайман маст бўлиб,
Чайқарман хатапга бошимни уриб,
Жафолар соларман тандаги жонга.
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,
Ажалли касратки тегар илонга,
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал қамсаб келса сичқонга,
Душман кўрсам отаман-ку осмонга,
Душманларга келган бало бўламан.
Бойсун — Қўнғирот дейди менинг элимни,
Бадбахт душман, эшит айтган тилимни,
Соларман бошингга қаттиқ зулмни,
Кўп сўрадинг сен менинг манзилимни,—
Асл Қўнғирот дейдилар манзилимни.
Лақабим Алпомиш, отим Ҳакимдир,
Не биласан, сен сўрайсан юртимни?
Қоражон деб хабар бердинг отингни.

Алпомишнинг сўзини Қоражон кўнглига оғир
сди. У Алпомишни синаб бир сўз деб турган экан:

Учирган суқсуринг Ой кўл қўнибди,
Тўқсон ғажир ўртага олиб турибди,
Ёш ўғлонсан, бекор ҳалок бўласан,

Ғажирлар иложин қандай қиласан?
Бекор ҳалок бўлиб бунда келасан,
Ғажирлар чангида тайин ўласан,
Ҳолинг билмай сен ҳам сарсон бўласан.
Лоп уриб сен ҳам менга қарадинг,
Моячам деб сўнгра мендан сўрадинг,
Сўрадинг, моянгдан дарак берайин,
Билганимни сенга айтиб берайин.
Минг беш юз тиллали овсар бошида,
Кўрдим тўқсон олпнинг той-талашида;
Нар моянг шу кунда довриқ устида.
Жуда ҳам бир ўзбек йўлли бўласан,
Нар моянг юрибди Чилбир даштида.
Олплар билан кўрсанг саваш қиласан,
Айрилиб моянгдан сарсон бўласан,
Бул олпларга нима илож қиласан?
Йўлиққан сўнг сен зўрлигин биласан.
Бекор ҳалок бўлиб мунда келасан.

Бу сўзни Қоражондан эшитиб, Алпомиш кўнглига оғир олиб: «Тўқсон тоғдан ўтиб, меҳнат тортиб, қалмоқларнинг олпи билан аралашиб қолиб, балога йўлиқиб юрган эканман, бу қалмоқ менга билиб гапиргандир»,— деди.

Алпомишнинг кўнглига оғир олганини билиб, танимаган киши бўлиб, «Сени бировга ўхшатиб турибман», деб Қоражон сўз айтиб турган ери:

Билдим қўнғиротлик зотингни,
Малакдайин суратингни,
Қовдон еган отингни
Мен бировларга ўхшатдим.
Моячам деб сўрганингни,
Галман жавоб берганингни,

Рустам каби мужгонингни
Мен бировларга ўхшатдим.
Ширин суханли тилингни,
Билагингдаги зўрингни,
Панжаси узун қўлингни
Мен бировларга ўхшатдим.
Қалласи катта бошингни,
Оҳ деб чиққан нолишингни,
Бургутдай ўтиришингни
Мен бировларга ўхшатдим.
Жасаду тана, тўшингни,
Имо билан кулишингни,
Қийилган қалам қошингни
Мен бировларга ўхшатдим.

Мени сен кимга ўхшатдинг,— деб Алпомиш бир сўз айтиб турган экан:

Билсанг қўнғиротлик зотимни,
Малакдайн суратимни,
Қовдон еган отимни,
Қалмоқ, сен кимга ўхшатдинг?
Моячам деб сўрганимни,
Галман жавоб берганимни,
Рустам каби мужгонимни,
Қалмоқ, сен кимга ўхшатдинг?
Ширин суханли тилимни,
Билагимдаги зўримни,
Панжаси узун қўлимни,
Қалмоқ, сен кимга ўхшатдинг?
Бургутдай ўтиришимни,
Қалласи катта бошимни,
Менинг юрган юришимни,
Қалмоқ, сен кимга ўхшатдинг?

Жасаду тана, тўшимни,
Имо билан кулишимни,
Қийилган қалам қошимни,
Оҳ тортганда нолишимни,
Аҳмоқ, сен кимга ўхшатдинг?

Бу сўзлар, айниқса «аҳмоқ» деган сўз Қоражонга жуда ўтиб кетди, унинг ғайрати ғайратга қўшилиб, ўтдай тутшиб кетиб, баданининг туклари совут қалқонини тешиб ўтиб, шундай бўлса ҳам ўзига тасалли бериб, Алпомишга қараб айтиб турган сўзи:

Билдим қўнғиротлик зотингни,
Малакдайн суратингни,
Қовдон еган отингни
Бойчиборларга ўхшатдим.
Моячам деб сўрганингни,
Галман жавоб берганингни,
Рустам каби мужгонингни
Алпомишларга ўхшатдим.
Ширин суханли тилингни,
Билагингдаги зўрингни,
Панжаси узун қўлингни
Бойсариларга ўхшатдим.
Қалласи катта бошингни,
Билдим мен қилган ишингни,
Бургутдайн туришингни
Бойбўриларга ўхшатдим.
Ҳақ деб чиққан нолишингни,
Жасаду тана, тўшингни
Қунтуғмишларга ўхшатдим.
Имо билан кулишингни,
Қийилган қалам қошингни
Қалдирғочларга ўхшатдим.

Бу сўзни эшитиб:— Сен илгари мени кўрибмидинг, ё мен билан ҳамсуҳбат бўлибмидинг, ё бизнинг қўзини боқиб бизникида етим-метим юрибмидинг? Бойсарини ўз элингда кўргансан, мени бу ерда кўриб турибсан, отамни ҳам дала-даштда кўрсанг кўргандирсан, сен етим юрмасанг, уйдаги энамни, синглимни қаёқдан билдинг?— деди.

Қоражон айтди:— Сени кўрганим йўқ, сенинг билан ҳамсуҳбат бўлганим йўқ, мен ҳам хотинингга таллашиб ётган тўқсон олпнинг бири бўламан; қазму қариндошингни тушимда кўриб, сен билан дўст бўлдим, ул сабабдан биламан,— деди.

— Дўст бўлган бўлсанг, эса яқин бўлиб қолган экансан, тепанинг устига чиққин, кўришайлик.

— Бу тепанинг устига чиқадиغان камолга етишганим йўқ, сен тепадан тушгин, мен кўришайин,— деди Қоражон.

Алпомиш отини етаклаб, тепадан тушиб кела берди. Қоражон:— Дўстим билан кўришинг,— деб маҳрамларига амр қилди. Маҳрам халқи нозик келади, қўл учида кўришаётир.

Алпомиш, «қалайсан», деб сиқинқираб юборди, маҳрамларнинг панжаси бир-бирига ёпишиб, қапишиб, янчилиб кетди. Қоражон билан Алпомиш ёйди қулочни, иккови хулқу муҳаббат билан кўришди. «Қалайсан, дўстим, омонмисан?» деб сиқинқираб юборди. Қоражоннинг етти қовурғаси синди, таппа тушиб ётиб қолди. Алпомиш айтди:— Нима қилди, дўстим?

— Болалик кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди, шу вақт тутиб қолди,— деди Қоражон сир бермаган киши бўлиб.

— Белгили касал бўлса, тузалиб ол эса,— деди Алпомиш.

— Ростингни айтгин,— деди Қоражон,— шу кўришганингми, ё уришганингми?

— Нима қилдингки, уришаман, кўришганим эди,— деди Алпомиш.

— Кўришганинг шу бўлса, уришганинг қандай бўлар экан,— деб Қоражон бир сўз деб турибди:

Қўлин қисиб маҳрамимни қочирдинг,
Белим қисиб қовурғамни шиширдинг,
Дўстим, сенинг зўрлигингга қойилман.
Сендай беклар Қўнғирот элдан келади,
Шўри қисган сенга дучор бўлади,
Бу сенга йўлиққан душман ўлади,
Сенинг билан ким барабар бўлади.
Остингда ирғийди ёв арғимоғинг,
Эгарнинг қошида олтин садоғинг,
Боргандан тегади бодом қовоғинг.
Ирғитсанг Бойчиборингни,
Боргандан оласан Барчин ёрингни,
Ўлдирасан бунда душманларингни.
Меҳнат тортиб бизнинг юртга келасан,
Қандай душман бўлса додин берасан,
Зўрликни ўтказиб ёринг оласан,
Аччиғлансанг ҳар бир ишни қиласан.
Отинг Ҳаким экан, ўзинг зўравор,
Бизнинг юртга келгандир сендай аждар,
Ҳеч бир олп бўлолмади барабар.
Мен эшитдим, дўстим, сенинг тилингни,
Ул тегмаса сен қилмайсан зулмни,
Боргандан оласан Барчин гулингни.
Уйнаб-кулиб, дўстим, даврон сур энди.
Мен ҳам эдим тўқсон олпман барабар,
Яхши ишман мен кўришдим муқаррар,

Йўқ эди кўнглингда заррача губор,
Сенга қойил бўлди мендайин номдор,
Бизнинг юртда сенга йўқдир баравар.

Қоражон дўст бўлиб, бўлакдан кўришиб, Алпомиш Қоражонникида меҳмон бўлиб ётди. Алпомиш туриб айтди:— Қоражон, бизнинг бунда келиб ётганимизни Бойсари не билсин, сен Бойсариникига бориб келсанг, бир хабарини олиб келсанг, қизини бизга берадигандай бўлса, совчи бўлиб келсанг, қандай бўлса, менинг келганимни билдириб келсанг.

Тўртинчи бобдан

Қоражон... совчи бўлиб бориб қолди:

— Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, олпларнинг муҳлати битиб қолди, сен нима жавоб айтасан?

— Алпомиш келди деб этагидан ушлаб кета берайинми? Бу олплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўрт шартим бор. Шу тўрт шартимни қилган кишига тегаман, хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин. Шу сўзимни хон тўрамга айтиб бор.

От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси,
Келган бўлса Қўнғирот элнинг тўраси,
Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси,
Бобохон тоғидан пойга қиламан.
Кўздан ёшни мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қанотини суздирса,

Бобохондан пойга қилиб ўздирса,—
Оти илдам олп йигитга тегаман.

Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Узоқ юртдан меҳнат тортиб келганга,
Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,—
Мен тегаман, шул ёйандоз полвонга,
Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Мени излаб узоқ элдан келганга,
Ғаним кўрса қиёмат кун солганга,
Узоқ юртдан излаб ҳалок бўлганга,
Минг қадамдан танга пулни урганга,—
Мен тегаман шул қирағай мерганга.

Саваш бўлса бул шубаниб чиққанга,
Кураш қилиб тўқсон олпни йиққанга,
Мен тегаман нор билакли полвонга,
Айтиб боргин излаб келган султонга,
Отин тоблаб кира берсин майдонга,
Хабар бергин бари қалмоқ душманга,
Талаб қилса бари келсин майдонга,
Ҳеч қайси ҳам қолмасин-да армонда.

* * *

Барчиннинг пойгасига йиғилган от тўрт юз тўқсон
тўққиз бўлди. Бойчибор билан тўппа-тўғри беш юз
бўлди. Алпомишнинг танидан Қоражон пойгага бор-
моқчи бўлди.

Пойгачилар жўнаб кетди. Алпомиш чодирда ўти-
риб қолди. Қирқ беш кунда келар деб вақтини хуш-
лаб турди.

Пойгачилар йўл юрди, пойгачиларнинг бораётгани;

Не қалмоқлар шердай бўлиб,
Ҳар яғрини қирдай бўлиб,
Беш юз отлиқ бирдай бўлиб,
Қистаб йўлда тўбичоқни,
От бошини қўйиб олар,
Яқин қилмоққа узоқни.
От чопишса узоқ йўлга,
Бир-бири кирмайди тилга,
Қоражон ҳам борар бирга,
Йўлдош бўлган сотта зўрга,
Қамчи уриб Бойчиборга,
Қоражонни мазақ қилар,
Шўхлик қилиб ўртаголар,
Барчин ойимнинг устидан
Хўп ўрлашиб талаш бўлар.
Бораётир ловловлашиб,
Гинаси дарёдай тошиб,
Бир хили ўтдай тутлашиб,
Бадбахт чўлда аҳолашиб,
Қоражон отини қўшиб,
Бир суриниб чипор турар,
Энди жуда йўрға бўлар,
Кўп қалмоқлар ҳадик қилар.
Кунба-кун юрса очилар,
«Ўзбекнинг оти ҳийлагар»,
Гумон қилди кўп қалмоқлар.
«Ҳайвон ҳам бўлса жодугар»,
Йўлларнинг танобин тортар,
Бу отдан ҳамма беҳабар,
«Ўзармикан шул уккағар?»
Фарқламайди ақли йўқлар,
Шундай бўлиб йўл юради,
Зилнинг тоғига боради,

Қалмоқ шундай айрилади.
Қалмоқ кетди ўйни ўйлаб,
Қўнглига келганини сўйлаб:
«Бобохонга етармиз, деб
Тумшуқ билан ўтармиз, деб,
Текис йўлман кетармиз», деб
Қоражон айрилиб қолди,
Зил тоғин белига солди,
Бел йўл билан бора берди.

Йўлда тўзиб қалмоқ кетиб боради,
Бу тоғдан энкайиб номдор жўнади,
Мазмуни қалмоқлар кейин қолади.
Йўлнинг тўтасиман қичаб боради.
Неча адир белдан ўтиб жўнади.
Қўринмайди қалмоқларнинг қораси,
Бораётган Қоражондай тўраси,
Яқин қолди Бобохоннинг сраси.

Бобохон тоғига етиб Қоражон отга дам бериб ётди. Қалмоқлар тумшуқни айланиб бораётир. Бир нечаси, Қоражон кўринмайди,— дейди, бир нечаси айтади: Отларнинг тўзонида чувури билан тепкилашиб юргандир-да. . .

Қалмоқларнинг олди ҳафта-ўн кун деганда Бобохон тоғига етди. Кейини чўзилиб ҳали ҳам келаётибди, жуда ҳам ўлдик деб бораётибди. Кўрса, Қоражон Бобохон тоғида пойга қўядиган ерда ётибди.

Қўкалдош олп туриб айтди:— Қоражон, сен сеҳргар-жодугар бўлибсан, балога йўлиқиб қолибсан. Шу ёмон чувур билан биздан илгари келибсан?

Қоражон айтди:— Сизлар билан бирга-бирга Зил тоғига келдим, от чарчаб қолиб, кўп дилтанг бўлдим,

зеҳним койиб, йиқиб, тўрт оёғини бўғиб, йўлнинг тўта-
си билан янгитда орқалаб ошиб келдим. «Алпомишга
эргашсанг, азоб кўрадиганинг белгили», деб Қўкал-
дош бир сўз айтиб турган экан:

Сен билмадинг бек оғаннинг ишини,
Кел кесайик Бойчиборнинг бошини,
Ўртаголиб ейлик анинг гўшини,—
Шундай қилсак Алпомишнинг ишини.
Сен эшитгин олп оғаннинг додини,
Кел сўяйлик, ука, Ҳаким отини.
Ҳаким билан гапинг бир бўп юрасан,
Сен ҳам жуда ўзбошимча бўласан.
Номус-орни кимга олиб берасан?
Қай ўзбекни сен хотинли қиласан?
Бир Бойсуннинг қизи деб биз келганмиз,
Беш юз одам ҳалак бўлиб юрганмиз,
Неча марта биз маслаҳат қилганмиз,
Сенинг ҳисобингни топмай турганмиз.
Бойчиборни ўлдирмоқчи бўлганмиз,
Барчин қизни биз олмоқчи бўлганмиз.
Ҳакимнинг отини нобуд қилайик,
От гўштига тўйсин барча халойиқ.
Бойчибор гўштини овқат қилайик,
Келгин, ука, бир ваъдада турайик.

Бу сўзни Қўкалдошдан эшитиб, Қоражон ҳам бир
сўз айтиб турган экан:

Сенинг бу сўзингни, ака, қўяйик,
Келгин, ака, дўнанингни сўяйик,
Дўнанинг гўштига тоза тўяйик,
Қазисини ёлғиз сенга қўяйик;

Шул сўзимни маъқул денглар халойиқ.
Кўз ола қиласан чибор отима,
Мундай бўлса Кўкдўнанинг ўлмасми?
Шу сўзим ҳаммага маъқул келмасми?
Кўкдўнанинг гўштин есак бўлмасми?
От сўймоққа жуда абжир бўлибман,
Одамларнинг кўнглидагин билибман,
Қассобликни ўзим машқ қип турибман.

Олпларнинг қаҳри келди бу замон,
Қоражонга сира бермайди омон,
Ҳаммадан айрилиқ савдоси ёмон,
Қоражон ёлғиз-да, нима қилади?
Бу полвонлар кўплик қилиб туради.
Улар бари хаста кўнглин хушлади,
Қоражоннинг биллагидан ушлади.
Йиғилиб полвонлар зўрлик қилади,
Ўлдирмоққа кўзи қиймай туради.
Неча сўзни бу полвонлар ўйлади,
Қоражонни кулабанд қип бойлади.
Ҳарчандки чирпинди Қоражон номдор,
Қалмоқ кўп-да, бўлолмади баравар,
Бойловли қолгандир Қоражон номдор.
Бойчиборни ўртаголди полвонлар,
Шундайин ҳайвоннинг кўнглин бўлади
Қалмоқ бари бу ўртага олади,
Ҳар тарафдан унга арқон солади.
Бойчиборни энди йиқиб олади,
Оёғидан ўраб кериб ташлади.
Аҳмоқ душман отга зулм қилади,
Туёғига гулмихларни уради.
Урган гулмих — ялпоқ, тизга келади,
Бадбахт душман отга зулм қилади.

Чимириб тишлайди бойловли чибор,
Сиёсатман зарб кўрсатди полвонлар.
Бойчибор ҳайвоннинг кўнглин бўлади,
Туёғига неча пичоқ уради,
Шундай қилиб отга азоб беради.
Миришкорлар туяр пўлат довулни,
Бундай кунда отнинг ҳоли не бўлди.
Бўшалса ҳам етолмасин деди-да,
Отга жойлаб олти чорак совунни,
Қоражонман Бойчиборни созлади,
Қоражон бойловли ётиб бўзлади.

Бобохон тоғида чибор билан иккови ёлғиз қолди,
пойгачилар жам бўлиб, қатор туриб, пойгани қўйиб
жўнаб кетди. Қоражон бойловли ётди.

Бойчиборман ўзи ёлғиз қолибди.
Қоражон чирпиниб шул замон тортди,
Боғлаган арқони узилиб кетди.
Ғайрати туташиб шунда Қоражон,
Бу боғлаган банддан халос бўлибди.

Қоражон туриб, отнинг оёғини ешди. От ўрнидан
турди. Отнинг сағрисиани силади, қалмоқларнинг сол-
ган совуни ерга тушди, отни калта қантариб, тизги-
нини эгарнинг қошига ўраб ташлаган эдилар. Қора-
жон отга минди, от оёғини босолмай турди. Қоражон:
«Пойгага бекор келган эканман, пойгачиларнинг кет-
ганига анча вақт ўтди, агар илгаридан от ўзиб бориб
қолса, дўстимнинг бетига қандай қарайман. Бу юри-
шим бекор бўлди»,— деб пушаймон қилиб туради.

Энди жабр қилди отнинг жонига,
Қамчи урди Бойчиборнинг сонига,

Қолмади-ку, Бойчиборнинг тоқати,
Ёзилгандир тўрт ярим газ қаноти,
Қамчи тортди Қоражондай зўравор,
Яшиндай бўп кўтарилди Бойчибор,
Балки булут билан бўлди баравар.
Кўзин очиб қарар Қоражон номдор,
Яшиндай бўп обкетибди Бойчибор.
Билмай қамчи урди муни муқаррар,
Муни кўкка олиб кетди жонивор.

— Бул ишлардан мендай беклар беҳабар,
Қоражонман бунда кўнглим бузилди,
Ёлғончи дунёда ризқим узилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.
Бориб кўролмаيمان мен ўсган элни,
Бу отнинг кўнглига бир шумлик келди.
Мени кўкка олиб кетиб боради,
Бошларим айланиб, кўзим тинади,
Билмайман аҳволим қандай бўлади.
Кўзин очиб олп Қоражон қаради,
Ер юзида бедов кетиб боради.
Қоражоннинг ҳуши ўзига келади,
Одамдай бўп ҳар тарафни кўради.
Қалмоқлардан дарак кўрмай боради,
Бойчибор боради шундай арқираб,
Туёғида тўрт сихи бор ярқираб,
Ирғиганда қумлар кетди тирқираб,
Бораётир шундай чўлда ширқираб.
Эрдай бўлиб олп Қоражон оҳ уриб,
Бораётир ёлғиз чўлларни кўриб,
Қалмоқларнинг азобидан қутулиб,
Кўннинг ўзи пешин вақт бўлганда
Пойгачининг қорасини олади.

Тўсат-тўсат қалмоқ кетиб боради,
Не бедовлар жонни сотиб боради,
Бировдан бирови ўтиб боради,
Ҳайдовчига бу яқинлаб боради,
Қалмоқлар ҳам Қоражонни кўради,
Бир нечаси бунга савол қилади:
— Отингнинг жиловин тортгин, Қоражон,
Илгарида бориб қолди Кўкдўнан.
— Отни қичаб энди қайда борасан?
Борган билан бекор ҳалак бўласан,
Беҳуда отингга жабр қиласан,
Кўкалдошнинг олганини кўрасан.

Бундай гапга қулоқ солмас Қоражон,
Қалмоқларнинг айтган сўзин билади.
Пойгачиман аралашиб боради.
Яшиндай бўп Бойчибори боради.
Қалмоқлардан тўсат-тўсат қолади.
Беш юз отнинг бири бўлиб боради,
Ўзган отни санар Қоражон номдор,
Қўрқиб буриб бораётир қалмоқлар,
«Янгитда биз ўзбек отин кўрдик, деб,
Чу,— деб урар,— мундан кейин қолдик деб,
Сени от деб бизлар боқиб юрдик, деб,
Ўзбекнинг қизидан қуруқ қолдик, деб».
Олп Қоражон отга қамчи уради,
Бир кеча, бир кундуз чопиб боради.
Шундай бўлиб бораётир Бойчибор,
Тўрт юз олтмиш отдан ўзди жонивор.
Чопиб ҳориб қолаётир тулпарлар,
Яшиндай бўп оқаётир жонивор,
Қолган отдан олп Қоражон хабардор,
Қундуздай тизилиб чўлда бедовлар,

Яна тонг отганча тинмай чопади.
Не бедовлар жазасини тортади.
Бир нечаси йиқилиб қумни қопади,
Шундай бўлиб олп Қоражон боради,
Ўзганини жамлаб санаб кўради,
Қуннинг ўзи айни чошка бўлади,
Пойгачидан тўрт от кам кеп қолади,
Ким илгари кетганини билмади.
Қоражондай олпда тоқат қолмади,
Сўрай деса, ҳеч бир одам бўлмади.
Қоражонбек шундай кетиб боради,
Пешин вақти бир қорани кўради,
Қоражонбек «чу» деб шиддат қилади,
Кейинидан Бойчибор етиб боради.
Қолмади-ку у қалмоқнинг тоқати,
Бораётган Тойчашоҳнинг тўр оти,
Ета соп Қоражон носвой сўради,
Икковлари нашалашиб қолади.
Тўриқ от одати шундай бўлади,
Қизиб келиб энди қаерда турса,
Турган ерда олақароқ бўлади,
Бунинг одатини Қоражон билади.
От тизгинин бир тўхтатиб туради.
«Қим кетди!» деб бу қалмоқдан сўради,
Қоражонбек бу турганча бўлмади.
«Чу, ҳа» қилиб бундан ўтиб жўнади.
Қалмоқ ҳам бу отга шиддат қилади,
Турган ерда оти қотиб қолади.
Қўзғалгандан шўрнинг оти қулади,
Эгар-абзаллари зор бўп қолади.
Айиқдай чинқириб қалмоқ йиғлади,
Қун айланиб тағин туш бўп келади.
Тағини шундай бир қорани кўради,

Яқинлаб Қоражон номдор боради.
Бу отнинг аниғини энди билади.
Остида ирғийди бул тўбичоғи,
Бораётган Қалмоқшоҳнинг шапағи.
Шапақ отга етиб борди Бойчибор,
Шапақ бўлди Бойчиборман баравар,
Йўл талашиб чопа берди жонивор.
Ҳарчанд қичаб кўрди Қоражон бекор,
Қичаганман ўтолмайди Бойчибор.
Ирғиса иккови бўлар баравар.
Қоражонбек аччиқ қамчи уради,
Шапақман баравар кетиб боради.
«Жайрагурга бу бир бало бўлди, деб,
Шапақдан ўтмади тоза ўлди, деб,
Қурсин шапақ, отни андай қилди, деб,
Шунча отдан ўзиб келган жайрагур,
Шапаққа кеп мени дилтанг қилди, деб,
Билмайман бул ишим қандай бўлди, деб,
Йўл олмайди отим, кейин қолди», деб,
Қоражонбек шундай шиддат қилади,
Куннинг ўзи айни туш бўп келади,
Шапақнинг олдини чибор ўради.
От бошини кунга тўғри қилади,
Кўзлари чағиллаб кейин қолади.
Шапақ отдан Чибор ўтиб жўнади.
Шапақнинг одати шундай бўлади,
Дупур эшитмаса кейин қолади.
Шапақ отга қалмоқ қамчи уради,
Дупурни билмайди, кейин қолади.
Қоражон чўлларда ёлғиз боради,
Кўз юбориб ўнгу сўлга қаради.
Тўғри чўлда бир бедовни кўради,
Кейинидан Қоражон етиб боради,

Бу отнинг аниғин тағи билади.
Ун бир минглик Қалмоқшоҳнинг самани,
Чўлларда ярқираб кетиб боради.
Ғам билан сарғайиб гулдайин дийдор,
Бу қалмоқ ҳам Тойчашоҳга хизматкор,
Пойгага шоҳининг отини чопар,
Бораётир Қоражондан беҳабар.
Чўлларда ярқираб араби тулпар,
Ирғиганда тоғу тошлар гумбурлар,
Саманнинг кетидан етиб Бойчибор
Сағрисига келиб оғиз солади.
Кейин қараб ани тўлғаб ташлади,
Икки тулпар йўл талаша бошлади,
Бораётир йўл талашиб баравар.
Оқ туёқдир қалмоқ минган бу саман,
Тошлоқ йўлда асло қолмайди омон.
Оҳ уриб тўкади кўздан ёшини,
Тошга қараб бурди отнинг бошини,
Тошлоқда қилай деб бунинг ишини.
Тошлоққа чопади назари тулпар,
Бўйнин чўзиб ирғир эди жонивор,
Бир кеча, бир кундуз тошлоқда чопиб,
Туёғин олдириб, кейин қолдирар,
Саман отдан энди ўзди Бойчибор.
Саман отда энди тоқат қолмади.
Қўкалдошнинг Кўкдўнанин кўрмади.
Баракалла, Қоражондай мардига,
Бек дўстига бу қилган хизматига,
Чидай олмай чўлларда ғайратига,
Сира қарамайди отнинг бетига,
«Билмайман, Қўкалдош қайда бўлди, деб,
Оти ўзди, бадбахт, бориб қолди, деб,
Агар борса бир савдони қилди, деб,

Тек ўтирмас, бекка ташвиш қилди», деб,
Қоражонбек шундай бўйлаб қаради,
Милдираган бир қорани кўради,
Олис йўлдан отни қичаб боради.
Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,
Золим билан ҳаргиз бўлманглар йўлдош,
Тақимида беш юз ботмон калтаги,
Қаққайиб боради бадбахт Қўкалдош.
Олп Қўкалдош шундай бурилиб қаради.
«Чу», дейди, дўнанга қамчи уради.
Яшиндай бўп оқиб кетиб боради.
«Чу», деб қамчи урди Қоражон қайсар,
Қувиб дўнанига етди Бойчибор.
Олп Қўкалдош шундай бурилиб қаради,
Бойчиборман Қоражонбек келади.
Биров чечкандир, деб гумон қилади,
Шамолдай ғувуллаб етиб боради.
Кўкдўнаннынг сагрисидан олади,
Кейин қараб силтаб отиб юборди,
Анча йўлга бориб тушди Кўкдўнан,
Қирқ минг қадам ўтиб кетди Бойчибор.
Яна ҳам ўзини ўнгарди дўнан,
Чиборнинг кейинидан етди ул замон,
Қарсиллатиб думғазадан олади,
Устида Қоражон билмай қолади.
Кейин силтаб қараб отиб юборди,
Анча йўлга бориб тушди Бойчибор,
Ун минг қадам ўтиб кетди бу тулпар.
Ўзини ўнгариб Чибор келади,
Қўкалдош илгари кетиб боради.
Пойганинг манзили яқин қолади.
«Ўзбек қизи меники», деб боради,
«Бу ўзбекнинг оти кейин қолади,

Барчин ойм фақирники бўлади». Шунинг айтиб ёлғиз кетиб боради, Яшиндай бўп Чибор етиб келади. «Чу» дейди, дўнанга қамчи солади, Ҳозир дўнан барабарлаб келади, Икки тулпар йўл талашиб боради, Олп Қоражон Кўкалдошга қаради:

— Акам эдинг кўп шумликни ўйладинг, Пойганинг бошида тортиб бойладинг, Неча кундан бери отни ҳайладинг, Қани сенинг дўнанингнинг ўзгани? Еминг оқлаб сенинг ҳолинг билгани? Қани бу отингнинг хизмат қилгани? Ўзбек қизин сенга олиб бергани? Қани ундан Бойчиборнинг қолгани? Неча кундан бери чопиб келасан, Беш юз одам сарсон бўлиб қоласан.

— Остингда ирғийди Чибордай ҳайвон, Қўтарилиб сўз айтмагин, Қоражон, Ўзбек қизи меники деб бораман, Ҳар қандай қилсам-да, ўзим оламан. Ушбу дамнинг дамларини дам дема, Чиборингдан Кўкдўнани кам дема, Тилинг тортгин, аҳмоқ, сўзни лоф урма. Қамчи босса, яшиндай бўп кетади, Сенинг минган Чиборингдан ўтади.

Қоражонбек бунинг сўзин билади, «Олганингни кўрай», деди, жўнади,

Иккови баравар йўлда боради.
Бир-бирига мушт ташлашиб уради.
Биров-бировига мушти текканда,
Тоғ чўққиси қулагандай бўлади.
Қоражон қайтмайди навбат олади,
Гоҳ ерларда қамчилашиб-савашиб,
Қўп хархаша қилишар ақли шошиб,
Бедов отлар борар йўлда талашиб,
Бораётир бир-бириман тишлашиб,
Икки тулпар йўл талашиб юрганди,
Қанча қалмоқ бадбахт йўлда қолганди,
Барчин дейишиб сарсон бўлиб юрганди.
Бир нечаси билмас айтар сўзини,
Сира ҳам кўрган йўқ ўзбек қизини,
Тоза ҳам гангратиб қўйган ўзини.

«Буларнинг келар муддатидан ўтди», деб Алпомиш бир баланд тепанинг устига чиқиб, дурбинини олиб шундай чўлга қаради. Кўрди: икки от йўл талашиб келяпти. Бирини дурбини билан таниди: Кўкдўнан. Бойчибор тўриқдай бўлиб кўринди. Туёғидаги михлар озор берган, оппоқ кўпикка ботган, туёғидан чиққан тўзон билан тўриқдай бўлиб қолган. Бойчиборни танимай: «Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим», деб беҳуш бўлиб йиқилди.

Барчин келиб, Алпомишнинг ҳолини кўриб, йиқилганини билиб, бошини тиззасига олиб бир сўз деб турган экан:

Не сабабдан, тўрам, қаддинг букилди?
Жаладай бўп кўздан ёшинг тўкилди?
Бир давлатли хоним ҳолинг не бўлди?
Сен йиқилиб қолмас ойим қарори,

Ё асар қилдимиде дев билан пари?
Сен эдинг-ку Қўнғирот элнинг шунқори,
Сабил бўлмасин-да бобом кирдори,
Ойимнинг қолмади сабри қарори,
Бошинг кўтар, Қўнғирот элнинг қўчқори,
Хабар бергин аҳволингни билайин.

Алломиш кўзини очиб, Барчинга қараб бир сўз
деб турган экан:

Мендай беклар сенинг учун келгандир,
Сенинг шартинг билдим пойга бўлгандир,
Қўп қалмоқман Бобохонга боргандир,
Қоражонман менинг отим ўлгандир.
От ўздириб қалмоқ сени олмасми?
Оти ўзса, гапи маъқул бўлмасми?
Мендай ғариб қонлар йиғлаб қолмасми?
Сендай ойим қалмоқ билан бўлмасми?
Мендай тўранг тириклайин ўлмасми?
Энди бўлдим бу юртларда хору зор,
Қалмоқларда ўлиб кетса Бойчибор,
Излаб келиб менинг ўлмагим даркор.
Қалмоқ келса билмам мени нетади,
Қиличига қирмизи қон қотади,
От устида мени яксон этади.
От, яроғ-асбоб менда бўлмаса,
Зўрлик билан қалмоқ олиб кетади.
Қалма келар менинг қизил тилимдан,
Пиёдаман, ҳеч иш келмас қўлимдан,
Жудо бўлиб сендек зулфакдоримдан,
Мен энди айрилдим кирдикоримдан.
Пойга кетган қалмоқ йиғилиб келади,
Лоловлашиб бир қиёмат қилади,
Зўрлик билан келиб сени олади.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Барчин дурбинни олиб, келаётган отларга қараб бу сўзни айтиб турган экан:

Қурру ё қур ҳайта, тўрамнинг оти!
Оқ тўшим яйловинг, сочим шипиртки,
Куйганимдан гапни гапга улайин,
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,
Сабаб бўлиб қўшгин тенги-дўшима,
Олмосдай туёғинг қордай тўшима,
Қурру ё қур, ҳайта, тўрамнинг оти!
Уйилмай куймасин кулбаи хонам,
Оҳ уриб йиғлайди мендаин санам,
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам,
Ун икки ой сенга Бойбўри боқди,
Гарданингга Қалдирғоч қўтас тақди,
Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтни,
Қурру ё қур, ҳайта, тўрамнинг оти!

Узоқ йўлга кўз юбориб қаради,
Билмайман ҳисоби қандай бўлади?
Келаётган чўлда отни кўради,
«Қур ҳайт», деди желагини булғади,
Тепанинг бошида қараб туради.
Отлар ройиш бу кўриниб қолади.
«Қур ҳайт» деган Барчинойнинг довуши
Бойчиборнинг қулоғига боради.
Сувлуқ тишлаб ўзин отди Бойчибор,
Қалта қантариб ташлаганди қалмоқлар,
Тизгини узилиб кетди муқаррар.
Устидаги олп Қоражон беҳабар,
Кўкдўнандан ўтди энди Бойчибор.

Қоражонбек энди буни билади,
Эгарнинг қошидан ушлаб келади.
Фалак титрар олпнинг айтган додига,
Ҳеч ким тоқат қилмас сиёсатига,
Қулочлаб қамчи урар дўнан отига,
Қарамайди қалмоқ олди-ортига,
Сиёсатман олп Кўкалдош боради,
Бойчибор ғувуллаб кетиб боради.
Ҳарчанд қичаб кўрди қалмоқ зўравор.
Бойчиборман от бўлмади баравар,
Ирғиганда гумбурлаб қолди чўллар,
Жуда ҳам бир дилтанг бўлди муқаррар.
Бир иш бошлаб Қоражонман Бойчибор.

Шунда етолмасини билиб, Қоражонга қараб Кў-
калдош олп бир сўз айтиб бораётибди:

Мендайн акангнинг кўнглин бўласан,
От ўздириб қайси гўрга борасан?
Акангнинг хотинин кимга берасан?
Мундай бўлсанг, сен жувормак бўласан.
Сен эшитгин бек акангнинг додини,
Жувормак, ўздирма ўзбек отини,
Армонман кетмасин аканг хотини.
Айтган сўзнинг поёмини билсанг-чи,
Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-чи,
Икки қўллаб як жилов қип бурсанг-чи.

Қоражон ҳам от устида бу сўзларни айтиб бора-
ётир:

Қайтай, ака, сенинг кўнглинг қолади.
Кўнглинг бузуқ, хаёлинг бодга боради.
Асли кўнглим сенда эди, бек оға,
Бу Бойчибор жилов бермай боради.

Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Қўп бўлади сендай акам армони,
Қўп гапирдинг орт-сиртимдан бемаъни,
Торта-торта қолмади-ку Қоражоннинг дармони,
Отга ўргатгандир Бойсуннинг хони.
Мендай ининг ҳарчанд тортиб кўради,
Сувлуқ тишлаб, суриб кетиб боради:

«Так» деди-ю «чувҳа» деди жўнади.
Қоражонбек ўз йўлидан қолмади.
«Жувормак ўл», дейди Кўкалдош номдор,
От тизгинин сақлаб олди муқаррар,
Қандай бўп илгари ўтди Бойчибор,
Пойганинг олдини олди жонивор.
Олдин олиб борар бу Чибор оти,
Томошабин ўн минг уйли элати,
Пойганинг олдини олиб боради.
Мамлакатга хўп овоза тўлибди,
Қалмоқ, ўзбек бари йиғилиб қолибди,
Саф-саф бўлиб томошабин турибди,
Қелаётган ёлғиз отни кўради,
Бойчибор деб ўзбек хуррам бўлади.
Кўкдўнан деб жами қалмоқ қаради,
Кўкдўнанга ҳеч келбати келмади.
Барча халойиқлар қараб туради,
Бойчибор экани аниқ бўлади.

Кўкалдош олп ҳарчанд чинқириб қолди, куйиб-пи-
шиб кўп довуш қилди, Қоражон қулоқ солмай кетди.
Хоннинг Чибор оти пойга боши бўлиб, олдига ўтди.
Қанча қалмоқ чўлда тизилиб келяпти, нечови отини
уряпти, Кўкалдош кўп пушаймон қиляпти: «Илгари-

дан ғамимни емадим, ёлғиз вақтимда отни хўп ҳайдаб кўрмадим, ўзбекнинг отининг бундай келарини билмадим, ахир Қоражон қулоқ солмай кетди, қалмоқларнинг бари қолибди, ўзимиздан чиқиб, Қоражон бизнинг ишимизни қилибди, ўзбекнинг оти пойганинг олдини олибди».

Ҳамма қалмоқлар ҳам пушаймон қилибди: «Булай-шулай қилиб ўзиб келибди, ўзган билан ҳам ололмас, йиғилиб борармиз, хўп чатоқ қилиб турармиз, олти ойчалик йўлдан келиб ўзбекнинг олганини кўрармиз», деяпти.

Хоннинг Чибор оти пойганинг олдини олиб, шашт билан келиб, бахмал ўтовдан етти марта айланди. Отнинг тизгинини ушлаб Қоражон тўхтатди. Барчининг канизлари йиғилиб етди, Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди. Қизлар отини елдириб, совутиб турибди, олиб келиб якка михга бойлади, тери қотди. Барчин келиб отни кўрди, кўзларини ипак рўмоллар билан суртди, чанги терин ушатди, туёғидаги михлар озор бериб, хоннинг Чибор оти тўппа тушиб ётди.

Туёғидаги михларни кўриб, Барчин бир сўз деб турибди:

Мўнғайиб йиғлайди мендай муштипар,
От эгаси бу манзилда беҳабар,
Ўсол ишлар отга қилган қалмоқлар,
Менинг учун азоб тортган Бойчибор.
Бу ҳайвонга душман қойил бўлибди,
Чин тулпар-да, шу азобман келибди;
Шунча жароҳатман хизмат қилибди,
Кўп азоб берибди хоннинг душмани.

Пўлатни эритар қизларнинг дами,
Барчин ойим кўриб, ўйлаб туради.
Урган михи — ялпоқ, тизга боради.
Чорисин туёққа ёзиб олади,
Гулмихларни тишлаб суғуриб олади.

* * *

Уч шарт ўтди, кураш тараддудини кўриб ётибди.
Ун минг уйли қўнғирот одами, қанча қалмоқларнинг
одами йиғилиб, Чилбир чўлига, Ойна чўлига томоша-
бин тўлиб, раста-раста, даста-даста қур тортиб ўтир-
ди. Алпомиш чечиниб майдонга талаб қила берди.
Кўкалдош олп туриб айтди:— Алпомиш, сен бундай
бўйни йўғонлик қилма, ғариби гўристон бўлиб ўлма,
ҳали ҳам қўйгин, ёрингдан умид қилма, йўлингдан
қолма, шу олплар ўлса ўлсин, Барчин қиз бечатоқ
бўлиб ёлғиз ўзимга қолсин деб туриб эдим, сени ил-
гарида ҳам ҳисоб қилганим йўқ эдим,— деди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш Кўкалдошга қараб бир
сўз деб турган экан:

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,
Ўзи ўлмай киши ёрин берами?
Мунча сўзни лоф урмагин, сен бадбахт.
Кел энди майдонда тургин, э аҳмоқ.

Аччиғланиб Кўкалдош ҳам туради,
Чечиниб шул замон белин бўғиб,
Минордай бўп бу майдонга киради.
Шердай қайсар қўл булғашиб келади,
Тупроқлар чангийди, тўзон бўлади,
Иккови белма-бел бўлиб олади.

Белма-бел олишса ажрим бўлади,
Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.
Шундай бўлди анга халқнинг фармони,
Қўп бўлади ғамли қулнинг армони,
Ҳарчандки чирпинди Бойсуннинг хони,
Йиқмоққа келмади бекнинг дармони.
Қўкалдош ҳам Алпомишдан кам эмас,
Мени ўзбек йиқади деб ғам емас,
Олишар майдонда икки шағал маст,
Иккови ҳам бир-бирига сир бермас,
Буларнинг ишини халойиқ билмас,
Иккови бир-бирин ҳеч парво қилмас.

Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг қизлари ва канизлари билан томоша қилиб, буларнинг олишганини кўриб, Ҳакимбекка қараб бир сўз дейди:

Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули
Нар-мода бўлибсиз, бий бовом ўғли,
Йиқолмасанг, бизга бергин навбатни,
Жуда келди Барчин ёринг ғайрати.
Ушлагандан кўкка урмай не бўпти?
Йиқолмасанг, тўра, навбат тилайин.
Эркак либосини ўзим кияйин,
Бор кучимни билагимга йиғайин,
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.
Қалмоқ билан, хоним, бўлдинг баравар,
Жуда сизни мазақ қилар канизлар,
Бу душманни кўкка отсанг не бўлар?
Иш кўрсатсанг менинг кўнглим топилар.
Қизлар сизни нар-мода деб айтади,
Қизларнинг айтгани менга ботади,
Мардлар олишмайди, силтаб отади,

Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади,
Бўш одамнинг иши кейин кетади.

Бу сўзларни айтди гул юзли дилбар,
Икки полвон бўлиб турар баравар,
Қўп сўзларни Барчин сулув айтади,
Сўзи Алпомишга ботиб кетади.
Ўтдайн тутаниб шунқор кетади.
Ғайрати ғайратга бекнинг етади,
Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,
Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади,
Анча сир — ҳавога чиқиб кетади.
Халойиқлар кўкка боқиб қаради,
Олчи-чикка бўлиб шундай айланиб,
Олп Кўкалдош бу осмондан келади,
Қалласиман кслиб ерга уради,
Қалладан мияси чиқиб боради.
Шундай бўлиб Кўкалдош ҳам ўлади.
Тошошабин қалмоқ бўзлаб жўнади,
Тошошабин бари изза бўлади.
Армон билан эсиз олплар ўлди, деб
Не гўзаллар кўзин ёшлаб боради,
Қоражондан бари гина қилади.
Шу вақтинда кураш охир бўлади.
Тақдирига Тойчашоҳ тан беради,
Қанча амалдорман қайтиб жўнади.

Айтувчи: *Фозил Иўлдош ўғли.*



РАВШАН

Ўзбек халқ ижоди хазинасида «Гўрўғли» циклидаги дostonлар — қирқ дoston алоҳида ўринни эгаллайди. «Равшан» дostonи шулардан биридир.

Афсонавий баҳодир Гўрўғли ва унинг атрофидаги қаҳрамонлар эпик образини фақат ўзбек бахшиларигина эмас, туркман, озарбайжон, төжик ва Шарқнинг ўзга халқлари шоирлари ҳам севиб куйлаганлар. Улар айниқса, Ўрта Осиё халқлари оғзаки адабиёти ўртасида муштарак образлар даражасига кўтарилган.

«Равшан» дostonининг истеъдодли шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли тилидан 1928 йилда ёзиб олинган нусхаси эса ўзининг оригиналлиги ва юксак бадийлиги билан машҳурдир. Дostonда

Гўрўғли ўзининг асранди ўғли Авазининг ҳузурига, унинг Гуланор исмли қизини Равшанга олиб бериш мақсадида, совчи бўлиб боради. Аваз қизини Равшанга тенг кўрмай, Гўрўғлининг сўзини қайтаради. Бу воқеадан хабардор бўлган Равшан изтироб чекади. Онаси Юнус пари Равшанни тинчлатишга интилади ва унга сеҳрли бир узук совға қилади.

Ғамгин Равшан, тасодифан, узук кўзида бир гўзал қизнинг суратини кўриб қолади. Бу Ширвон хонининг қизи Зулхумор. Равшан унга ғойибона ошиқ бўлиб, сафарга бел боғлайди, Ширвон мамлакатини, гўзал Зулхуморни излаб йўлга тушади.

Узоқ йўл босиб, Равшан Ширвон мамлакатига етиб келади, Зулхуморни излаб топади, унинг қадду қомати, чиройи ва ақли Равшанни янада кўпроқ мафтуи этади. Зулхуморда ҳам Равшанга нисбатан зўр муҳаббат уйғонади. Лекин икки севишганнинг бахтли дақиқалари кўпга чўзилмайди, Зулхуморнинг отаси Қорахон бу ҳодисадан ғазабга келиб, Равшанни қўлга туширади ва зиндонга ташлайди.

Равшаннинг бошига тушган шу эғир кунларда ёр садоқати — Зулхумор муҳаббати синалади: у зиндонда ҳам Равшанни якка қўймайди, ёрини озод қилиш йўлларини излайди ва, ниҳоят, Чамбилга мактуб жўнатади.

Ҳасанхон, ўғли Равшаннинг катта хавфу хатарда эканини билиб, Ширвонга жўнайди. Равшанни дорга осар кунни у ерга етиб келиб, ўғлининг душман қаршисида мардонавор турганини, ўз диёрига бўлган муқаддас бурчинини пок сақлаганини кўриб шод бўлади ва Қорахонга қарши жанг бошлайди. Жангда Қорахон таслим бўлади, Равшан озод этилади, мамлакатда адолат ўрнатилади. Ўз муродларига етган икки севишган — Зулхумор билан Равшан ва Ҳасанхон Чамбилга қараб йўл оладилар.

Қуйида шу дostonдан парча берилади.

Б

урунги ўтган замонда, элу юрти омонда, Ыхородан туманда, Така-Ёвмит деганда, Ёвмит элида Чамбилнинг белида Гўрўглибек даврини суриб ўтди, душманнинг додини бериб ўтди.

Қирқ йигитни йиғдириб, силовсин тўн кийдириб, кунига кечкисин сергўшт қилиб, сермойли паловга тўйдириб, семиз қўйдан сўйдириб, кўпкарисин чоптириб, оломонга ола сарпо ёпдириб, элу халқнинг кўнглин топдириб, Юнус билан Мисқол парини Кўҳи Қофдан, Ирам боғидан келтириб, парилар билан ўйнаб-кулиб, даврини суриб, умр ўтказар эди.

Гўрўғлибекнинг фарзанди бўлмади. Ҳасанхонни Баянгандан, Авазхонни Хунхордан олиб, икковини ўғлим деб, искасам гулим деб, жону дилим деб, тобутимнинг чегаси, элу юртимнинг эгаси, ўлсам, меросхўрим деб иккови билан кўнглини хуш қилиб, шуларга бино қўйиб, «болам, бўтам», деб парвариш қилар эди.

Авазхонни Оға Юнус пари «ўғлим» деб ёқасидан солиб, этагидан олиб эди; Ҳасанхонни Мисқол пари ёқасидан солиб, этагидан олиб эди; икки пари иккиннинг энаси бўлиб эди. Парилар икковига бино қўйиб, болам деб суйиб, ҳар қайсиси ўз уйларида парвариш қилар эди.

Икковини катта қилди. Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йигитлар бўлди. Гўрўғлибекнинг ҳам ўғилларидан кўнгли тўлди.

Ҳасанхон Арзумдан хон Даллини олиб қочиб, қирқ кун шоҳона тўйлар бериб, ўз расм-русумлари билан олди. Авазхонга Гулқиз деган бир барно сулув олиб бориб, уйини тушириб бериб даврини суриб юрaverди.

Ҳасанхонга хон Даллидан бир ўғил пайдо бўлди. Гўрўғлибек тўйлар қилиб, отини Равшанбек қўйди.

Авазхон бир-икки йилдан сўнг бир қизли бўлди. Гўрўғлибек қувониб, суюниб бунга ҳам тўйлар қилиб, отини Гуланор қўйди. Энагалар парвариш қилиб боқиб, баччаларни тарбия қилиб катта қилди. Баччалар бирдан иккига кирди, ота-эна дегудай бўлди, ошу нон берса егудай бўлди, у ёқ-бу ёққа бориб келгудай бўлди. Иккидан учга, тўртга кирди, икковини бир мактабга берди. Иккови ҳам ўқиб мулла бўлди...

Оға Юнус пари: «Э болам, Авазхонни нега ури-

шасан. Менга айтгин, англаб билиб олайн»,—деса, Равшан ҳар ўксийди, гапиролмайди.

— Э эна! Авазнинг қизига бобом Гўрўғлибек совчи бўлиб борган экан. Аваз: «Қизимни бермайман, менинг тенгим эмас», деб бизни қузғун, ўзини лочин тутди. Баччағар Аваз биздан ортиқ бўлиб кетибди. Шу Аваздан кам бўлсам, чўлларга бошимни олиб кетаман. Қўявер, эна, қўявер, энди Чамбилда турмайман, шу Чамбилни Авазга бердим,— деб бола дим ўпкасини босолмайди. Шунда Юнус пари кулиб, Равшанбекнинг сўзларига ҳайрон бўлиб:

— Э болам Равшанжон, муддаонг Авазнинг қизи Гуланор бўлса, асло ғам ема! «Қизи борнинг нозин бор» деган, шундай-шундай дейди-да. Унга сен хафа бўлма! Мана мен, мен борайин отангнинг орқасидан; унинг қизда нимаси бор экан?! Тортиб олсам ҳам, Гуланорни сенга олиб бераман. Э гўдак, мард ўғил ҳам йиғлайдими?! Қани мен борайин, «бермайман» деган Авазни кўрайин, шу Авазми қизини бермайдиган,— деб Оға Юнус пари бормоқчи бўлаверди. Шундай қараса, Равшанбек жуда оташин. Шунда пари кўнглида: «Бу бола аччиғи билан бир ёққа кетиб қолмасин» деб, хосиятли узугини «овуниб ўтирсин» деб, қўлидан олиб Равшанбекка берди.

— Э Равшанбек, шу узукка қараб ўтир; мен бориб, Авазнинг қизи Гуланоржонни сенга фотиҳа қилиб, тўй тараддудини кўриб дарров келаман,— деб пари ҳам туриб кетди.

Энди Равшанбек кўзининг ёшини артиб, шундай нигинга қараса, нигиннинг юзида хати бор, ер юзида жами парини бандига олган банди бор, олам мамлакатга бермайдиган хосияти бор; ҳар ерда сулув, барно қиз бўлса, оти бор; шу узукнинг бир четида Қора-

хон подшонинг қизи Зулхумор деган бир қизнинг оти бор, ҳам сурати бор.

Ана энди бола бунни кўриб, ғойибона Зулхуморга кўнгил қўйиб, ишқивоз бўлиб, ўзига-ўзи айтди: «Келе, Авазнинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиғлаб юрганим қандай», деб ғайрати келиб, белини икки ердан бойлаб, узукни қўлига солиб, тура уйга келиб, отасининг Жийранқуш деган бир оти бор эди, урушга минадиган, шу Жийранқушнинг олдига келди.

Жийранқуш ҳам шундай от: тўрт оёғи тенг тушган, биқини ёзиқ кенг тушган, қарчиғайнинг ҳаваси теккан...

Равшанбек отини ҳовлидан чиқариб, ота-онасидан ғойибона рози бўлиб, кўчанинг юзи билан, оламларнинг изи билан йўлга равона бўлиб, ақлидан бегона бўлиб, гулдай жайнаб, суқсурдай бўйлаб, парвоз айлаб, тараққос бойлаб, остида Жийранқуш оти ҳар усулда ўйнаб, жонивор Жийранқуш оғзини очиб, қўлтиғидан парини сочиб, болани олиб қочиб, бек Равшаннинг кўнглини очиб қушдай учиб, маст от ёш йигитни кўндаланг-кўндаланглаб олиб бораётир. Ана шунда Равшанбек йўлбарсдай бўлиб дарвозанинг олдига борди. Энди гапни дарвозабондан эшитинг.

Ҳасанхон дарвозабон билан дўст эди, доим дарвозабоннинг олдида ўтирар эди, иккови кўп соз эди, биров-бировининг сўзини ташламас эди. Ҳасанхон дарвозабон жўраси билан гаплашиб ўтирган вақтида, Равшанхон отасининг устига бориб қолди. Ҳасанхон ҳам қараса, бир ёш йигит гулдай очилган, қизил гулдай жайнаган, остида оти ўйнаган, белига қилич бойлаган, эгнига пўпакли найза тайлаган, ўзини жуда шайлаган, билмайди қаерга талаб айлаган. Ҳасан ўф.

лини танимади. Нима учун? Равшанхон тўни билан пўта бошида, мактабда ўқир эди. Асло ўғлини шонувашавкатда кўргани йўқ эди. Ҳасанхон дарвозабонга айтди:— Э жўра, мана шу бола қандай бир манглайли одамнинг боласи экан?

Шунда дарвозабон ҳам айтди:— Хўп йигит экан. Балли отангга, сини-симбатингга! Сени туққан онанинг ҳам армони бормикин!— дейишиб туришибди. Равшанбек ҳам отасини кўриб, қандай ўтиб кетарини билмай туриб қолди. Ҳурмат билан турганидан, Равшанбекни дарвозабон билиб, Ҳасанхон жўрасига:— Хў жўра, икковимиз ҳам ўғлингни танимабмиз. Қарчиғай келбатли — бек Равшан ўғлинг экан,— деб Ҳасанхонга бир сўз айтяпти:

Оқизма кўзингдан қонли жолангни,
Умри узун бўлсин кўзи қорангни.
Қарчиғай келбатли сенинг фарзандинг.
Икковимиз ҳам танимабмиз болангни

Еш йигит-да, суқсурдайн бўйлапти,
Мард бўлиб белига олмос бойлапти.
Бир гап айтиб қайтармагин раъйини,
Билмайман қаерга талаб айлапти.

Чамбил дейди униб-ўсган элини,
Мен билмайман энди борар юртини,
Рад берма, талабга кирган кишига,
Бир гап айтиб қайтармагин йўлини!

Жавоб бер, жон дўстим, хафа қилмагин,
Бир қаттиқ сўз илкис айтиб солмагин.
Жон дўстим, қайтармагин раъйини,
Жавоб бер, дўстимжон, олдин олмагин,

Мард йигит душманга сўзин айтарма?
Еш боланинг юрагини мойтарма.
Рад берма талабга кирган кишига,
Бир гап айтиб, дўстим, раъйин қайтарма!

Шунда Ҳасанхон полвон ёлғиз боласи, кўзининг оқу қораси, балки Така билан Ёвмитнинг сараси — Равшанхонни таниб, жойидан туриб, фарзандининг олдига келиб, Жийранқушнинг жиловидан ушлаб, кўзини ёшлаб, банди-бўғинини бўшлаб, «ҳай, аттанг», деб бармоғини тишлаб, «йўл бўлсин» деб сўраб турибди:

Умримда баҳорим, сенга йўл бўлсин?
Толпинган шунқорим, сенга йўл бўлсин?
Бир қўзи қўчқорим, сенга йўл бўлсин?
Новда ўсган чинорим, сенга йўл бўлсин?
Соғинсам хуморим, сенга йўл бўлсин?

Боғимда анорим, сенга йўл бўлсин?
Қатордаги норим, сенга йўл бўлсин?
Испихон ханжарим, сенга йўл бўлсин?
Элга эътиборим, сенга йўл бўлсин?
Серсовда бозорим, сенга йўл бўлсин?

Тўрасан, Равшанжон, Чамбил элингга,
Кескир испихонни бойлаб белингга,
Қўш пўпакли найза ушлаб қўлингга,
Отанг қурбон бўлсин ширин тилингга,
Ёвга аждаҳорим, сенга йўл бўлсин?

Еш боласан, гап билмаган бўз бола,
Бир ҳам бўлсанг, менга эдинг юз бола,

Юришинг боадаб, ширин сўз бола,
Соғинганда ҳам қуралай кўз бола,
Гаплари шакарим, сенга йўл бўлсин?

Сен бўлмасанг, отанг ҳоли не кечар?
Сенсиз менга фалак кафан-тўн бичар,
Дунёнинг болини заҳар деб ичар,
Қандай куни кечар шўр онанг ночор
Ҳарна йўқу борим, сенга йўл бўлсин?

Сен бўлмасанг ота-онангга қиёмат,
Йиғлов билан ўтар умри давомат,
Доим бўлгайсан-да соғу саломат,
Отангга солмагин қайғу надомат,
Э сабру қарорим, сенга йўл бўлсин?

Сени кўриб отанг бўлди бемажол,
Бу қандай фикрдир, бу қандай хаёл...
Илоҳи бўлгайсан, болам, баркамол,
Умримнинг меваси — бир тоза ниҳол,
Битган олмазорим, сенга йўл бўлсин?

Менга айтгин кўнглингдаги ўйингни,
Айтгин, болам, борадиган жойингни,
Мен билайин талаб қилган элингни,
Айт сирингни, қайтармайин раъйингни,
Э ёлғиз шунқорим, сенга йўл бўлсин?

Равшанхонни отасининг савлати босиб, ҳаёси го-
либ келиб, нима дерини билмай ўйланиб туриб эди,
ахир бўлмади. Ана Равшан полвон отасининг сўзла-
рига жавоб бериб, кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзи-
либ, кўзининг ёшқ тўзилиб, бошидан ўтган сир-сав-

досини отасига билдириб, ўзидан ўтганидан хабардор
қилиб бир сўз айтаётир:

Жоним ота, айтолмайман уялиб,
Боланг кетди энди бошини олиб.
Жон ота, аламим кўпдир сўрмагин,
Бек Равшан жўнади сафарга толиб.

Қаладан қалампир юклар қалачи,
Ҳар хил исли бўлар тоғнинг ёғочи.
Отажон, аламим кўпдир сўрмагин,
Валламат борипти Авазга совчи.

Қабул қилмай валламатнинг сўзини
Номард Аваз бермас бўпти қизини,
Ўтиб кетди Авазхоннинг сўзлари,
Бизни қузғун, лочин қипти ўзини.

Авазхоннинг сўзи ўтиб боради,
Симдай бўп суякка ботиб боради.
Бермас бўпти номард Аваз қизини,
Бек Равшан ёр излаб кетиб боради.

Майдон-майдон Жийранимни елмасам,
Душман бўлса бўлак-бўлак қилмасам,
Авазнинг қизидан яхшини олмасам,
Жоним отам, Чамбилбелда турмасман.

Эшитиб ол бек Равшаннинг сўзини,
Ёши билан ювиб гулдай юзини,
Излар бўлдим Қорахоннинг қизини,
От кўтарган Зулхуморнинг ўзини.

Мард бўлиб белимга ханжар бойладим,
Ёш боламан ҳар хил-ҳар хил сўйладим.
Оқ йўл тила, жавоб бергин, отажон.
Ширвоннинг юртига талаб айладим!

Чамбил дейди униб-ўсган элингни,
Жавоб бер, отажон, кўтар қўлингни!
Талаб қилдим Ширвон элга, отажон!
Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетаман!

Жавоб бер, отажон, ёрга бораман,
Ер дейман-ку, номус-орга бораман
Ота, сиздан оқ фотиҳа тилайман,
Ширвон элда Зулхуморга бораман.

Ҳасанхон бу сўзларни эшитиб, Авазхон укасидан кўнгли қолиб, «ҳай, аттанг» деб бармоғини тишлаб, кўзини ёшлаб, ўғлига не дерини билмай, ҳайрон бўлиб қолди. Ширвоннинг эли уч ойлик йўл, икки ораси сувсиз чўл, у ёғи душман эли. «Ёлғиз бола ёвдан ёмон», узоқроқ бозорга юборгиси келмайди.

Қандай қиларини билмай турганда, дарвозабон дўсти ҳам бир ёғидан зўр бераётибди: Ҳў жўра, жон дўстим, фотиҳа бер! Раъйини қайтарма, бир сафар менинг ҳам айтганимни қил, жон жўра, жоним жўра!— деётир. Ҳасанхон бечора ўғлининг жамолига, новда ўсган камолига кўзи тўймай, Жийранқушнинг жиловини қўймай, қадди ёйдай букилиб, икки кўзидан ёш тўкилиб, ичи ғамга тўлиб, ранги гулдай сўлиб, ёлғиз бир боласидан айрилиб қололмай оҳ тортиб:— Э Равшанжон! Ахир менинг уйимни мотамхона қилиб, мени ташлаб кетар экансан-да,—деб туриб, асли мард эмасми, «Кел. таваккал-да», деб Ҳасан мард, ўзига-

Ўзи дилдорлик бериб, Равшанхон боласига жавоб
бермоқчи бўлиб, ўғлига қараб бир неча ердан тим-
сол келтириб, насиҳат қилиб бир сўз айтаётир:

Фалакнинг дастидан минг дод айлайин,
Тўхта, болам, бир насиҳат айлайин.
Қулоқ солгин, нодон қўзим, сўзима,
Нучук энди айшу ишрат айлайин.

Пайдо бўлдинг икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдинг манзил-хонадан.
Аввал айтган насиҳатим, Равшанжон,
Кечсанг ёмон бўлар ота-онадан!

Эшитиб ол отанг шўрнинг арзини,
Элида сарғайтдинг гулдай тарзини. -
Бир қиз учун унутмагин бизларни,
Унутма отанг ҳам онанг қарзини!

Ўзингдан пастларман ҳар йўлга кетма!
Болам, айтган насиҳатим унутма!
Олдингдан ким чиқса, бесалом ўтма!
Бир ғарибни кўрсанг, зинҳор, оғритма!
Қулоқ солгин, бир-бир айтай, Равшанжон,

Зинҳор манманликнинг йўлини тутма!
Асли зотим баланд дема, чироғим,
Зинҳор-зинҳор, болам, ўзингдан кетма!
Қўнгли синиқ бўлса, болам, шод айла!

Йиқилганни, болам, сен босиб ўтма!
Қўлингдан келганча ёмонга кетма!

Зинҳор-зинҳор бир мискинни йиғлатма!
Ёмон билан сирдош бўлма, Равшанжон

Орқасидан пушаймон бўп, қон ютма!
Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от!
Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от.

Остингда ўйнайди тулпардир отинг,
Жийранқуш остингда, Равшандир отинг,
Болам, насиҳатим бажо келтирсанг,
Қайда борсанг, дардга қолсанг, мен зомин!

Яхши бўлсанг, болам, даврон суларсан,
Не иззат ҳам ҳурматларни кўрарсан,
Насиҳатим унутмагин, Равшанжон.
Эсон-омон Хуморни олиб қеларсан.

Бор ёлғизим, Ширвон элга бориб кел!
Йўли узоқ, койиб, чарчаб, ҳориб кел!
Соғ-саломат бориб келгин, ёрқиним,
Излаганинг Хумор бўлса, олиб кел!

Майдон-майдон отин елсин фарзандим,
Душманин нимталаб бўлсин фарзандим,
Омон-эсон бўлсин ёлғиз фарзандим,
Соғ бориб, саломат келсин фарзандим.

Ҳасанхон полвон, мард эмасми, боласига қараб,
оқ фотиҳани бетига тортиб:—Бор, болам, манглайинг-
ни худо очсин!—деб қолаверди. Равшанбек отасидан
дуо олиб, отини йўлга солиб, йўлга равона бўлиб ке-

таверди. Шунда Ҳасанхон бечора, ўғлини кўзи қиймай, орқасидан чақриб бир сўз айтаётир:

Чамбилбелда отанг қолди саргардон,
Жудолик ўтидан бағри тўла қон,
Хабардор бўл, Ширвоннинг кўп мастони,
Мастонлардан хабардор бўл, Равшанжон!

Ҳар кимга, Равшанжон, сиринг олдирма!
Нодонлик қиб ичинг ғамга тўлдирма!
Эрдан айёр, хотиндан кўп мастони,
Сирингни, ёлғизим, асло билдирма!

Ўзинг ёшсан, ичинг ғамга тўлмасин,
Сирингни, Равшанжон, ғаним билмасин,
Хабардор бўл мастонлардан, фарзандим,
Мабодо енгил иш оғир бўлмасин!

Ёш йигитсан, ўнгарсин-да ишингни,
Таниб, билиб сўйлаш тенги-тўшингни,
Мастони кўп, билиб юргин ўзингни,
Равшанжон, дўст билма ҳар бир кишини.

Ҳар иш бўлса ўз ақлингдан қолмагин,
Зинҳор душман билан сирдош бўлмагин!
Фарзандим, ёлғизим, нодон шунқорим,
Ғанимларга тутқун бўлиб қолмагин!

Отанг қолди адо бўлмас кулфатда,
Онани шўрли қолди дарду ҳасратда,
Ҳам кеча, ҳам кундуз ҳозир бўп юргин,
Ишингга пишиқ бўл, болам, албатта.

Боргин, болам, нодон қўзим, ёрга бор,
Насиб бўлса, ёринг бўлар Зулхумор.

Равшанбек, ўзини йўлга чоғлаб, Ширвон юртини
сўроғлаб, Зулхумор ойимни дараклаб, Зулхуморга
ошиқ бўлиб, айтгани қўшиқ бўлиб, ўзининг ишига
пишиқ бўлиб, Ширвонни кўзлаб, Зулхуморжонни из-
лаб, ҳар нима деб гапирса, Зулхумор деб сўзлаб,
Зулхумордан қўшиқ айтмоқчи бўлса, довушини соз-
лаб, бўтадай бўзлаб, остидаги Жийранқуш отини,
«тезроқ етса экан», деб тезлаб бораётир:

Қўлда суқсур — сўнади,
Катта кўлга қўнади,
Обрў бер, деб бек Равшан,
Йўлга тушиб жўнади.

Куйса юрак ёнади,
Совуқ сувга қонади,
Обрў бер, деб бек Равшан,
Хуморин излаб жўнади.

Қамчи урди отига,
Чидамай ғайратига,
Сувсиз чўл гумбирлайди
Марднинг сиёсатига.

Жийран оғзин очади,
Қушдай бўлиб учади,
Гоҳи-гоҳи ерларда,
Йигитни олиб қочади.

От боради арқираб,
Давирлари ярқираб,
Сувсиз чўлда Жийранқуш
Оққан сувдай шарқираб,

Шамолдай бўп боради,
Сувсиз чўлда пирқираб.

Умулдириқ сўм олтин,
Умировда алқиллаб.
Кийган тўни тилладан,
Офтоб тегса ялтиллаб.

Узангиси ўйма олтин,
Қуйишқони қуйма олтин,
Юганининг боши олтин,
Эгарининг қоши олтин,
Қамчисининг сопи олтин.
Қарасанг ярқирайди,
Турмушининг бари олтин.

Тилладандир ёқаси,
Олтин отнинг тўқаси,
Хуморни излаб боради,
Евмутнинг олтин соқаси...

Ғайрат билан бек Равшан,
Шундай қичаб йўл тортди.
Ур келса ўмганлатди,
Нишаб келса тўхтатди.
Текис келса ўйнатди,
Жилға келса жилпитди.
Ариқ келса, ирғитди,
Ҳар кунда икки маҳал
Жийранқушни ўтлатди.
Шундай қистаб бек Равшан
Айни уч ой йўл тортди,
Йўлни жуда мўл тортди.

От чопилар баланд тоғнинг пастидан,
Қичаб борди куйганидан, қасдидан,
Уч ой тинмай йўллар юриб бек Равшан
Бориб қолди бир вилоят устидан. . .

Равшанбек қараса бир қари-чол бечора бир қўй-нинг калласини олибди, тўрт почасини белига суқиб, қорнини бир қўлига, ўпка-юрагини бир қўлига олиб, калланинг бир қулоғидан тишлаб олиб келаётибди. Шунда Равшанбек:— У бова, қаёқдан келаётибсиз?— деди.

Бобо бечора қараб туриб, оғзидан каллани ерга қўйиб:— Э боламай, менга ташвиш бердинг-ку!— деди.

Равшанбек:— Бова, мен бозорнинг йўлини тополмай юрибман, шунинг учун сизга ташвиш бердим. Бова, бозор яқинми?— деди.

Бобо айтди:— Бозор яқин, мана келдинг, ярим тош қолди-да, энди манов қирга чиқсанг, Қорахон подшонинг қизи Зулхумор ойимнинг кўшки кўрინади, болам. У болам, сен бу ернинг расми-русмини билмайдиган болага ўхшайсан. Болам, энди мени йўлдан қолдирдинг-ку, шундай ҳам бўлса беш-олти оғиз сўзни айтиб кетайин, сен билмаган бола-да, сенга яхши бўлади. Бу ерлар Қорахон подшога қарайди, Ширвонга тобе. Қорахон подшонинг Зулхумор деган бир қизи бор, ўғли ҳам шу, қизи ҳам шу, шундан бошқа боласи йўқ. Бу қиздан бошқа кўзининг оқ-қораси йўқ. Энди, болам, подшоликда эрка ўсган чопсон зўр қизда, шу ердан бир баланд кўшк қилиб, теварагини ўхшатиб пишиқ гишт билан иморатлар қилиб, отасидан сўраб олиб бозор юргузиб қўйибди. Бугунги бозор Зулхумор қизнинг бозори. Ҳар бозор кунини бўлса, Зулху-

мор бетига ниқоб тортмайди, бетини очиб ўтиради. Зулхумор йигитларга қалпоғининг олдини минг танга, орқасини беш юз тангадан сотади. Шу бугун бозор куни, бизнинг элнинг бойваччалари, бекваччалари қўлига бир лаъли тилла олиб, «юз кўрим» деб Зулхумор ойни бир баланд ерга чиқиб томоша қилади. Қўй-чи, ўғлим, гап пули борники. Ҳали Зулхумор ғайрат қилаётган эмиш; «Шу бозорни жуда катта бозор қиламан, жуда обод қиламан», дер эмиш. Обод қилса қилади-да, подшонинг бир қизи бўлса, нима қиламан деса, қилади.

Равшанбек бобосидан бу сўзларни эшитиб, билиб олди. Шу йўл билан отини чу деб йўртиб қирга чиқди, сойга тушди, қирга чиқди, бозорнинг устидан бориб қолди. Қараса, бир кичкина бозор экан, одам фижиллаб ётибди.

Равшанбек бозорнинг устидан келиб қолиб, «ёрим Зулхуморжонни кўраман» деб, димоғи чоғ бўлиб, вақти хуш бўлиб, бозордаги одамларга қараб бир сўз айтиб турибди:

Узоқдан келаётибман,
Ғамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!
Мен ёримни йўқотибман.
Э ёронлар, биродарлар, халойиқ!
Мен ёримдан адашибман.

Боғлардан терган бодомлар,
Ёрсиз менга доим ғамлар,
Мен ёримдан адашибман, халойиқ!
Бозордаги кўп одамлар!

Бунда даврон сурган борми?
Ўз давриман юрган борми?
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?

Тоблаб зулфин ўрган борми?
Ёрман суҳбат қўрган борми?
Ёки бирга юрган борми?
Боғидан гул терган борми?
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?

Э ёронлар, ҳай ёронлар!
Ҳаммангиз менга қаранглар!
«Ёринг ким?»— денг-да, сўранглар,
Менинг кунимга яранглар!
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?

Мажнун қилди бора-бора,
Ошиқ бўлса недир чора?
Бир куйгур қилди овора;
Топмадим мен бахти қора,
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин билган борми?

Қаники топилса ёрим,
Тасаддуқдир ҳарна борим.
Қаламқош, кўзи хуморим.
Кўрмасдан кетди мадорим.
Менинг шунда ихтиёрим,
Дунёда йўқдир хабарим,
Олгандир сабру қарорим.

Бизнинг ёрни кўрган борми, халойиқ?¹
Ёр дарагин берган борми?

Мен излаб келдим изидан,
Сўрсам лаби қирмизидан,
Сўюлдим қора кўзидан,
Тирилдим ширин сўзидан.
Сўрасам шунинг ўзидан,
Билмам қай шоҳнинг қизидан
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?

Ёримни кўрсам деб келдим,
Бир дам ўлтирсам деб келдим,
Лаълу шакар лабларидан,
Сўр деса, сўрсам деб келдим.
Шундай асов тойдай ёрни
Қўлга келтирсам деб келдим.
Ошуқлигим шу барнога
Энди билдирсам деб келдим.
Элдан ўзган чин сулувни
Ишқиб илдирсам деб келдим.
Излаб юрган сарвинозни
Отга миндирсам деб келдим.
Айтганимга кўнмаса-чи,
Алдаб кўндирсам деб келдим.
Ҳуркак ёрнинг қалъасини
Уриб синдирсам деб келдим.
Бизнинг ёрни кўрган борми?
Ёр дарагин билган борми?

Паст-пастгина паст кўчалар,
Ҳолин билмас бир нечалар,
Бедов минган бойваччалар,

Бойваччалар, бекваччалар,
Қалпоқ бозори қайсиди?!

Ошиқнинг шавқи кечалар,
Маъшуқин топса мучалар.
Тополмай юрган нечалар,
Қўчада ҳинди баччалар,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Дардига топмай даволар,
Ғамман меҳнат ҳаволар,
Эшак ҳайдаган бовалар,
Қалава сотган момалар,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Бозор келган бозорчилар,
Йўлни кезган гузарчилар,
Тинмай элни кезарчилар,
Жўн савдони бузарчилар,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Отин чопган маст болалар,
Ўз тенгиман дўст болалар,
Иши гаров, бас болалар,
Полвон, найзадаст болалар,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Чўян бозор, мис бозори,
Манов пишиқ фишт бозори,
Қассоб бозор—гўшт бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Чангиб ётган ун бозори,
Қўқиб ётган юн бозори.

Анов мурсак, тўн бозори,
Пичоқ бозор, қин бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Калла сотган каллапазлар,
Нағмагар нағмасин созлар,
Шоирлар бўтадай бўзлар,
Йўлни билмай келган бизлар.
Қалпоқ бозори қайсиди?

Хунармандлар ҳунарилар,
Ўз ишига жўнарилар,
Нашавандлар, кўкнорилар,
Чойман сувнинг қанорилар,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Ишчи бўлган камбағаллар,
Савдо-сотиққа дағаллар,
Гап топмай сўзни мақоллар,
Йигитлари, оқсоқоллар,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Анови қовун бозори,
Боққоллик, совун бозори,
Саллох сотиб калла-поча,
Қассобга товун бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Четда турган қўй бозори,
Йилқи бозор, той бозори,
Қурт билан саримой бозори,
Қоғоздаги чой бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Анови пода бозори,
Болор ҳам хода бозори,
Пахта, увада бозори,
Баланд тепада бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Қовунман пўчоқ бозори,
Темирман ўчоқ бозори,
Рўмолман сочоқ бозори,
Атторлик — мунчоқ бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Бўз билан алак бозори,
Атторда элак бозори,
Ранг-бўёқ, лок бозори,
Паранжи, желак бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Буғдой ҳам арпа бозори,
Пахтали кўрпа бозори.
Қўй тери — сурпа бозори,
Серсавдо турпа бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Қаерда қалпоқ бозори?
Қозиқда телпак бозори,
Қатлама-чалпак бозори,
Туршак ҳам баргак бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Эчки бозор, тана бозор,
Сен изласанг, ана бозор,
Новвос-жувона бозор,

Маддоҳ-девона бозор,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Эчки ҳам улоқ бозори,
Телпак ҳам тумоқ бозори,
Кавоб, қовурдоқ бозори,
Насия эмас, нақд бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?

Офтобалар, мис бозори,
Беда бозор, хас бозори.
Кади бозор, нос бозори.
Моххов бозор, пес бозори,
Қалпоқ бозори қайсиди?



Неча кун ўтди. Равшанбек Зулхумор билан бўлиб кетди, Зулхуморнинг шавқига фарқ бўлиб ётди. Бундан хабар топган Қорахон подшонинг қаҳри келиб, подшо эмасми:— Бориб шу беадабни бойлаб, сийнасини доғлаб, таёқлаб ҳайдаб, олдиларингга солиб, олиб келинглар!— деб беш юз жаллод, тўрт юз мирғазабларни буюрди. От чопиб, бирдан подшоликдан одам бориб қолди. Бечора канизлар шошиб, хабар беролмай қолди. Мирғазаблар қараса, иккови ухлаб ётибди. Улар Равшанбекни олиб, олдига солиб ҳайдаб, икки қўлини бойлаб, таёқлаб уриб, сийнасини доғлаб, ўлдирмоққа чоғлаб, ҳайдай берди. Зулхумор қараса, тўрасининг бошига бирдан уч юз, тўрт юз қамчидан тушаётибди, боши-кўзи демай уриб бораётибди. Бир неча қамчи, таёқ Зулхуморга ҳам тегиб қолди.

Шунда Зулхумор, ўзига теккан таёқ кўринмай, бир сўз деб турибди:

Узоқда тўрамнинг манзили — жойи,
Отаси-онаси фалакнинг моҳи,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Бу ишда тўрамнинг йўқдир гуноҳи!

Қонлар оқсин менинг икки кўзимдан,
Ҳай аттанг-а, пардам кетди юзимдан,
Бу ишда тўрамнинг йўқдир гуноҳи,
Қанча гуноҳ бўлса, менинг ўзимдан.

Қулоқ солинг Зулхуморнинг тилига,
Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар!
Мусофирдир, эсон кетсин элига.

Беклар минар бедов отнинг толмасин,
Бемаҳал ўлимни мардга солмасин,
Мени ўлдир, тўрамни озод айланглар,
Қасодимга бир мард нобуд бўлмасин.
Бу ишда тўрамнинг йўқдир гуноҳи,
Уволи менинг бўйнимга қолмасин.

Унда жаллодлар, мирғазаблар: «Мана бунга қара, баччағар, Ширвондай юртда, шундай бир ўзбек йўқмикан, ў ёронлар, қизи қурсин, юзи қурсин, илкисидан бировга кўнгил бериб, бўзариб турган кўзи қурсин, ана унга қара, тагин айриб оламан деяпти. Ҳай аттанг, подшомизни ерга кўмди-да», деб ўлгудай қаттиқроқ уриб жўнади. Шунда Равшан ёрига қараб:

«Жаллодларга эланма» деб, тасалли бериб бир сўз айтади:

Аё нозим, бир гапим бор англаб ол,
Мен гапирай зеҳнингни қўй, қулоқ сол,
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Гавҳарни не билсин ушлаган сопол!

Омонат, бўйингдан, тандаги жоним,
Сени олдим, йўқдир энди армоним.
Жаллодларга эланмагин, бўйингдан,
Сен йиғласанг, кетар менинг дармоним

Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,
Парвоз қилиб учдим манзил-хонадан,
Улим учун ғам емайман, бўйингдан,
Бир армоним, ёлғиз эдим онадан.

Белимда бойланган қилич пўтадан,
Қамлигим йўқ эди дўстдан-жўрадан.
Улим учун ғам емайман, бўйингдан,
Бир армоним, ёлғиз эдим отадан.

Мен шунингдай банди бўлган кунимда,
Эр Гўрўғли валломатим бўлмади,
Жон ачирим, ғамгузорим бўлмади,
Қирқ йигитим — аждаҳорим бўлмади.
Якка мозор бўлар бўлдим мен энди.

Равшанбек бу сўзларни айтди, ҳеч бир одам тобу тоқат қилиб туrolмади. Зулхумор бечора, қанча канизлари дод деб йиғлашиб, эргашиб борар эди. Бекни кўрган бирорта одамнинг кўнгли ўлдирмоқ у

ёқда турсин, урмоққа ҳам бормас эди. Равшан ўз
аҳволини айтиб бораётир:

Йиғлай-йиғлай адо бўлдим,
Элатимдан жудо бўлдим,
Армон билан пано бўлдим,—
Барисидан сиво бўлдим.

Чамбилбелдай элатимдан,
Улуғ аркон давлатимдан,
Нетай сини-симбатимдан,
Бел қувватим — мададимдан,
Ҳам уруғим — ажодимдан,
Гўрўғли валломатимдан,
Қиблагоҳдан жудо бўлдим.

Айрилдим кулба-хонамдан,
Дуогўй пушту панамдан.
Бошимдаги парвонамдан,
Кеча-кундуз ҳамхонамдан,
Чидамасим шўр онамдан,—
Меҳрибондан жудо бўлдим.

Чамбилда қариндошимдан,
Сир айтарга сирдошимдан,
Неча бир тенгу тўшимдан,
Оға-ини — қариндошимдан,
Хабари йўқ бу ишимдан,
Қанча вафодор кишимдан,—
Барисидан жудо бўлдим.

Ёвмутдайин элатимдан,
Такадай мамлакатимдан,

Кўп фуқаро элатимдан,
Бел қувватим ҳолатимдан,—
Барисидан жудо бўлдим.

Бирга юрган жўралардан,
Неча қоши қоралардан,
Бир-бирдан саралардан,
Асил гавҳар поралардан,
Хизматкор, фуқоралардан,
Ҳалолхўр бечоралардан,—
Барисидан жудо бўлдим.

Олтин эдим, чўян бўлдим,
Дона эдим, сомон бўлдим,
Қиммат эдим, арзон бўлдим,
Ғамга қолган Равшан бўлдим
Юраги тўла қон бўлдим,
Аввалдан намоён бўлдим.
Янги ойдай пинҳон бўлдим,
Ҳай аттанг-а, ҳай аттанг-а,
Барисидан жудо бўлдим.

Банди бўлдим билмасларга,
Мени кўзга илмасларга,
Манзур назар қилмасларга,
Бирор ўйнаб қулмасларга,
Арақ ичган шу масларга,
Майдон билмаган насларга.

Банди бўлдим бебошларга,
Меҳри йўқ, кўнгли тошларга,
Бойланиб қизил бошларга,
Қўлда ханжар, отим бўлса,

Бир тушмадим савашларга,
Мингига бас бўлар эдим,
«Ботир» бўлган бебошларга.

Энди Равшан ўлар бўлди,
Қизил гулдай сўлар бўлди,
Армон билан майдон қилмай,
Ичи ғамга тўлар бўлди.

Ухлаб қолиб бўлдим банди,
Қолдим юз туман армонда,
Банди бўлмадим майдонда,
Мендай банди бўлган қайда?

Қўлда қиличим бўлганда,
Нима жон бор эди санда!
Майдон бўлса, кўрар эдинг,
Не ҳунар бўлса Равшанда!
Мени уйқуда банди қилдинг!
Сен ҳам энди ботирсан-да?!

* * *

Зулхумор ойим бир ҳовлида қамалиб, ё ўзи, ё қирқин канизи далага чиқолмади, тўрасидан нима гап ўтганини билолмай, хабар ололмай қолди. Шунда Зулхумор канизларини дарча-тешикдан чақириб, қоронғида бир ердан бир-икки лахимчини топтириб келиб, лахимни ковлатиб, ўн тўққиз кун деганда кечқурун зиндон лабидан чиқди.

Зиндон лабидан, тўрасининг устидан пастга қараб, ҳоли-аҳволини сўраб турар, пастда бек Равшан ёрининг келганини билиб жавоб бераётир:

— Мен зулфимни тоблаб-тоблаб ўргали,
Иложим етмайди жоним бергали,
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?
Бахти қора ёринг келди кўргали.

— Тор зиндонда ётиб доим ҳув дедим,
Қим ўтса бошимдан, ош ҳам сув дедим.
Омонат ёр, йўлай кўрма қошима,
Ажалнинг отини миндим — «чу» дедим!

— Бир боғчада олмамисан, нормисан,
Сен ҳам мендай менга интизормисан,
Бахти қора ёринг келди кўргали,
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?

— Савдо тушди ёшлигимдан бошима,
Қим раҳм этар кўздан оққан ёшима,
Равшан бўлса ўлган киши, бўйингдан,
Сен омонат, йўлай кўрма қошима.

— Майдон бўлса йўлбарс билан шермисан,
Зулхуморни ёрим бўлса дермисан,
Зулхуморинг янги келди кўргали,
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?

— Сен омонат, менга йўқдир ёрлигинг,
Менинг учун бекор интизорлигинг,
Йигирма кун менинг умрим қолибди,
Омонат ёр, асло келма қошима!

— Йигирма кун сенинг умриң бор бўлса,
Йигирма кунгача Хумор ёр бўлса,
Сен кетган сўнг бу ёринг бекор бўлса,

Нима қилар айт-чи, вафодор бўлса?
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?

— Менинг умрим йнгирма кун қолади,
Ваъда тамом бўлса, тўранг ўлади.
Мен ўлганман сенга нима қолади,
Сулув қизсан, яна биров олади,
Омонат ёр, асло келма қошима!

— Менинг учун ўлиб кетсанг баякбор,
Сенинг учун ўлмасмикан Зулхумор,
Бир хотиннинг эри битта бўлмасми?
Мени олган эрим — Равшандай шунқор,
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?

— Сулув қизсан, сенга толиб кўп бўлар,
Ўрдан-қирдан неча турли гап бўлар,
Кўп гапирса шунинг ўзи жуп бўлар,
Равшан ўлган куни ғами йўқ бўлар,
Омонат ёр, асти келма қошима!

— Сен айтасан: Хумор ғами йўқ бўлар,
Сенсиз Хумор ёниб турган чўғ бўлар,
Сенинг ишқинг ой Хуморга ўқ бўлар,
Сенсиз ёрнинг ғами ортиқроқ бўлар,
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?

— Ундай дема, омон бўлгин, Хуморжон,
Қора қоши камон бўлгин, Хуморжон,
Яна эр қил, шодмон бўлгин, Хуморжон,
Илгаридай бўстон бўлгин, Хуморжон,
Омонат ёр, асло келма қошима!

— Омон эдим, сен ҳам омон бўлганда.
Сенсиз Хумор ҳоли ёмон бўлган-да,
Хумор бўстон эди, Равшан булбули,
Ой Хуморга охир замон бўлган-да,
Зиндоннинг ичида, тўрам, бормисан?

— Хуш энди, Хуморим, энди хуш энди,
Кўп балога қолган ғариб бош энди,
Ғарибликда оқди кўздан ёш энди,
Омон бўл, севдигим, қолдинг хуш энди!

— Бир боғчада олмамиди, нормиди,
Мендан ўзга сенинг ғаминг ермиди?
Бир хабар юборсам Чамбил юртига,
Излаб келгудай раҳбаринг бормиди?

-- Бу азоблар барча қулдан ўтади,
Хабаринг уч ойда бориб етади,
Хабар қилсанг элатимга, бўйингдан,
Хон отам келганча олтой ўтади,
Йигирма кун менинг қолган муҳлатим,
Мен ўлган сўнг отам келиб нетади?
Омонат ёр, асло келма қошима!

— Сен бандисан, кўзда оққан ёшим бор,
Сенинг учун менинг кўп нолишим бор.
Шу бугун тонг отмай етар хабарим,
Хабарчига майна деган қушим бор.

— Узоқ йўлдан яхши тулпар чопилар,
Ёвни кўрса, ботир қалқон жомилар,
Ундай бўлса чопсан, жўнат майнани,
Келмакликка менда раҳбар топилар.

Отга йўл бермайди тоғнинг ўрлари,
Жабр қилса чиқар отнинг терлари,
Келмакликка менда раҳбар топилар.
Илғаб етар чин туркманнинг шерлари.

Эшитса туролмас туркман эрлари,
Илғор қилиб етар нара шерлари,
Чин ботирлар етиб қолар, бўйингдан,
Бек Равшаннинг қирқта аждаҳолари.

Отин чопар ўзбек элнинг йигити,
Барининг белида кескир пўлати,
Отнинг бари йўлда қолса етолмай,
Илғаб етар Гўрўғлининг Ғироти.

Ғам ема, Хуморжон, раҳбар кеп қолар,
Ширвон элда кўп талотўп бўп қолар.
Ҳеч бўлмаса етар бобомнинг оти,
Ботирман деганлар қилич еб қолар.

Не билар эрлар, во Равшан, деб келар-а,
Умид қил, тўрангни айриб олар-а,
Хабарингни юбора бер, бўйингдан,
Ичкуярлар келиб қирғин солар-а.

Сен майнани тезроқ кетқиз, Хуморжон,
Тонг отмай Чамбилга етқиз, Хуморжон.
Ундай бўлса, тезроқ жўнат. бўйингдан,
Элатимга хабар етқиз, бўйингдан.

* * *

Саҳар вақти хон Далли ёлғиз боласи, кўзининг оқу
қораси, умрининг меваси, кўнгил ҳаваси, Равшан бо-

ласини соғиниб, далага чиқиб бора туриб:— Вой Равшан!— деди. Муни жонвор майна эшитиб, шул хон Далли, Равшанбекнинг онаси эканлигини билиб, бир қақирлаб жуда қаттиқ сайради. Буни хон Далли эшитиб, юраги қайнаб, майнага қараб боласини сўраб бир сўз деб турар:

Саҳар вақти, майна, гулдай жайнадинг,
Осойишга танда жоним қийнадинг,
Ҳайрон қолдим довшингдан, майнажон!
Не сабабдан, майна, мундай сайрадинг?

Бу сайровинг мени қилди саргардон,
Омон бўлсин қайда бўлса Равшанжон!
Ёмон хабар обкелгандай, майнажон!
Не сабабдан, жонинг қийнаб сайрадинг?

Қуймасин ҳеч кимнинг кулба-хонаси,
Сарғаймасин ғамдан гулдай танаси.
Ёмон хабар обкелгандай сайрайсан,
Мен бўламан Равшанжоннинг онаси.

Майна, сенга биров хабар қилдими?
Сенинг бундай сайровинг кўп бўлдими?
Кашал кетган менинг болам ўлдими?
Мен бебахтнинг куни охир бўлдими?

Хон Даллининг куни тўлган ўхшайди,
Очилганда гули сўлган ўхшайди,
Жудоликни менга солган ўхшайди,
Бек Равшандан хабар келган ўхшайди.

Дод деб йўқлаб йиғлар гавҳар донаси,
Қуйган қул-да, эсдан чиқмас боласи,

Эсли майна аниқлади, фаҳмлади.
Хўп таниди — бек Равшаннинг онаси.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Майна етди талаб қилган элига.
Утирган жойидан учиб шу майна
Келиб қўнди хон Даллининг қўлига.

Хон Далли қараса, қушнинг доди бор,
Кўп узоқдан қистаган ҳолати бор.
Хон Далли қўлига олиб қараса,
Майнанинг бўйнида арза хати бор.

Хон Даллига тоза бўлди қиёмат,
Во болам, деб қилиб қайғу надомат.
Тавоф қилиб, сийпаб жонвор майнани
— Жонвор, бек Равшан борми саломат?

Жонвор, Равшанни ўзинг кўрдингми?
Бек Равшандан менга хабар бердингми?
Жонвор майна, Равшан борми саломат?
Бек Равшанман гаплашдингми, кўрдингми?

Во болам, деб наъра тортиб йиғлади,
Бебахт Далли тинмай нолиш қилади.
— Ҳай аттанг, қиёмат бўлган экан,— деб,
Майна нега элчи бўлиб келади?

Савдо тушди хон Даллининг бошига,
Еқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Во болам, деб уввос тортиб хон Далли.
Бўзлаб борди тўрасининг қошига.

Хон Даллининг йиғлаганин эшитиб,
Ё пирим, деб Ҳасан полвон уйғонди.
Қараса, Даллининг кўзда ёши бор,
Болам, дейди, йиғлаган нолиши бор,
Во болам, деб ўзин уриб йиғлайди,
Даллининг қўлида битта қуши бор.

Во Равшан, дер, сенинг учун ўлдим, дер,
Армон билан сен улдан айрилдим, дер
Вой-вой дейди, ўзин уриб бўзлайди,
Кетганингни, болам, билмай қолдим дер...

Майнани юборган Равшандай полвон,
Йиғлай-йиғлай онанг бўлди саргардон.
Сендан нима кунлар ўтди билмайман,
Кишининг юртида қолдинг, Равшанжон.

Не сабабдан хат юбординг, чироғим,
Қани сенга хон Даллидай меҳрибон!
Сенинг ичкуяринг борми Ширвонда,
Отанг ўлсин уриб ётир ош ҳам нон.

Узоқ юртда қолдинг, болам Равшанжон,
Онанг ўлсин, не қиларин билмайди,
Равшанжон дер, Равшанжон дер, Равшанжон!

Ана энди Ҳасан хатни ўқиб кўрса, хатда айтибди:
«Равшанбекни қирқ кушлик банди қилиб зиндонга
солди, қирқ кундан сўнг дорга осмоқчи, бошини кес-
моқчи, гўштини поралаб узмоқчи. Зиндон қилгандан
сўнг Зулхумор ойимни ҳам бир ҳовлига қамаб, беш юз
соқчи қўйиб, далага чиқармай қўйди. Зулхумор ахири
чидамай, бир лахмчини топиб, ховлининг ичидан лахм

уриб, зиндон бошидан чиқди. Ёигирма кун ўтганда зиндонда гаплашиб, шу майнани йигирманчи оқшомда учирдик. Агар шу йигирма кун ичида келган одам бўлса, Равшанни кўриб қолади, бўлмаса йўқ. Ёигирма биринчи куни Ширвоннинг бозори, бозорнинг ўрта-сида дори, шу ерда Равшаннинг осилиб ўладиган ери. Агар Равшандан умиди бор одам бўлса, Равшанбе-нинг гавда суягини йиғиб олиб кетсин», дебди.

Ҳасанхон полвон ёв-яроғини хуржунга солиб, Гир-кўк тулпарини миниб, этак-бошини йиғиб, қирғийдай бўлиб қийилиб, қош-қовоғи уйилиб, майиблардай ийи-ниб, отасидан оқ фотиҳа тилаб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз деб турибди:

Ғанимларга шўр ғавғони солай ман,
Қасд этган золимнинг жонин олай ман,
Қиблагоҳим, валламатим, қулоқ сол!
Энди сиздан оқ фотиҳа тилайман.

Ҳасанхоннинг бир жонига дуо қил,
Равшандайин полвонингга дуо қил,
Гап билмаган ўғлонингга дуо қил,
Омон-эсон келишига дуо қил!

Гўрўғлибек бечора типирчилаб: — У парилар, Дал-ли келин, ҳаммаларинг дуо қилинглар: Илоҳи соғ бо-риб, саломат келгайсан, омон-эсон боланг Равшанхон-ни айириб олиб, Чамбилбелга омон-эсон ўйнаб-кўлиб, қизғалдоқдай яшнаб келгайсан; ёмон кунинг бўлма-син, сафаринг бехатар бўлсин, душман билан уруш-санг, сенга зафар бўлсин, соғ боргайсан, болангни айи-риб олиб саломат келгайсан, — деб дуо қилди. Юнус билан Мисқол, хон Далли, «Омин, омин», деб йиғлаб,

турибди. Гўрўғлибек фотиҳани юзига тортди. Уғлини дарвозадан чиқариб: — Бор, болам, манглайинг очилсин, — деб жавоб берди. Шунда Гўрўғлибек Ҳасан ўғлига — жону дилига насиҳат қилиб, жуда қича, деб шиддат бериб бир сўз айтди:

— Қулоқ солгин Гўрўғлининг додига,
Қулочлаб қамчи ур Ғирнинг човига.
От топилар, боланг Равшан топилмас,
Асло қарай кўрма отнинг бетига!

Ўйигитлар ичида сенсан ўдаға,
Бедовга ярашар олтиндан тўқа.
Омон-эсон олиб келсанг Равшанни,
Ғиркўк ўлса, кокилидан садаға.

Ич куйган сўнг юрак ўтдай қопинар,
Ёв кўрса ботирлар қалқон ёпинар,
Омон-эсон олиб келсанг Равшанни,
Ғиркўк ўлса, яна бир от топилар.

Якка-танҳо чиқсанг Чамбил юртингдан,
Ҳеч ким билмас сенинг ички дардингдан,
Фарзандим, қулоқ сол айтган сўзима,
Қирқ йигитни юборайми ортингдан?

Мен билмайман менинг аклим қочгандир,
Сен келдинг, Ҳасанхон, кайфим учгандир.
Қирқ йигитни юборайми ортингдан?
Гўрўғлибек энди жондан кечгандир.

— Қирқ йигитинг бориб нима қилади?
Ғиркўк отни бердинг, ота, бўлади,

Мард Ҳасанга даркор эмас йигитинг.
Бир қўшинга Ҳасан ўғлинг баравар,
Ширвонга мард Ҳасан якка бас келар.

Остимда ўйнаса Фирқўкдай тулпар,
Ота, менга қирқ йигитинг не даркор?
Ширвонга жўнади Ҳасандай аждар,
Менга жавоб берсин Ширвондай шаҳар!

Валламатим, қолдинг, кетдим мен энди,
Равшан деб жонимни сотдим мен энди,
Ширвоннинг йўлини тутдим мен энди,
Бек Равшан деб қонлар ютдим мен энди.

«Ҳайт», деб Ҳасан мард Фирқўкни ўйнатиб,
сувлуқни чайнатиб, душманларнинг зардасини қай-
натиб: «Ширвон қайдасан» деб, якка-танҳо саваб ке-
тиб бораётир, «ҳув», деб кетиб бораётир!

Айтувчи: *Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

МАЛИКАН АЙЁР

Ушқий-романтик дoston «Маликан айёр» машхур «Гўрўғли» циклидаги қирқ асарнинг биридир. Баҳодирлик, юксак инсоний гуманизм, соф туйғулар «Маликан айёр» дostonининг мағзи, ғояси ва бадний каштасига сингиб кетган.

Дostonда ҳикоя қилинишича, эркин Чамбил мамлакатининг ҳукмдори Гўрўғли Шакарқўлида довул туйиб, кўлга қушни солиб, сўна-суқсурни уйиб юрган кезида, тасодифан, бир қўрғонга тўғри келиб қолади. Гўрўғли чўлда пайдо бўлган бу аломатни кўриб ҳайрон бўлиб турганда, осмондан бир кўк каптар қуюлиб келиб бир ажаб нозанин парига айланади. Пари қиз Гўрўғлини ўзига мафтун этади, Шакарқўлдан олтмиш йиллик йўлдаги

Торкистон шаҳридан эканини билдириб, яна бир ағанаб каптар либосини кияди-да, фалакка парвоз қилиб учиб кетади.

Гўрўғли маъюс Чамбилга қайтади. Мамлакат ишларини унутади. Нам ерга бағрини бериб ётиб олади. Баҳодирнинг бу вазиятидан дўстлар хафа, душманлар шод, унинг тоғаси маккор Аҳмад сардор мамлакатда ўз ҳукмдорлигини ўрнатиш ҳаракатига тушиб қолган. Бу сирдан хабар топган Авазхон отаси Гўрўғлининг ҳузурига бориб, ота азобининг сабабини аниқлайди, унинг розилиги билан Торкистон сафарига бел боғлайди. Бундан огоҳ бўлган Аҳмад сардор Авазхонни нобуд қилиш учун ўз жосусларини — Асад ва Шодмон исмли йигитларини унинг изидан жўнатади.

Лекин меҳнаткаш халқнинг баҳодирлик ҳақидаги орзу-умидларининг мужассам ифодаси тарзида тасвирланган Авазхон учун ҳеч қандай душман хавfli эмас: у Асад ва Шодмон мерганларнинг ўқидан омон қолади, душман қўшинларини тор-мор этади, тоғу тошлардан ошиб, чўлу саҳролардан ўтиб, деғу жинларни еғиб, сабот билан мақсад сари интилади.

Авазхон йўлда Шозаргар ва Шоқаландар деган омил кишилар билан дўстлашади. Бу икки қаландарнинг, айниқса, Шоқаландарнинг мўъжизалари, Авазхоннинг мардлиги туфайли барча тилсимлар очилади, зулумат шаҳри — Торкистон подшоси Қосимхоннинг лашкарлари емирилади, кўп мамлакат баҳодирларини мафтун этган Қосимхоннинг қизи айёр Малика ҳам Авазхон билан бирга бўлишга қарор қилади.

Шоқаландар билан Авазхон Маликани олиб ўз мамлакатларига қайтаётганларида яна Асад ва Шодмон мерганларга дуч келадилар. Улар Авазхонга қараб ўқ узмоқчи бўлиб турганларида, Шоқаландар юзидаги ниқобини кўтариб ташлайди: ажабо, шунча кураш ва синовларда Авазхонга раҳбар бўлган Шоқаландар — Гўрўғлибекнинг ўзи экан. Ота-бола қайтадан кўришиб, шоду хурам бўлишиб Чамбилга кириб келадилар.

Халқ бениҳоя шод. Мамлакат тинчлиги омон қолади. Уғлининг баҳодирлигини яна бир марта синаган Гўрўғли тўю томоша қилиб, Маликан айёрни Авазхонга никоҳлаб беради.

Қуйида Фозил Иўлдош ўғли тилидан ёзиб олинган «Маликан айёр» достонидан парча берилади.

* * *

Дваз Дарбанд тоғининг бошига чиқиб қаради, Бадбахт чўлда бир нарса Авазнинг кўзига ғивирланиб кўрина берди. Аваз: «Бу кўринган қандай қора экан, бунга бориб келай, қандай жой экан, кўриб келай», деб ўйлаб бораётиб эди, олдидан бир газадан лоп этиб бир одам чиқиб қолди. Қаради: бир душман фил минган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган, соқол-мурти ўсиб кетган, аймашиб келиб оғзи-бурнини босиб кетган.

Бу душманнинг қадди-қоматини кўриб, таваккал қилиб: «Келе, бу бадбахтдан бир савол сўрайин, қайси

мамлакатга бораётганини, нима иш билан юрганини
билайн», деб Аваз дўқ уриб бир сўз деди:

Сен эшитгин менинг айтган тилимни,
Бошингга соларман қайғу зулмни.
Менга баён айла борар элингни,
Фил минган баҳайбат, қайда борасан?!

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Сўзимга жавоб бер, фил минган душман!
Қайдан чиқдинг, қайси элга борасан?
Мақсадингни аён айла бу замон!

Бу сўзлар фил минган душманнинг қулоғига етди.
Киприкларини кўтариб қараса, олдида бир ёш йигит:
«Қайда борасан?» деб турибди. Фил минганнинг кўнг-
лига келди: «Бу ўроқчига ош бериб келаётган ёш бола
экан. Бизнинг подшоларимиз ўзбекнинг чивиндаги ҳам
дўқчил бўлади, дўқидан қўрқма, дер эди. Дарвоқе под-
шомизнинг айтгани рост экан. Шундай болалар менинг
тарзимни кўриб, қўрқиб, шайтонлаб қолмай, мендан
«Қаёққа борасан?» деб гап сўрайди; айтганда нима
гапни билади бу», деб бир сўз деди:

Ошиқнинг фаҳмидир қоронғи кеча,
Ўйғласам, ҳолимга йиғлар бир неча,
Биров ўннга, биров сўлга юради,
Мендан савол сўраб ишларинг қанча?!

Миниб юрган чигирткадай отинг бор,
Қумурсқадай сенинг бир жасадинг бор,
Тўғри йўлга юравергин, баччағар,
Мендан савол сўраб нима ишинг бор?!

Ола тойинг менга таътил бўлмайди,
Сендай одам резгиси ҳеч қолмайди;
Тур, йўлингга боравергин, баччағар!
Мен ўлдирсам сени, кўнглим тўлмайди.

Отга солиб арпа билан ийирни,
Қор ёққанда карвон солар чийирни,
Арботиннинг шоҳи бизни буюрди,
Мени сўрсанг Арботиндан келаман.

Сафар қилиб кўрай Чамбил белини,
Вайрон қилай Гўрўғлининг элини,
Арботинда шоҳдан бўлди фармонлар,
Ўлжа қилай Ғирот, Аваз ўғлини.

Эшит Мақотилнинг айтган сўзини,
Олиб келсам Чамбилнинг Авазини,
Шоҳим билан ваъдалашган шартим бор.
Оламан юз бешга кирган қизини.

Шу хизмат деб Чамбил элга бораман,
Чамбил юртин етим-есир қиламан,
Авазни Чамбилдан олиб келаман,
Ростин десам шу хизматга бораман.

Сўзимни сўрасанг, эй ёш ўғлон,
Ўзбеклар юртига бермасман омон,
Бошига соларман бир охир замон,
Бу сўзларни сенга айтдим, бегумон!

Аваз бу сўзни эшитиб, тўхтаб, ўзига-ўзи ўйлаб айтди: «Бу ёмон душман экан. Буни қўйиб юборсам, Чамбилга борар, тинч ётган элга ташвишни солар, халқни

бесаранжом қилар, таваккал қилиб, ўзимни танита-
йин, бу балони элга ўтказмайин», деб душманга қа-
раб, ўзини маълум қилиб бир сўз деди:

Чарқиллаб учади кўлларнинг гози,
Чўлларда кўп бўлар улоғ ҳам қўзи,
Сўзимни эшитгин, Арботин бози,
Мен бўламан Гўрўғлининг Авази!

Чамбил элда элнинг ғамин еганман,
Сендай зўрни излаб шикор қилганман,
Душман излаб элдан чиқиб келганман!
Мен бўламан Гўрўғлининг Авази!

Ғайратим ғайратга улаб тураман,
Нор кесар олмосни белга чоламан.
Душман кўрсам, нимта-нимта бўламан.
Излаганга сўраганинг бўламан!

Бу сўзни Мақотил эшитиб: ўзбекнинг готи чапаниси
шундай экан. Бу ўзини Аваз қилди. Мен Авазхонни кўр-
масам ҳам таърифини эшитганман. Сен ўзингни Авазга
менгзама, деб бир сўз деди:

Авазман деб бунча ҳам лоф урасан,
Резги одам, армон билан ўласан,
Чамбилнинг Авазин худо урдими,
Той устида чивиндай бўп турасан.

Авазхон деб тилар эдим худойдан,
Жамоли ғолибди осмонда ойдан,
Кўрмасам ҳам, эшитганман Авазин,
Бир зувала ортиқ тушган лойидан.

Аваз бу сўзни эшитиб: «Менинг Аваз эканлигимни билмади, ишонмади; энди бу душманга Авазлигимни билдирайин», деб Мақотилга қараб бир сўз деди:

Майдонда иргитай асби-қушини,
Қамсаб кесай душманларнинг бошини,
Қилайин Рустамнинг савашини,
Мақотил, кўр, Авазхоннинг ишини.

Остида иргийди Фиркўкдай тулпар,
Ўзга деб, Мақотил, бўлма беҳабар,
Ғайратимдан йиғлар сендай зўравор,
Савашли кун мен мингингга баробар!

Отим Аваз, ўзим мисли аждаҳор,
Ишқирсам, дамимга кетар душманлар,
Ғофил қолма бу майдонда, Мақотил,
Бир зарбимдан сенга тушар армонлар.

Майдон бўлса мен сотарман ширин жон,
Олмосимдан қуяман-ку қирмиз қон.
Аслим шердир — Гўрўғлининг ўғлиман,
Чангалимдан қутулмоғинг кўп гумон!

Дод айласанг, эшитмасман сўзингни,
Ҳар бобдан ўяман икки кўзингни,
Бадбахт душман, сенга ўлим лозимдир!
Танитайин сенга мен Авазингни!

Бу сўзни фил минган душман эшитиб; «Бу — Авазман деб айта берди, Аваз бўлса керак. Энди бу Аваз бўлса, миниб юрган тойи — Гўрўғлининг Фироти бўлса, менинг бир катта ишим йўлдан битди; буни шу ердан

олдимга солиб ҳайдаб, Арботинга бораман. Аваз билан
Ғиротни подшога топшираман, қайтиб келиб, Гўрўгли-
ни ўлдириб, Чамбил юртини вайрон қиламан», деб
ўйлаб, Авазга қараб бир сўз деди:

Аваз деб югурдим сенинг изингдан,
Қуралайдай келган жоду кўзингдан,
Жур энди, мен билан бирга борамиз,
Ҳарна бўлса Арботинда бўламиз,
Сенинг билан бирга даврон сурамиз,
Бур отингни Арботинга, Авазхон!

Бу сўзни эшитиб, газабни келиб, Мақотилга қараб,
Авазхон бир сўз деди:

Аё душман, билиб сўзла сўзингни,
Тилларинг суғириб, ўяй кўзингни!
Танидингми бу қўчқор Авазингни!
Ханжар чекиб, мен кесарман бўғзингни!

Мақотил бу сўзни эшитиб, Авазга қараб айтди:—
Сен биз билан урушадиганга ўхшайсан. Чин урушар
бўлсанг, сени бурдалаб ташлайини,— деб иккови шу
майдонда урушмоқчи бўлиб турибди.

Авазхон айтди:— Сиз катта экансиз, уриш, кал-
так — навбат сиздан бўлсин.

Мақотил айтди:— Менга навбат бериб нима қила-
сан, бир урсам ўлиб қоласан, аввал сен ур!

Унда Аваз:— Сен менинг ўлган-ўлмаганим билан
ишинг бўлмасин. Сен катта экансан, навбатни сенга
бердим,— деб қалқонни бошига жомилиб турди. Ма-
қотилнинг уч ботмон калтаги бор эди, шунини кўтариб;
«Хабардор бўл, Аваз, ё Лот», деб Авазнинг бошига

урди, калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Яна олти ботмон чўян калтаги бор эди, буни ҳам: «Ё Лот, энди, Аваз, ўлдинг!» деб сиёсат қилиб урди, калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Яна тўққиз ботмондан бўлган калтаги бор эди. Буни ҳам кўтариб, «Аваз, энди ўлдинг, ё Лот!» деб сиёсат билан урди, калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Мақотилнинг навбати ўтди. Авазнинг навбати етди. Аваз илон тилли олмос пўлатини шириллашиб ғилофдан суғуриб олди. Буни кўриб, Мақотилнинг туси қочди, ранги заъфарондай бўлиб қолди; каркнинг терисидан қилган тўққиз қават қалқонини бошига жомилиб турди. Аваз: «Облоҳу акбар» деб, қўлидаги олмос пўлатини қулочлаб Мақотилнинг бошига урди. Олмос душманнинг бошидан ўтиб, эмчагигача кесиб бориб турди. Яна дарғазаб бўлиб, қўлидаги олмосини суғуриб олиб, қулочлаб урди, Мақотилнинг ўзидан ўтиб, филни ҳам икки бўлиб ерга ботиб турди. Мақотил икки бўлиниб, ағнаб қолди, қони дарёдай оқиб кетди.

Авазхон буни ўлдириб, кўкайи ўсиб, кўтарилиб, отидан тушиб, Мақотилнинг қадди-қоматини кўриб, унинг жасадига қараб, ўз шаънига бир сўз айтиб турибди:

Қийғир деган қуш ўлтирар қияда,
Файратимдан шоҳлар юрар пиёда,
Қилган ишим ҳар одамдан зиёда.

Бизлар кўрдик қисакўзнинг зўрини.
Уч йил кеб қамади Чамбил элини,
Гўрўғлибек чиқиб қирди барини,
Ўлжа қилиб олдиқ молу зарини.—
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Бек отам боғлади зулм қўлини
Майдонда чиқарди Ғирнинг буғини
Қонга бўяб Зарчашманинг сувини,
Ҳикматди Бектошнинг беш минг туғини.—
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Ҳасан ўғлон от белига минганда,
Дим иркилмай душман элга кирганда,
Арзирумдан хон Даллини олганда,
Доғистонда уч ой уруш бўлганда,—
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Юсуф султон отга қамчи солганда,
Ирамондан Хиромонни олганда,
Тошотар полвонни нобуд қилганда,
Етти йил тинмайин уруш бўлганда,—
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Бу сўзларни айтиб, Ғиротни миниб, нарироқ бориб қараса, олдидан йигирма тўрт шаҳарга борадиган йўл чиқди. Бу йўлларнинг у ёғига, бу ёғига қаради. Қараса, бир йўлда байроқ-байроқ кўп лашкар келаётир — сони йўқ. Қелаётган лашкарбошлари ҳам Аваз-ни кўрди. Ораси яқин қолган экан, бир-бирига қараб турди. Аваз: «Бу лашкар қандай лашкар экан», деди.

Бу лашкар Арботиндан келаётган эди. Буларнинг лашкарбошлиғи ҳалиги фил минган полвон эди. Чамбил юртига, Гўрўғлининг устига қўшин тортиб бораётган эди.

Лашкарбошлари айтди: «Гўрўғли битта ё иккита бўлиб юрар эмиш деб эшитган эдик. Бу тайин Гўрўғлига ўхшайди», деб лашкар туриб қолди,— «Бу — Гўрўғли бўлмаса фил минган Мақотил полвондан омон

қолмас эди. Бу ёққа ўтмас эди. Бу тайин Гўрўғли, Мақотилни ўлдириб, бу ерга келаётир», деб улар ҳам уруш асбобини тайёрлай берди.

Аваз уруш бўларини билиб, Фиротнинг айил-пуштанини маҳкам тортиб, совут-қалқонни жомилиб, отига миниб, урушга тайёр бўлиб, лашкарга қараб бу сўзни айтиб, юзланиб бора берди:

Олти ёшда эр атанган,
Йигирмада шер атанган,
Тоғларни отиб юборган,
Полвон отамнинг ҳурмати.

Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди,
Бизлар Чамбилнинг жумарди!
Қирмаганлар номард бўлсин!

Учраса ёри қобил,
Ҳар маҳал ваъдадан топил.
Майдонли кун пўлат довул
Туймаганлар номард бўлсин!

Душманни қилмоққа нобуд,
Ичига ёқмоққа зўр ўт,
Оқ кировка, олтин совут
Киймаганлар номард бўлсин!

Эрлик билан бу майдонга
Кирмаганлар номард бўлсин!
Қилич силтаб, бедов қистаб
Турмаганлар номард бўлсин!
Олмосидан қизил қонни
Қуймаганлар номард бўлсин!

Аваз ўғлон бунда танҳо савашди,
Турган душман ақли-ҳушдан адашди.
Ботир Аваз қирди лашкарбошини,
Байроқ-байроқ яна лашкар етишди.

Аваз ўғлон бу лашкарни кўради,
Фиротига аччиқ қамчи солади,
Байроқ-байроқ лашкар келиб етишди,
Аваз ўғлон бу ўртада қолади.

Жафо тиги букун жондан ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади.
Шакаман душманлар чоқлаб отади,
Жазойилнинг ўқи туйраб ўтади.

Авазхоннинг қадди-бўйи букилди,
Кўздан ёши қатра-қатра тўкилди;
Шу савашда юриб эди Авазжон,
От ёлини ушлаб бу мард йиқилди.

Тўхтаб қолди Гўрўғлининг Фироти,
Гариб бўлди Гўрўғлининг фарзанди,
Қирмизи қон оқди Аваз ўғлондан,
Ҳеч кимсага келмай қолди ҳолати.

Каранг, кўп иш кўрган бекнинг Фироти,
Устида ярадор — бекнинг фарзанди,
Банди бўлса Чамбил элга уятдир,
Майдондан бош олиб чиқди-да кетди.

Бурилиб боради Фирқўкдай тулпар,
Устида ярадор Аваздай номдор,

Олдига ташласа, ёл билан суяр
Кейинга ташласа, қуйруқман суяр.

Тоққа қараб жўнай берди жонивор,
Хизмат қилар мард йигитга бу тулпар,
«Бу баччағар бизга ҳийла қилар» деб,
Ботинолмай бораётир душманлар.

Яра тегди Чамбилнинг қўчоғига.
Баракалла бекнинг тўбичоғига.
Неча ул душманга Фирот рад бериб,
Авазни обкетди Ҳулкар тоғига.

Фирот Авазнинг ярадор бўлганини билиб, кейинга кетайин деса қуйруғи билан суяб, илгарн кетайин деса ёлн билан суяб, Авазни авайлаб, Ҳулкар тоғининг баланд чўққисига олиб чиқди. Бунн душманлар кўриб, «То бу тоғни қулатиб, йиқиб олмасак бўлмас» деб, бир хили тўпни ётқизиб, бир хили қўлига метинни олиб, тоғни қулата берди, дунё кўп талатўп-шовқин бўлиб кетди. Бу галва билан, уйқуда ётган Асад мерган билан Шодмон мерган уйқудан уйғонди. Кўзини очиб қараса, олдида Аваз йўқ, тоғнинг сиртида тутуннинг бурқсигани кўринди. Тўплар отилиб, довуши дунёни бузгандай бўлиб бораётир. Бу аломатни кўриб. . . Шодмон мерган Асад мерганга қараб бир сўз деди:

Майдон бўлмай бедов отлар чопилмас,
Кўп чопилса ҳоса тулпар совулмас,
Излаганда бундай майдон топилмас,
Юургин, Авазхонни излаб борайик!

Майдонда кесилар душманнинг боши,
Қиёматча бўлар марднинг саваши,

Бу майдондан қочган номарднинг иши,
Юургин, Авазжонни излаб борайик!

Бу ишларни қилган Чамбил Авази,
Улимдан қўрқмайди Чамбил шоввози,
Билмам қаён кетди бекнинг ёлғизи
Юургин, Авазжонни излаб борайик.

Сенга айтай мен сўз билан жавобди,
Майдон қуриб ўлмоқ эрга савобди.
Мард йигит олдидан майдон чиққан сўнг
Номард бўлиб қочмоқ бизга не бўпти?!
Юургин, Авазжонни излаб борайик.

Бирга-бирга тоғнинг бошига чиқиб қараса, тоғнинг
бу тарафида душманнинг кўп лашкари бор. Буни бу-
лар кўрди. Асад мерган айтди: — Эй Шодмон ака! Бу
душман кўп экан, уларнинг устига босиб бормоқ муш-
кул-ку.

— Душманга сиёсат қилайлик, урушга Гўрўғли
келди деяйик, Гўрўғлининг донғи Доғистонга кетган,
«Гўрўғли келди», деса бас. — Душманга Гўрўғлининг
зарбаси ўтган,— деб бу сўзни айтиб келаётир:

Буви Ҳилол гўрда туққан,
Қиличин қон билан ювган,—
Ол Гўрўғли келди душман!

Така-Ёвмут юртнинг гулдай боласи.
Хон Гўрўғли Чамбил элнинг доноси,
Хабардор бўл, душман, келди Гўрўғли!
У бўлади ботирларнинг тўраси!

Хайқирганда зарбин кўкдан ўтқариб,
Душманни сулатар тигдан ўтқариб,
Чамбилдан Гўрўғли келди, душманлар!
Қилич соп ўлдирар баринг тўнкариб.

Душман, кўргин Гўрўғлининг ишини,
Қамсаб кесар сендайларнинг бошини,
Чамбилдан Гўрўғли келди, душманлар!
Сулатар зўрингнинг гавда-лошини!

Қойил бўлар анга халқу замона,
Сенга бермас Гўрўғли ҳеч омона.
Хон Гўрўғли Чамбил элнинг сардори,
Марди майдон бўлса танҳо-ягона!

Душманлар қараса, икки отлиқ тоғдан бақириб,
чақириб, сиёсат қилиб келаётир. Буни кўриб: «Бояги
Гўрўғлининг одами экан, бу келаётганнинг бирови
тайин Гўрўғли», деб душманлар зангловини ташлаб,
отини битта-битта ушлаб, қочар йўлини бошлаб тур-
ди. Мерганлар шундай қаради, лашкар қўзғалди,
уруш кўриб юрган гиранда эмасми, Гўрўғлининг отини
тутиб: «Мана мен урушга келдим, Гўрўғли бўламан,
қаёққа қочиб қутуласизлар!» деб икки мерган бирдан
душманнинг устига от қўйди.

Душманларни тўплаб олиб,
Етганига қилич солиб,
Ҳар дара ўликка тўлиб,
Бош кесар майдон ичинда.

Тоғ аскарин чолиб туман,
Душманларга бермай омон,

Шу сифатда Асад, Шодмон
Бош кесар майдон ичинда.

Кесилди душманнинг боши,
Сел бўлгандир кўзда ёши,
Шулдир мерганлар саваши —
Бош кесар майдон ичинда.

Ошиқ фаҳми оқшом-кеча.
Холин билмайди бир неча,
Душманлардан ўлди анча.
Қирилди майдон ичинда.

Етганига қилич солди,
Нечасининг бошин олди,
Душман қочди йўлга кириб,
Тўпу тўпхоналар қолди.

Эшитингиз мерганларнинг сўзини,
Қамсаб кесди душманларнинг ўзини.
Ногаҳондан бораётиб мерганлар,
Йўлда кўрди Фиркўк отнинг изини.

Мерганларнинг хаста кўнгли бузилди,
Кўздан ёши қатра-қатра тизилди.
Отнинг изи қизил қонга тўлибди,
Икки мерган тоққа қараб бурилди.

Айтувчи: *Фозил Йўлдош йғли.*



КУНТУҒМИШ

У алқ романтик достони «Кунтуғмиш» 1926 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган. Олимларимизнинг тадқиқоти шунни кўрсатадики, бу асар XVII — XVIII асрлар мевасидир. Дostonда икки севишган қалбнинг — мард йигит Кунтуғмиш билан гўзал қиз — Холбеканинг аччиқ кечирмишлари, чин севги ва нисоний гўзалликнинг таитанаси ҳақида ҳикоя қилинади.

Қачол ва жамолда ягона бўлган қиз — Зангар шаҳридаги Шонр вазирнинг фарзанди Холбеканинг овозаси оламга кетади.

Унинг тавсифини, ҳусн-зеболигини эшитганлар ҳар диёрдан совчи қўя берадилар, лекин қизнинг шартин олдида кўплари ожиз: «Ҳар ким мени оламан деб келса, нарди ўйинини қўяман, ўйнайман, ютса тегаман».

Зангар мамлакатининг подшоси Буврахон эса нарди ўйини санъатидан маҳрум кимса, зўровонликни ишга солади: «Тегса ҳам оламан, тегмаса ҳам оламан, бошқанинг келганини кўраман».

Шу можаролар юз бериб турган кунлардан бир кун Холбека туш кўради: Кунтуғмиш билан иккови бир тўшакда ётиб, бир-бирини сўз қотиб, Холбека сўради: «Сен кимсан, жой-манзилинг қайда, отинг ким?» Полвон айтди: «Отим Кунтуғмиш, Дўрман элининг полвони бўламан. Сен кимсан, отинг ким, юртинг қаерда?..» Икки ёш тушида бир-бирини қўйиб ошиқ бўлиб қолади.

Отасининг қаршилигига қуроқ солмай, Кунтуғмиш Холбекани излаб йўлга чиқади ва савдогар кийимида Зангар мамлакатига етиб келади. Софдил одамларнинг ёрдами билан Холбеканинг кўшигига кириб, икки севишган дийдор кўришади. Сўнгра улар нарди ўйнайди. Ўйинда Кунтуғмиш ғолиб чиқиб, Холбекага уйланади. Бу воқеадан хабар топган Буврахон ғазабга миниб, иккисини асир қилади ва сарой аҳлининг маслаҳатига кўра шундай жазо беришга қарор қилади: «Э подшойим! Осиб ўлдирдингиз — кўрдик, минордан ташладингиз — кўрдик, тўпга солиб отдингиз — кўрдик. Бу беадабларга шундай жазо берамиз: бир туяни олиб келиб сўямиз терисини тулуп қилиб, хом терига икковини зич қилиб тикдирсангиз, бир асов байталнинг думига тақиб, чўлу жазирага ҳайдаб юборсангиз, буларнинг ўлигини ғажир-қузғунлар еб кетса...» Бу маслаҳат амалга оширилади, лекин, замонанинг зайли билан, отнинг думи узилиб, Кунтуғмиш билан Холбека тулуп ичидан эсон-омон чиқадилар.

Осмон билан ўпишган Муғол тоғи уларнинг макони бўлиб қолади. Бунда Холбека икки ўғил туғади. Ниҳоят, Кунтуғмиш

карвон йўлини топиб, карвонлар билан учрашади. Кунтуғмиш карвонбошининг илтимосига мувофиқ, йўлни тўсиб ётган аждағни ўлдиради. Карвонбошининг кўмаги билан ўз юртига жўнамоқчи бўлиб турганда янги фожиа юз беради: карвондагилар Холбекани таниб қолгдилар. Кунтуғмишни маст қилиб, Холбекани икки ўғлидан айририб олиб қочадилар.

Кунтуғмиш ўзига келиб қараса, Холбека йўқ, болалари қумда чўзилиб ётибди. Фарзандларини олиб, карвон изидан йўлга тушади. Кунтуғмиш дарёдан ўтмоқчи бўлганда, бир боласини бўри олиб қочади, иккинчисини балиқ ютиб юборади.

Севгили ёридан, азиз фарзандларидан ажралган Кунтуғмиш қаландар бўлиб жаҳонни кезади. Холбека эса Зангар шаҳрида ҳасрат ва надомат билан кун ўтказади. Бу орада бўрининг оғзидан соғ қутулган ва балиқнинг қорнидан саломат чиққан икки ўғлон Зангар шаҳрига кириб келадилар, улар оналари Холбека билан учрашадилар.

Шу кезларда Буврахон вафот этади. Давлат қуши янгигина шаҳарга қадам қўйган қаландарнинг — Кунтуғмишнинг бошига қўшади: Кунтуғмиш Зангар мамлакатининг подшоси қилиб кўтарилди. Тақдирнинг бу ўйинидан беҳабар Холбека ўз фарзандларини Дўрман мамлакатига — ота-боболарининг юртига отлантиради. Йўлда болалар подшо йилқичилари билан жанг қилиб қўлга тушадилар ва жаллод қўлига топшириладилар. Холбека етиб келиб, фарзандларини озод қилади, Кунтуғмиш билан топишади. Кунтуғмиш Холбека ва икки ўғли билан Дўрман мамлакатига қайтиб, мурод-мақсадига етади.

Бу ўринда «Кунтуғмиш» достонидан парча босилади.

* * *

Кунтуғмиш билан Холбека иссиқ қумда оёқларини олдириб, йўл юролмай, жазиранинг ҳайбатидан баданларида нам қолмай, ташна бўлиб, кўзлари тиниб, бошлари айланиб, гиёҳларнинг томирларини қазиб сўриб, «шу сув бўларми» деб, баъзи томирларни қазиб, «овқат бўларми» деб, неча кунлар сч, сувсиз чўлларда кезиб, қувват-мадори кетиб бораётган эди, Холбека ойим ташналаб, лаблари гезариб, танда мажоли қолмай қумга йиқилди. Шунда Кунтуғмишга қараб:— Мен сизга эргаша олмайман, бир манзилга етолмайман, қумда ўлиб қоламан, менга қараб сиз

хам нобуд бўлманг, сиз элга етиб, одамларга қўшилсангиз, юртингизга борсангиз, мен сиздан розиман. Зинҳор менга қайрилманг, орқангизга боқмай кета беринг, менинг касофатимга шунча ранжлар кўрдигиз, қаттиқ машаққатлар тортдингиз. Э полвоним, мендан рози бўлинг, мен ҳам сиздан розиман, кетинг! — деб йиғлаб йиқилиб қолди. Шунда Кунтуғмиш Холбеканинг бошига соя солиб, ёрини суяб, кўнглини овлаб:— Бир ғайрат қил, йўлимиз яқин қолди,— деб кўнглини кўтариб бир сўз деди:

Узоқдан чопилар отнинг сараси,
Кўринади бир нарсанинг қораси,
Бир фаслга ғайрат қилгин, бўйингдан,
Яқин қолди манзилимнинг ораси...

Пўлат найза қор остида ётарми,
Темир найзанг эговласанг ўтарми?
Сенинг ёринг номардлардан эмасдир,
Мард ўғлон севдигин ташлаб кетарми?

Кунтуғмиш ёрига ғайрат бериб, шу қора тарафга тусмаллаб оқшом юриб, кундузлар иссиқ бўлса чангалларнинг соясида ором олиб, уч кун деганда Муғолнинг тоғига етдилар. Икковлари ҳам хурсанд бўлиб, «ўлмай шу тоққа келдик, албатта, чашмазор сувлар, ҳар алвон мевалар бўлса керак», деб ғайрат қилиб юрдилар. Тоғ дарасининг ичига келиб кўрсалар, ёввойи ёнғоқлар, писталар, жийдалар ва ёввойи тоқлар, ҳар алвон мевалар пишиб турибди. Икковлари қоринларини тўйғаздилар, бир жойда оқмайдиган бир чашма ҳам топдилар. Шу чашманинг бўйини манзил қилиб ўтира бердилар.

Кунтуғмиш, эл дарагини топаманми, йўл дарагини топаманми, деб ҳар кун эрта туриб кетар эди, бир баланд чўққига чиқиб қарар эди, эл тополмас эди. Бир қишу ёз шу ерда қолдилар. Холбека ойимнинг бўйида ҳомила пайдо бўлиб, ойи-куни етиб, вақт-соати яқин бўлди. Кунтуғмиш доимги одатини қилиб, тоққа чиқиб кетиб эди, Холбека икки ўғил туғиб, болаларини қўлига олиб, аввалги кунлари эсига келиб: «Очдан ўлдириб қўйсам, қандай қилар эканман?» деб, йиғлаб ўтириб эди, қараса, Кунтуғмиш яна эл-йўл дарагини тополмай, ғамгин бўлиб келаётир. Холбека болаларини қўлига олиб, эрининг олдига чиқиб, гўдакларни кўрсатиб, бир сўз деди:

Қулоқ солгин алвон-алвон сўзларга,
Бизлар юрдик одами йўқ тузларга,
Икки гўдак фарзанд берди бизларга,
Очдан ўлса, норастангни найларман?!

Икки гўдак йиғлаб дод дейишади,
Очликдан иккови фарёд дейишади,
Гўдаклар зор йиғлаб овқат дейишади,
Очдан ўлса, норастангни найларман?!

Бу гўдаклар бизни қилар саргардон,
Сабил бўлиб қолган манзил ва макон,
Энди бўлди, ёрим, аҳволинг ёмон,
Очдан ўлса, норастангни найларман?!

Раҳмим келар бунинг йиғлаганига,
Ўт тушар кўрганнинг, билсанг, танига,
Очдан ўлса, зомин бўлдик қонига,
Очдан ўлса, норастангни найларман?!

Кунтуғмиш ёрининг кўнглини овлаб, гўдакларини қўлига олиб, кўнглини кўтариб: «Асло хафа бўлма!» деб, бир сўз деди:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Суйдигим, сайланган нозим, санамжон,
Гўдак учун асло, ёрим, ғам ема!..

Узоқда қолгандир, манзилим, жойим,
Сабил бўлиб Дўрман элда маконим,
Гўдакларни бир амаллаб боқармиз,
Тиши борнинг ризқи бордир, жононим...

Йилдан йил ўтди, Кунтуғмиш асло эл-йўл тополмади. Болалар учга кирди. Шу тоғда Кунтуғмиш чиқмаган ҳеч бир чўққи қолмади. Кунлардан бир кун Кунтуғмиш Холбекага айтди:— Э санамжон, тўрт йилдан бери мен чиқмаган чўққи қолмади, асло йўл тополмадим. Ана узоқда бир баланд чўққи кўринади. Неча мартаба бораман деб чиқдим, сени ёлғиз, қўрқади деб қайтдим. Энди шу чўққига ҳам чиқиб кўрайин, йўл дарагини топмасам, эл дарагини топмасам, шу тоғда ваҳший ҳайвонлар қатори ўтайинда-кетайин,— деб жўнаб кетди. Кунтуғмиш шу юргандан уч кун йўл юрди. Шу чўққи тоғнинг адо бўлган ери эди. Кунтуғмиш пастга қараса, бир анқиллаган, карвон юрган катта йўл, йўлнинг икки тарафида икки катта сарой; бир саройга минг карвон тушиб ётибди. Кунтуғмиш пастга тушиб, карвонларни оралаб, каттаси Азбархўжа, лақаби Алдархўжа билан гаплашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб билдики, бу карвонлар Холбеканинг юрти Зангардан экан. Бир ҳафта ҳамсуҳбат

бўлди. Алдархўжа айтди:— Бизлар эртан кўчамиз. Сен ҳам Зангар борсанг, бирга олиб кетар эдик.

Кунтуғмиш айтди:— Мен Дўрман кетаман.

Қарвонбоши айтди:— Эртан саҳар кел, туячи халқи саҳар юк ортади, биз билан хўшлашиб қолгин, балки салқинда сенинг ҳам жўнаганинг яхши,— деб ваъдалашдилар.

Ётарда, Кунтуғмиш Холбеканинг олдига келиб ётди. Бахтибад Кунтуғмишга шумлик қилиб, бир уйқули ғафлат олди, иккови ҳам уйғонмай қолди. Қарвонлар эрта саҳар юкларини ортиб, туяларини жўнатиб, ўзлари ҳам жўнамоқчи бўлди.

Алдархўжа:— Қарвонлар, қаландар ухлаб қолди, бориб уни чақириб келинглар,— деб буюрди.

Икки карвон саройга бориб кўрса, қаландарнинг уйдан ёруғ чиқиб, уй равшан-мунаввар бўлиб турибди. Бир-бирига: «Қаландар уйғоқ экан», деб аста-аста эшикнинг орасидан қараса, булар ухлаб ётибди; уйда чироқ йўқ. Тоза сийғалаб кўрса, Холбека ойимнинг юзидан ниқоб силжиб кетибди, юзи очилиб, ўн тўрт кечалик ойдай бўлиб, уйни мунаввар қилиб турибди. Қарвонлар ўзларини билдирмай, кетга қайта бердилар. Бориб Алдархўжага айтдилар:— Қаландарда не бор экан — хотин бор экан; жамоли қоронғи кечани мисли кундуздай равшан қилиб турибди. Ана хотин, мана хотин,— деб кўп таъриф-тавсифлар қилиб мақтадилар.

Алдархўжа айтди:— Ёрил-э, баччағарлар, лоф урма, наинки Қўйи Қоф бўлса, ҳеч вақтда одамнинг юзи ҳам қоронғи кечани ёруғ қиладими?

Шу вақтда карвонлардан бирови айтди:— Э карвонбоши, ўзимизнинг элда Шоир вазирнинг қизи — Холбеканинг жамоли қоронғи кечани ёруғ қилмасмиди?

Алдархўжа айтди:— Э карвонлар, чокарлар! Ундай бўлса, бу қаландар Кунтуғмиш экан, шу аёл Холбека. Бунинг ишқида подшомиз ҳали ҳам бағрини нам ерга бериб ётибди. Энди Кунтуғмишни ўлдирмак даркор! Холбекани олиб кетамиз. Бор, туяларни қайтар!

Алдархўжа бир маҳрами хосига буюрди:— Мен қаландар билан ичкилик ичаман, сен косагул бўласан. Шаробни сузганда, менга совуб қолган чой берасан, унга арақ берасан! — деб кўҳна-эски арақлардан чоқлаб қўйдилар. Энди Кунтуғмишдан эшитинг.

Кунтуғмиш сачраб уйғонса, тонг отайин дебди. «Ҳа аттанг, карвон кетиб қолгандиров», деб чиқиб кетди. Карвонларга борса, бари базм-суҳбат қилиб, хотиржам ўтирибди, жўнамабди.

— Э биродарлар, бугун юк қўймадингларми?

Алдархўжа айтди:— Жўнамакчи эдик, мен тўхтатдим, бугун ҳам туринглар, дедим. Дўстим бу ёққа кетса, мен бу ёққа кетсам, биров-бировимизни кўра-мизми-кўрмаймизми, дедим. Энди, жўра, бир ўтириш қилиб, суҳбат тутиб, ичкилик ичиб, юракларнинг черини кеткизиб олайлик, шу дам ғанимат,— деб неча яхши сўзлар билан, иззат-икромлар билан Алдархўжа иккови хос ўтириш қилиб, ўзга карвонларга: — Сизлар ҳам бошқа уйда суҳбат қилинглар,— деб чиқариб юборди.

Икковлари хос ўтириш қилиб, иккита ўғлон косагул бўлиб, бостириб коса берди. «Суҳбат қилдим» деб, Кунтуғмиш гул арақ ичаётибди, Алдархўжа золим совуб қолган чой ичаётибди. Кунтуғмишнинг кайфи бошига чиқиб, ўзининг кимлигидан хабар бериб, оламдан хабари бўлмай, чаппа бўлиб йиқилди. У йиқилгандан Алдархўжа кўҳна арақни Кунтуғмишнинг оғзи-бурнидан, қулоғидан қўйди, Кунтуғмиш ўн

йиллик ўликдан ҳам ёмон бўлиб қолди. Шу вақт Алдархўжа золим дўстидан қайтиб, бир кескир қилични қўлига олиб, Кунтуғмишни ўлдирмоқчи бўлди.

Шу карвонларнинг ичида бир қашшоқ, пок азбаройи таҳсила илм бирга бўлиб келаётиб эди, тоби тоқати қолмай, қандай югуриб борганини билмай, чопиб бориб, хўжанинг қиличини ушлай кетди. Шунда Алдархўжага қараб бир сўз деди:

Ўз элингда даври-даврон этганинг,
Ўтган ишдан кўп пушаймон этганинг,
Аждаҳони ўлдирганда шу ўғлон,
Қани, эшон, аҳди паймон этганинг?!
Ичкилик шарбатин ичмай маст бўлдинг,
Аввал дўст бўп, эндиликда қасд бўлдинг,
Дўст отига сен қаноат қилмайин,
Ўттиз марта қучоқлашиб дўст бўлдинг,
Қани, эшон, аҳди паймон этганинг?!

Алдархўжа қаҳри келиб, илондай заҳри келиб:— Сенми менинг қўлимни ушлайдиган, шунга қўшиб ўлдириб қўйганимда, қўлингдан нима келади?— деб бечоранинг бошига Қосим солиб-солиб юборди. Шу карвонларнинг ичида Қосим деган бир ёш йигит карвонларнинг бир бўлагига катта эди, югуриб келиб Алдархўжанинг қўлини ушлади:— Сенга бир бало бўлдимми? Сенга Буврахон подшо Холбекани олиб келиб бер, деб пул берибдимми? Шу одамнинг қилган яхшилигини унутиб, ёмонлик қилсанг? — деб эди, Қосим билан ҳам тепкилашиб қолди. Карвонлар уришиб, ўз-ўзи билан қирилишиб қоладиган бўлди. Алдархўжа кўрди, бўлмади. Буларни уриш-жанжалга қўймади. Агар уришса, кўп одам нобуд бўлади. Иложин топмай, бир

катта кийизни олиб келиб, бўйрани ўрагандай Кун-туғмишни ўраб ташлади. Оломонларига буюрди:— Икки бошига икки катта тош олиб келиб бостириб ташланг, ичида дами қайтиб ўлиб қолсин!— деб туяларига патира-путур юк орттира берди. Иккита золимага буюрди:— Бор, Холбекани олиб чиқ!

Икки карвон чолиб борди:— Чиқ, Холбека!— деди, Холбека бечора карвонлардан отини эшитгандан: «Оҳ, шўрим қурсин, булар менинг отимни қаёқдан билди. Полвонни ўлдириб қўйди», деб товушининг борича чинқириб йиғлай берди. Икки бола ухлаб ётиб эди, энасининг товуши билан улар ҳам йиғлаб тура келди. Карвонлар:— Чиқ!— деди. Холбека чиқмади. Икки золим югуриб келиб, таёқни қор-ёмғирдай ёғдириб, бирови уриб, бирови судраб чиқиб кета берди:

Холбека шўр зор йиғлайди, ўлдим деб,
Мард полвондан энди жудо бўлдим деб,
Даргоҳингга нима қилдим, худойим,
Мен муштипар бунча ғамга қолдим деб.

Йиғлайди муштипар, ёшин тиймайди,
Болаларин сира кўзи қиймайди,
Икки гўдак зор йиғлайди, қолдик деб,
Осилишиб, Холбекани қўймайди.

Холбека юрмайди, карвон уради,
Уғлим, дейди, Холбека чинқиради,
Гоҳ туради, гоҳ ўтириб муштипар,
Зулм билан золимлар судраб боради.

— Эшитинг, карвонлар, айтган сўзимни,
Йиғлатманглар икки нодон қўзимни,

Мен сизлардан розидирман, карвонлар!
Бунча урма, ўлдириб кет ўзимни!

Икки гўдак армон билан ўлмасин,
Мендай бўлса, бу дунёга келмасин,
Жон оғалар, мени ўлдириб кетинглар,
Гўдаклар қолганин кўзим кўрмасин!

Қизил гулим сўлганига йиғлайман!
Паймонамнинг тўлганига йиғлайман!
Бахтим қора бўлганига йиғлайман!
Мард ёримнинг ўлганига йиғлайман!

Болам етим қолганига йиғлайман!
Аждаҳодан карвон ўлмай қолсин деб,
Энди ўзи ўлганига йиғлайман,
Душманларни «менинг яхши дўстим» деб,
Дўсти душман бўлганига йиғлайман.

Қайтайин, танимда қолмади тоқат,
Ёлғончи дунёда топмадим роҳат,
Илоҳи бузилсин фалак гардиши,
Фалак, сендан шод бўлмадим бир соат!

Савдо тушди Холбеканинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Ура-ур деб, торта-торт деб золимлар,
Олиб борди кўп карвоннинг қошига.
Ўлдим, дейди, зор йиғлайди муштипар,
Фалак титрар чинқирган нолишига!

Золим фалак алвон-алвон дўндирди,
Уриб-сўкиб Холбекани «кўндирди».

Чирқиратиб, вой-войлатиб шўрликни,
Қўлин боғлаб, бир туяга миндирди.

Йиғлайди Холбека, ёшин тиймайди,
Қўп золимлар ўртага олиб қўймайди,
Кетарини билгандан сўнг муштипар,
Болаларин сира кўзи қиймайди.

Холбека ойим иложини тополмай, карвонларга
қараб, эланиб бир сўз деди:

Болаларим эр етган йўқ, бўлган йўқ,
Ҳали нодон, ҳеч нарсани билган йўқ.
Қанча эди гўдакларнинг гуноҳи?
Норасталар ўйнаган йўқ, кулган йўқ!

Эрта билан уйқусидан турган йўқ,
Ҳали оч-да, оқ сутимга тўйган йўқ.
Икки нодон бегуноҳга раҳм айла,
Янги турди, нодонларим эмган йўқ!

Ўзи нодон алвон-алвон дўнган йўқ,
Ҳали булар етимликка кўнган йўқ,
Қанча эди норастанинг гуноҳи?
Қорни очдир, эрта билан эмган йўқ!

Икки гўдак бегуноҳга раҳм айланг,
Мендайн бахти қорага раҳм айланг,
Қанча эди норастамнинг гуноҳи?
Йиғлаб қолган мубталога раҳм айланг!

Савдогарсан ҳайдаганинг лўкмиди,
Кўнглингга олганинг сенинг кекмиди?

Қандай кўнглинг тошдан эди, золимлар!
Уйингда шунингдек боланг йўқмиди?!

Ҳар гап бўлса болаларимман бўлайин,
Ё бўлмаса мен ҳам шунда ўлайин,
Икки гўдак сувсиз чўлда ўлмасин,
Оббергин гўдакни, қўлга олайин!

Ёрим ўлди, гўдақларим ўлмасин,
Ҳеч кимса дунёда мендай бўлмасин.
Мендай бўлса, бу дунёга келмасин,
Менга солган бундай қайғу-ваҳимни
Бу дунёда ҳеч бандага солмасин!

Бенавога раҳм айланглар, карвонлар!
Икки нодон сувсиз чўлда ўлмасин!
Мен шўрлига мунча азоб қилманглар!
Таним кетиб, бунда жоним қолмасин!
Кўнгли қаттиқ, бағри тошдек золимлар!
Ҳеч бўлмаса бир эмизиб кетайин!

Карвонларга ғала-ғула тушиб, бу бечораларнинг
ҳоли-аҳволига йиғламаган эсли одам қолмади. Баъзи
бераҳмлар: Э, ўлмаса ўронласин, отаси дўстлик қил-
маганнинг боласи эл бўларми?— деди. Баъзи раҳми
бор кишилар:— Отаси дўстлик қилмай нима қилди?!
Шу икки нораства гўдақнинг кўз ёши ҳеч кимни омон
қўймас! Эмизса, эмиза қолсин-да, нима қилади!— деб
андак ишорат қилди.

Алам тортиб банди-бўғнин бўшлади,
Во ҳасрато, хумор кўзин ёшлади.
Андак ишоратни англаб муштипар,
Туядан ўзини отиб ташлади.

Қулоқ солинг куйганларнинг сўзига,
Жимма-жимма ёши тўлган кўзига,
Йиғлаб борди болаларнинг қошига,
Бориб олди гўдакларни тизига.

Энасидан не ўтганин билмайди,
Норасталар зулм этганга кўнмайди.
Ўпкасини босолмайди энтикиб,
Икки гўдак Холбекани эммайди.

Холбека шўр дарёдай бўп тўлади,
Бўла-бўл деб қарвон ғазаб қилади.
Эмолмайди ўпкасини босолмай,
Бир-бирига иржайишиб кулади.

— Тоза гулсан, офтоб тегиб сўласан,
Мавж уриб дарёдай тошиб тўласан,
Энанг банди бўлган қарвон қўлига,
Энангдан айрилиб чўлда қоласан!

Болаларим, эминглар-да, тўйинглар,
Буқундан қай, эна дерни қўйинглар-
Буқундан қай, эна сенга қайдадир,
Мотам либосини энди кийинглар!

Бир вақтида заррин рўмол ўрадим,
Ойна олиб оқ юзимга қарадим,
Гўдакларим, эна бўлмай кетайин;
Эна бўлиб не кунингга ярадим?!

Ойим қизман, не кунларни кўраман,
Сувсиз чўлда, болам, деб чинқираман.
Эна бўлиб не кунингга ярадим?
Кўзим билан тирик ташлаб бораман.

Энанг кетди карвонларнинг қўлида,
Қолдинг энди Зарчашманинг чўлида.
Шу кўрганим, энди қайтиб кўрмайман,
Сенсиз қайтиб юрай Зангар элида!..

Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Депсиб борди Холбеканинг қошига.
Болаларин, шўрли, кўзи қиймайди,
Урҳо-ур деб, турҳо-тур деб золимлар,
Қор-ёмғирдай қамчи ёғди бошига.

Алам тортиб банди-бўғнин бўшлади,
Икки хумор ола кўзин ёшлади,
Таёқ зарби ўтиб эди шўрлидан,
Болаларин силкиб қоқиб ташлади.
Икки гўдак зор йиғлашиб шу вақтда,
Эна, дед-да, этагидан ушлади.

Холбека шўр, ўғлим, деб чинқиради,
Товушига ерлар ларзон беради,
Икки гўдак этагидан ушлади,
Бераҳмлар билагига уради...

Кунтуғмишнинг мастлиги тарқаб, ҳушига келиб,
бир тўлғанди, кийизнинг бир ёғидаги тош тушиб кетди.
Полвон кийиздан чиқиб қараса, карвонлар кетиб қолибди.
Чопиб у саройга борса, Холбека ҳам йўқ, гўдаклар ҳам йўқ.
Оҳ тортиб, шердай чирпиниб, йўлбарсдай ютиниб,
қоплондай чопиниб, белини маҳкам боғлаб,
этагини қайтариб, шу карвонларни бир кўриб қолсам,
беармон бўлар эдим деб, айиқдай ҳайқириб,
йўлнинг юзи билан, карвонларнинг изи билан, отдай чопиб,
кийикдай сакраб равона бўлди. Шунда ўзи-

нинг ҳоли-аҳволига, ёридан жудо бўлганига, болаларидан айрилиб қолганига фалакдан шикоят қилиб юра берди:

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,
Майиб нордай ингранади Кунтуғмиш,
Чопиб чиқди катта қирнинг устига.

Ёш олгандир валлакатнинг кўзини,
Ғам билан унутган энди ўзини;
Чопиб чиқса битта қирнинг устига,
Йўлда кўрди гўдакларнинг изини.

— Ҳай аттанг, қиёмат бўлган экандир,
Тар очилган гулим сўлган экандир,
Йиғлайин — паймонам тўлган экандир,
Золим карвон зулм қилган экандир.

Гўдаклар айрилиб қолган экандир,
Армон билан болам ўлган экандир,
Холбека йўқ, ҳасрат билан қон ютар,
Армон билан банди бўлган экандир.

Қуйсин ўлим, барчани йиғлатибди,
Золим карвон жуда узаб кетибди,
Кунтуғмиш кўзини очиб қараса,
Икки гўдак қумда ағнаб ётибди.

Кунтуғмишнинг кўнгли дарёдай тошиб,
Гўдаклари энасидан адашиб,
Икки ўгли қумда ағнаб ётибди,
Қучоқлашиб қўзидай бўп айқашиб,

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,
Куйсин ўлим, ким чидайди ҳилига,
«Ҳай аттанг-а, ўлиб қолган экан» деб,
Бориб олди болаларин қўлига.

Икки гўдак йиғлашиб, дод дейишади,
Эна, дейди болалар, фарёд, дейишади,
Қармалайди отасининг кўкрагин,
Оч қопти гўдаклар, овқат дейишади.

Кунтуғмиш болаларини қўйнига солиб, карвонларнинг изини олиб, чопган отдай равона бўлиб, югуриб қува берди. Шу сувсиз чўлда ўзи ҳам очқаб, сувсиз, мажоли кетиб келаётиб эди, бояги Қосим карвонбошининг одамлари қўйиб кетган нон-сувнинг устидан келиб, топиб олиб, ўзи ҳам еб, болаларининг ҳам қорнини тўйдириб, йўлга тушиб, кўнглида айтди: «Во ажабо, карвонларнинг ичида ҳам сахийлардан бор экан. Мабодо Кунтуғмиш орқамиздан келса, очқаб, сувсиз ўлмасин, деб қўйиб кетган экан-да», деб орқасидан тушиб қува берди. Полвон икки боласини кўтариб бир ҳафта қувди. Ҳар кунда йўлнинг лабидан бир кунлик овқат, бир кўзача сув топиб, еб-ичиб, қувиб кета берди. Бир ҳафта деганда Тажан дарёсининг лабига борди. Қараса, Алдархўжа хавотир қилганидан, «мабодо орқамиздан Кунтуғмиш келса, сувдан ўтолмасин, маътал бўлиб орқамиздан етолмасин», деб дарёнинг қайиқча-кемаларини ҳам сувга оқизиб ўтиб кетибди.

Кунтуғмиш у ёқ-бу ёққа югуриб кўрди, кемақайиқ тополмади. Ахир иложини тополмай, икки боласини йўргаклаб, ўзини сувга чоқлаб, дарёдан юзиб ўтмоқчи бўлди. Боласининг биттасини оғзига тишла-

ди, у биттасини дарёнинг лабига қўйиб, дарёга кириб бирор ўттиз қулоч уриб эди; у битта боласини қўйган ерининг олдида бир тўп ғиша бор эди, шунинг остида бир қизил ияк қари бўри писиб ётиб эди. Полвон узагандан кейин бўри боланинг белидан тишлаб олиб кета берди. Бола қўрқиб «Ота!» деди. Отаси қараса, бўри тишлаб олиб бораётибди. «Воҳ!» деб эди, оғзидагиси ҳам сувга тушиб кетди. Уни бир балиқ ютди. Кунтуғмиш: «Бу-ку, ўлди, унисига етарми-канман», деб сувдан чиқиб қувди. Икки оёқлига тўрт оёқли нега еткизсин, у ҳам қутулиб кетди. Шунда Кунтуғмиш болаларидан айрилиб, қанотидан қайрилиб, икки боласининг фироқида Холбекани ҳам эсидан чиқариб: «Эй замона! Қишу ёзингни, кўпу озингни, ўрдак-ғозингни, кеча-кундузингни, ой, офтоб, юлдузингни, осмон-ерингни, ҳарна борингни бор энангга бер!» деб қадди букилиб, ҳар бир кўзидан қатра-қатра ёши тўкилиб, бир дарди минг бўлиб, ичи ғамга тўлиб, жунун савдоси қўзғалиб, фалаки кажрафтордан шиква-шикоятлар қилиб, ўз ҳоли-аҳволига наъра тортиб айтган сўзи:

Хонимоним бўлди чун барбод дастингдан, фалак!
Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак!
Қилмадинг асло дилим обод дастингдан, фалак!
То қиёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак!
Дод дастингдан фалак, бедод дастингдан, фалак!
Дейди Кунтуғмиш отимни, Дўрман эл полвониман,
Дилбаридан айрилиб, мен бир ажаб сарсониман.
Олдириб икки қўзимни, дийдаи гирёниман,
Онадан бахти қаро туғди, шунинг ҳайрониман.
Дод дастингдан фалак, бедод дастингдан, фалак!

Кунтуғмиш фарзанд доғига тоқат келтиролмайт,
нолишига осмон-ер тебраниб, йиғлаб борар эди. Шу
вақтда унинг ноласини эшитиб, бир чўпон келиб қол-
ди. Қараса: бир одам, шер ҳайбатли, йўлбарс сифат-
ли бир киши фалакдан шикоят қилиб, йиғлаганига
тоғу тошлар сув бўлиб турибди. Чўпон бечора қўйин
қўйиб, Кунтуғмишнинг олдига келиб:— Нега мунча
йиғлайсан?— деб бир сўз деди:

Нега шунча куйиб йиғлаб борасан?
Ўт чиқиб оғзингдан сен оҳ тортасан,
Ғамнинг дарёсига гарқ бўп ботасан,
Ғамга тўлган йигит қайдан бўласан?

Эшитганни ингратади нолишинг,
Нолишинг титратар кўлнинг қамишин,
Бу ерларда борми сенинг танишинг?
Ғамга тўлган йигит, қайдан бўласан?

Қушбонлар қушини кўлга солиди,
Нолишларинг менинг ақлим олади,
Юзингни кўрганлар ҳайрон қолади,
Ғамга тўлган йигит қайдан бўласан?

Кунтуғмиш чўпондан хабари йўқ, ўз ҳолига йиғ-
лаб борар эди, кўзини очиб қараса, бир чўпон келиб,
«Қайдан бўласан?» деб сўз сўраб турибди. Кунтуғ-
миш кўнгли қайнаб, бир дардманд тополмай, ичи
ғамга тўлиб турган эмасми, чўпонни мунгдош билиб:
— Э бечора, бери кел! — деб чўпонга қараб бошидан
ўтган машаққатларини айтиб, бир-бир баён қилиб,
бир сўз деди:

Дўрман менинг мамлакатим,
Қайрилиб синди қанотим,
Кунтуғмиш дер менинг отим,
Полвон номи нишон бўлди.

Қулоқ солгин нолишима,
Йўқ савдо тушди бошима,
Мен етдим йигит ёшима,
Бир куйгур тушди тушима,
Хотирим паришон бўлди.

Кўздан оққан ёшим билан,
Фалакнинг гардиши билан
Уч ой юриб Зангар келдим,
Ошна бўлдим қўрбошиман,
Полвон шунда меҳмон бўлди.

Ёр, ёр дедим қонлар ютдим,
Ҳар тарафга кўзим тутдим,
Олдим ёрнинг нардин утиб,
Жойим кўшки-айвон бўлди.

Йиғлайман, қанотим синди,
Эсиз бахтим қаро бўлди,
Подшосига бўлдим банди,
Қутулмоғим гумон бўлди.

Кўндим шунда тақдирига,
Қойил манглайнинг шўрига,
Бизларни тикди терига,
Бу кенг дунё зиндон бўлди.

Қилди душманлар маломат,
Кўрдик бир неча аломат,

Чиқдик теридан саломат,
Яна кўнгил равшан бўлди.

Қулоқ солгин ушбу доққа,
Кўзимни солдим ҳар ёққа,
Неча вақтлар чўлда кезиб,
Ахир келдик Муғол тоққа,
Муғол тоғи ватан бўлди.

Бир-бировга бўлиб пайванд,
Кўнгилларни қилиб хурсанд,
Насиб бўлди икки фарзанд,
Яна кўнгил равшан бўлди.

Қидирдим алвон-алвонга,
Югурдим тоғда, ҳар ёнга,
Тўрт йил юрдим Муғол тоғда,
Дучор келдим кўп карвонга.
Ўзимни сотдим бир нонга,
Қимматимиз бир нон бўлди.

Шириндир одамнинг жони,
Ҳар кимнинг элда даврони,
Ўзимни сотиб бир нонга,
Мен ўлдирдим аждаҳони,
Илон ерман яксон бўлди.

Номус билан орим кетди,
Қаторимда норим кетди,
Шароб бериб маст қиб мени,
Карвон ёримни олиб кетди.
Дўст карвоним душман бўлди

Сўзламакка кўнглим толиб,
Зулфим белимга ирғолиб,
Қўш боламни топиб олиб,
Кўнглим йўлга равон бўлди.

Бирини солиб эғнима,
Бирини солиб қўйнима,
Қўш боламни топиб олиб,
Келдим Тажаннинг бўйина,
Ўтмаклигим гумон бўлди...

Бировини ютди балиқ,
Ул ер билан яксон бўлди...
Шумиди бизга тақдири?!
Аримай манглайининг шўри,
Биттасин обкетди бўри,
Уни кўрмак гумон бўлди.

Қарорим йўқ турай десам,
Мадорим йўқ юрай десам,
Уйим йўқдир бораё десам,
Ватаним йўқ кираё десам,
Ёрим йўқдир кўрай десам,
Қўзим йўқ ўргилаё десам,
Ажал етмас, ўлай десам,
Чўпон! Бошим сарсон бўлди!

Чўпон:— Эй, бечора, дардинг оғир экан,— деб қўшилиб йиғлаб,— мен қўйларни қайтариб олай, сени чўпонларнинг қўшхонасига олиб бораман, биз билан бирга бўласан, ўзингга келганингдан кейин Дўрмон йўлини кўрсатиб, озиқ-овқат бериб сени кузатамиз,— деди, полвонга тасолли бериб, қўйига қараб кетди.


Чўпон қўйларини қайтариб юриб эди. Кунтуғмиш бораётган йўлини ҳам қўйиб, бошқа бир йўлга тушиб, кўнгли жўш уриб: «Бор, дунёнгдан кечдим!» деб бу сўзларни айтиб кетта берди:

Ер дедим -- хуноба ичдим,
Эй, дунё, баҳрингдан кечдим,
Гадолик йўлига тушдим,
Қаландар бўлганим-бўлган...

Чиқмади бошим аламдан,
Айрилдим ёру боламдан,
Жон чиққунча бу танамдан,
Қаландар бўлганим-бўлган...

Боғларда бордир навбаҳор,
Гуллар очилар ҳар саҳар,
Қидириб шаҳарма-шаҳар,
Қаландар бўлганим-бўлган...

Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли



ОРЗИГУЛ

Зарафшон водийсида камол топган Ислоҳ Шоир Назар ўғлидан 1938 йилда ёзиб олинган «Орзигул» достони ўзбек халқ лиро-эпик асарларининг энг нодирларидан биридир. Достонда кечмиш турмушнинг фожиали, драматик манзаралари тасвирланади.

Хосхона мамлакатининг султони Қорахон шикорга кетишдан олдин ой-куни яқинлашган хотини ҳузурига кириб дейдики: «Амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди,— ўғил туғсанг, сени иззат қиламан, қиз туғсанг, тилла дорга иламан!» Лекин подшонинг хотини Барногул қиз туғади. Айни вақтда бечора Эрназар боғбон эса ўғил кўради. Подшонинг қаҳру ғазабидан қўрққан Барногул ўз қизини боғбонга бериб, юз илтижо билан унинг ўғлини саройга олиб келади.

Ойлар, йиллар ўтади. Эрназар боғбон қизи Орзигул ўн саккизга киради, жамоли ойдек нозанин бўлиб етишади. Бир кун Орзигул гуллар орасида юрган вақтида Қорахон подшо боғнинг устидан келиб қолади, боғда сайр қилиб юрган гул юзли дилбарни кўриб, ақли-ҳушидан кетиб йиқилади.

Қорахон подшо Эрназар боғбонни кига совчи юборади. Бу фожиали воқеа, отанинг ўз қизига совчи юбориши Эрназар боғбонни ҳангу-манг қилиб қўяди ва, ниҳоят, она сирини Орзигулга айтишга мажбур бўладилар. Ҳазаб оташида ёнган Орзигул ўз она юртидан бош олиб чиқиб кетади. Талай машаққат ва саргузаштларни кечириб, Оқтош мамлакатига етиб боради ва у ерда ўз бахтини топади.

Қуйида «Орзигул» достонидан парча берилмоқда.



Ў

* * *

— тган замонда Хосхона мамлакатининг султони Қорахон подшо: «Агар худо менга пойтахтимга эгаллик қиладиган, душмандан ўчимни оладиган бир ўғил берса — мақсадим шу»,— деб кеча-кундуз ўйлаб юрар эди. Кунлардан бир куни ўрдадан Омон деган бир каниз чиқиб:— Хотинингиз ҳомиладор бўлди,— деб суюнчи олди.

Кунлардан бир куни подшонинг шикорга ҳаваси келди. Бекларни чарлатди. Сипоҳлар етиб келиб, бари қўл қовуштириб, салом бериб, одоб билан ўзини кўрсатди. Қорахон подшо бекларга қараб айтди:

Кўп йиғилган ер бўлади халойиқ,
Сидқидил бекларим, шикор қилайик,
Пироқлар белига букун минайик,
Ғайрат қинглар, биз шикорга борайик.

Беклар от-анжомларини тайёрлаб, бари шикорга тайёр бўлиб турди.

Омон канизининг айтган гапи подшонинг ёдига келди, беклардан хуфия қилиб, ҳарамга борди. Барногул ойимнинг қўлидан ушлаб:

— Мен букун шикорга кетиб бораман,
Қайтиб келиб ўғил юзин кўраман,
Шундай ваъда, нозим, сенга қиламан.
Қиз туғсанг, бошингни дорга иламан,
Ўғил туғсанг, Хосхонага қўяман.
Қорахон подшо дер менинг отимни,
Олгин қулоғинга айтган сўзимни,
Ўғил туғсанг, берай Хосхона юртни,—

деб подшо беклари билан овга чиқиб кета берди.

Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқаси битиб, канизлар Барногулнинг ҳоли танг бўлганини билиб, момаларга хабар қилди. Энагалар ичида бир мастон бор эди. Отини Паттигул мома дегич эди. Омон каниз Паттигулни Барногул ойимнинг қошига элтди.

Оқ йўл берди — Барно туғди фарзандни,
Ўғилмикан, қизмикан деб қаради,
Қараб Барно, қизлигини билади,
Қизлигини билиб, «дод!» деб йиғлади.
Билди энди ҳақиқатда ўлади,

— Бўлмай кетгур, бу бошимга етди, — деб,
Туриб ўрнидан бошини уради.
— Нечун йиғладинг? — деб мома сўради, —
Фарзанд кўрса, киши хурсанд бўлади!

Шунда Барногул момага айтди:— Амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди.— Қиз туғсанг сўяман, — деб кетган эди, қиз бўлди, ҳеч ким воситачи бўлолмайди. Қиз бўлмай кетгур, бошимга етди.

Паттигул момаси айтди:— Уч кун бўлди, Эрназар боғбоннинг хотини ўғил туғди. Менга яширинча бир оз тилла бергин, қизингни ҳам бергин. Боғбон кўп камбағал, тилла билан қизингни элтиб берсак, ўғлини берар. Подшо келиб ўғлини кўргач, сени сўймас, — деди.

Барногул канизларидан яшириб бир лаган тиллани ва қизини ҳам моманинг қўлига берди. Мома кўшкдан чиқиб кетди, канизлар билмай қолди. Мома боғбонникига борди. Боғбоннинг хотини, момам келибди деб остига кўрпачалар ташлаб, иззат-икром айлаб, момасини ёнига жойлаб, олдига дастурхон ташлаб, меҳмон қилди.

Мома таомни еб бўлиб:— Болам, мен сизлардан бир нарса тилагани келдим, — деди.

— Момажон, бизда нима бўлар эди, нима тилайсиз?

— Бор нарсани тилайман сиздан.

— Ҳа, бўлса, аямайик, берайик.

Мома Эрназар боғбонни ҳам чақириб, қўлтиғидаги Барногулнинг қизини ва лагандаги тиллани эр ва хотинга кўрсатди. Шунда мома бир сўз айтиб турган экан:

Боғбон бўлиб тергин тоза гулингни,
Камбагалсан, хўп биламан ҳолингни.
Савоб учун бергин энди ўғлингни,
Сенга берса бу лаганда пулини.
Эру хотин икковингдан тилайман,
Худо берган қўлингдаги ўғлингни,
Хафа бўлиб, қилма тагин нолангни,
Кўзингдан тўкмагин ёшу жолангни.
Эй садаға, тилаб келдим болангни,
Эрназар дер, болам, сенинг отингни,
Хўп биламан элатингни, юртингни,
Бир неча кун қилдим хизматларингни,
Паттигулга бер шу фарзандингни.

Эрназар боғбон момасига бир сўз айтади:

Мома, билдим пухта яхши кўрасиз,
Кун ошириб бу кулбамга келасиз,
Мома, сиздан сўрар Эрназар боғбон,
Элтиб бу боламини кимга берасиз?

Мен учмайман лагандаги пулига,
Босган изин бермам шоҳнинг элига.
Боғбон ўғлин, мома, сиздан сўрайди:
Элтиб берасиз қандай номард қўлига?

Киши қувонади ўғлон ёшига,
Қойил эмасман момам қилган ишига.
Оғиз урма Эрназарнинг ёшига,
Элтиб бермоқчисан қандай кишига?

Эрназар дер олов кирди танима,
Бош фарзандим пулга берсам бўлами?
Букун келдинг, эрта боққа йўлама!

Эрназар боғбоннинг хотини эрига бир сўз деди:
— Фарзанднинг, давлатнинг эрта-кечи бўлмас. Бу тиллани олайик, қўйли-эчкили бўлайик, мардумдан кам эдик, бизлар ҳам эл қаторига кирайик. Кишилардан кам эдик, эл қатори бўлайик. Бизларга тағи ўғил берар, келинг, шу ўғилни момамизга берайик.

Боғбоннинг хотини ўғлини моманинг қўлига бериб, қиз билан тиллани олиб қолди.

Эрназар боғбон:— Кейин пушаймон қиларсан.— деб қолди.

Эр-хотин маслаҳат қилиб, қизнинг отини Орзигул қўйди.

Орзигул саккизга кирди, мактабга борди, ўн саккиз ёшида мулла бўлди.

Бир кун Орзигул боғда гуллар орасида сочини ўриб, эзилган ниҳол гулларни кўриб, якка-якка оёғини босиб, мушку анбар-ипор сочиб, тилла ҳайкалларни осиб юрган вақтида Қорахон подшо салтанатли беклар билан тилла жиғаси бошида, жонкуяр беклар қошида, подшолик юзи хотири билан, соп пардали чотири билан, неча найзадаст ботири билан, жиловдор шотири билан боғнинг устидан келиб қолди.

Боғдан бир ажойиб гулнинг иси подшонинг димоғига урди. Оёғини узангига тираб, отнинг устида турди. Боғ ичида бир гул юзли дилбарни кўрди. Ишқининг туби бориб юракка урди. Ақли-ҳуши кечиб подшо йиқилди. Беклар от қўйишиб хонига келди, отдан тушиб аҳволини кўрди: подшо сира билмас ҳушини, «Во ҳасрато!» деб тўқди кўзидан ёшини;— Султоним, сизга на бўлди?— деди. Ҳайдар номли ўнг қўл жиловдори сўради:— Жин урдими, ё бир фалокат чалдими, ё бир нарса ақлингизни олдими, ё девлар сизга соя солдими, ё бирор нарса сизга зиён қилдими?

Отда туриб қад-бошингиз букилди,
На хислат бор, сиздай хоним йиқилди,
Ҳайдар, дейди, йиқилганинг сўрайман,
Нима савдо борди ҳозир билмайман,
Айтсангиз эшитаман, англайман,
Йиқилган маъносин сиздан сўрайман.

Подшонинг ақли ҳуши ўзига келиб, ўрнидан туриб,
бир сўз айтиб турган экан:

Ошиқ киши қон йиғлайди зору зор,
Боқиб кўрдим боғ ичинда бир дилбар,
Ёр ишқига хонинг бўлди гирифтор,
Ун тўрт кунлик ой каби ҳусндор.
Қорахон дер:— Энди тингланглар, беклар,
Шунинг ишқига мен бўлдим гирифтор,
Сидқидил беклар, қўлга қилич олинглар,
Хонлигимни бугун маълум қилинглар,
Қамчи тортиб ушбу боққа кириглар,
Шу дилбарни менга олиб беринглар.

Шунда Ҳайдар жиловдор айтди:— Э султоним, ша-
ҳарга — салтанатли пойтахтга борайик, элу қўрғон-
нинг омонлигини кўрайик, қайтиб бизлар совчиликка
келайик. Бу ердан талов солганингиз ярашмас. Совчи
бўлмаса, ўғил-қиз топишмас, донокор бўлмаса, темир
ёпишмас. Икки бегинг совчи бўлиб бормаса, тортиб
олмоқ боғбонга ҳам хуш келмас,— деб подшони пой-
тахтга олиб кетди. Подшо давлатига бориб, сабр-
тоқатсиз, ошиқлик дардида бедорлик билан тонг от-
дирди. Икки бегини отга миндирди. Ҳайдарбекка Қо-
симбекни ҳамроҳ қилиб:— Боғбонни кига совчи бўлиб
боринглар!— деб жўнатди. Қосимбек, Ҳайдарбек хон

қошидан чиқиб, йўл юриб, отга қамчи уриб, кайфини суриб, чошка вақтида Эрназар боғбонникига кириб келди.

Эрназар боғбон уларни кўриб, ўрнидан туриб салом бериб, қўлини дастилом қилиб, алифдай қоматини хам қилиб, бىр салому ўн саккиз таъзим билан беклар қошига келди. Бекларнинг отини боғлади, хоннинг одами деб уларни сийлади, тутилмаган кўрпаларни ташлади, қўзини сўйиб, уйига патир нон буюрди.

— Хотин, бизникига подшоликдан меҳмон келди, патир ёп, шўрва қил!— деди. Ўзи бекларнинг қошига келиб, олисдан-яқиндан гапириб ўтирди. Беклар совчилигини билдирмай, хуфия қилиб ўтирди. Боғбон бекларни яхши меҳмон қилди.

Беклар фотиҳасини бетга тортди. Эрназар:— Подшонинг одамлари беиш юрмас, сўраганнинг айби бўлмас,— деб бекларга қараб бир сўз деди:

Ярашиққа мен салламни ўрайман,
Келган бери мен сизларга қарайман,
Хуш келибсиз, беклар, мақсад нимадир?
Келган беклар, йўл бўлсин, деб сўрайман.
Юрган еринг Хосхонадай ер бўлсин,
Фазналаринг, беклар, тўла пул бўлсин,
Боғбон аканг, беклар, сиздан сўрайди,
Салтанатли беклар, сизга йўл бўлсин?

Шунда Ҳайдарбек Эрназар боғбонга қараб, совчилигини маълум қилиб, бир сўз деди:

Булбул яхши кўрар тоза гулингни,
Хосхона дер пойтахтли элингни.

Подшомиз бизларни сенга юборди,
Хонимизга бергин Орзигулингни.

Фуқаросан, ночор билгин ҳолингни,
Билиб-билиб айтгин, боғбон сўзингни,
Бермаъниг, шоҳимиз ўяр кўзингни,
Иззат билан хонга бергин қизингни.

Ҳеч ким эшитмайди сенинг нолангни,
Султонимга бергин ёлғиз болангни,
Хон азобин кўрган киши йиғлайди,
Гуноҳингни Ҳайдар оғанг тилайди.

Бу ишларни сендай боғбон билмайди.
Гул юзингни хоним сендан сўрайди,
Султонимга бергин Орзигулингни.

Оғзинг тўлганича сол қалинингни,
Бисёр қилгин қариганда молнингни,
Яхши ерга саъй қилди бек Ҳайдар,
Подшомизга бергин Орзигулингни.

Эрназар боғбон бу сўзларни эшитиб, фикрга кетиб,
кўп гаплар кўнглидан ўтиб, ғамларга ботиб, ёнбошлаб
ётиб, кўз ёшини артиб, ҳеч илож тополмай, хўрлиги
тутиб, индамай, ухлаган, десин деб, хуррагини тортиб
ётди.

Қосимбек Эрназар боғбоннинг қўлидан тортиб,
манглайига туртиб, ғазаб қамчисини кўрсатиб:— Биз-
ларга жавоб бер!— деди.

Эрназар боғбон ночор туриб, ҳар ердан тимсол
келтириб: «Нима десам, буларга маъқул бўлар экан?»

деб ниҳоятда қўрқиб, ранги ўчиб, хаёли қочиб бир сўз деди:

Ажал етса, паймонамиз тўлами?
Ситам билан камбағаллар ўлами?
Отадан қизига совчи келами?
Билиб туриб, хонга берсам бўлами?

Подшо киши бўлар элнинг каттаси,
Эрназарнинг куйди ичи-танаси,
Ҳеч қизига раво бўлурми отаси?
Подшо деган эл отаси бўлади.

Бу ишларга боғбон ғамгин бўлади,
Отасидан қизга совчи келади.
Бу фақиринг шу сабабдан йиғлади,
Уз отаси қайтиб қизин олади?

Эрназар дер, энди ўйнаб-кулмайман,
На бўлишин, келган беклар, билмайман,
Хонинг ҳарна қилса, энди розиман,
Мен қизимни султонингга бермайман.

Шунда Ҳайдарбек бош кўтариб, қамчисига суяниб:— Бу сўзларингнинг ҳеч бир фойдаси йўқ, зарари бор. «Хонга бермайман», деган гапингнинг бизга анча малоли бор. Хоннинг ҳукмдорлигини биласан. Албатта унинг амрини қиларсан,— деб боғбонга қараб бир сўз деди:

Подшо киши ҳукуматдор бўлади,
Ҳар йўл билан, билгин, қизинг олади,

Қиёмат кун бу бошингга солади,
Бошинг кесиб, тилла дорга илади.

Ўзингни ўлдириб қизинг олади,
Донолар хоннинг амрин қилади,
Ҳар ким тентак, хон амрига кулади,
Бошинг кесиб, билгин, қизинг олади.

Билиб-билиб айтгин, боғбон, сўзингни,
Бермоғинг керакдир ёлғиз қизингни,
Шаҳаншоҳлик амал бериб ўзингга,
Бир қўрғонга бек қилади ўзингни.

Менинг гапим фойдасини билсанг-чи,
Беш кунлик дунёда ўйнаб-кулсанг-чи,
Султонимга бериб Орзигулингни,
Бу ўтар дунёда кайфин сурсанг-чи.

Қулоқ солгин мендай беги Ҳайдарга,
Гўё мисли подшо қилай шаҳарга,
Дилбар қизинг бергин шу ҳукмдорга,
Бўлмаса қисса шу — осиласан дорга.

Эрназар боғбон:— Бир меники эмас Орзигул, шеригим ҳам бордир, бориб шеригим билан маслаҳат қилиб, сўнгра сизларга жавоб айтаман,— деди. Боғбон белини икки еридан тугиб, юрак-бағри куйиб, босган изи кейинга кетиб, кўп гаплар кўнглидан ўтиб, хотинига қараб қовоғини уйиб, уйига кириб борди. Хотинини ўчоқ бошида кўриб, бери кел, деб чақириб олди. Хотини:— Тобингиз қочдимми, мунча рангингиз ўчибди?— деб сўради. Боғбон хотинига:— Тобим қочганини энди биласан,— деб бир сўз деди:

Хосхонадан икки бекзод келганди,
Тўғри кўзлаб, у бу ерга тушганди,
Унга сўйиб бердик ширвоз қўзингни,
Ўз отаси олар бўпти қизингни.

Сенга маълум, менга маълум, биламиз,
Қайтай, туғмасайди падар, онамиз,
Қиёмат савдони, ёрим, кўрамиз,
Қайтиб отасига Орзим берамиз?

Орзигул ҳам ўғлингди, ҳам қизингди,
Сарғайтирар бўлди қизил юзингди,
Берсанг, берганинг хони султонга,
Бўлмаса, у сўйдирмоқчи бизларни.

Икковимизни бирга дорга илади,
Шунда ҳам у Орзигулни олади,
Шу савдони биладиган иккимиз —
Подшонинг қизидир Орзигулимиз.

Бу савдони қандай қабул қиламиз,
Йўқ десак, иккимиз ҳам ўламиз.
Тубсиз ерга қайтиб, ёрим, кирамиз,
Қорахондир Орзигулнинг отаси,
Кўра-била, қайтиб-нетиб берамиз?!

Ана энди иккови мотам тутиб йиғлашиб, сен пулга алишган эдинг, деб Эрназар хотинини уришиб турганда, Орзигул мактабдан келади. Орзигул энди ўн саккизга кирган эди.

Орзигул буларнинг кўз ёшларини кўриб, бир оз пойгада туриб, уларнинг йиғлаганининг маъносини сўраб, ота-онасига қараб бир сўз деди:

Икковингиз менга бўлиб меҳрибон,
Жонимни айлайин сизларга қурбон,
Бир гап бўлса, йиғлайсизлар минг фиғон?
Фарзанд ўстирмаклик — оламда даврон.

На сабабдан бўлди сизларга армон,
Иккингизга садақадир хаста жон,
Сабаб недир, қон йиғлайсиз, энажон?
Тўти билан булбул сайрайди хуррам,
Нима бўлди иккингизга, энажон?

Орзигул дер, мей сизларга қарайман,
Хизматингга кеча-кундуз ярайман,
Ойна олиб сунбул сочим тарайман,
Йиғлаганинг, икки раҳбар, сўрайман.

Шунда Эрназар боғбон айтди:

Эрназар ҳам бирламчи боғбон,
Ўтди деб, қўлимдан даврон,
Аввалги ишлардан бўлди пушаймон,
Мей гапирай, қулоқ солгин, Орзижон.

Қорахондир Хосхонага соябон,
У қўлида тахти билан ҳам даврон.
Ўғил туғса тахтига қўймоқчи бўлган,
Қиз туғса онангни сўймоқчи бўлган.
Бу ғам билан юрган ўша нотавон,
Охир сени берди қудратли мавлон.

Сени кўриб онанг қилди пушаймон,
Бўлмай кетгур, бошимга етди, деб,
Энагангга қилди неча бир жавлон.

Момо айтган:—Фарзанд кўрган севинар,
Сен нимага қон йиғлайсан, Барножон?
Худойим қиз берди, ҳусни хиромон,
Кўрганда бўлибди ақлимиз ҳайрон.

Барногул айтган:—Ёрим тахт эгаси,
Юртингизда юрур карамли султон.
Бир кун у бормоқчи бўлиб шикорга,
Жўнар вақти келиб кирди рўзгорга.

Мен тура кеб салом бердим ўзига,
Бир насиҳат айтди мендай дилбарга,
Хоним айтди:—Ўғил керак шаҳарга,
Ўғилсиз ваҳмидан юрак куяди.

Мен дунёнинг ўтарини биламан,
Ўғил туғсанг, сени иззат қиламан,
Қиз туғсанг, тилла дорга иламан!
Барногул дер, пухта билгин, момахон,
Ёрим келса, қутулмайман, ўламан.

Эшитсанг, Эрназар отанг тилини,
Лаганда ташлади уйга пулини.
Ҳам сени бизларга бериб, Орзижон,
Олиб кетди бу отангнинг ўғлини.

У фирибгар мома орага тушди,
У пулга энангни хаёли қочди,
Онанг қурғур шунда нафсга адашди,
Сени олди — ўз ўғлига алишди.

Эрназар отангни хаёли қочди,
Пушаймони борди охири ишди,

Шу кечган савдолар бошимга тушди,
Қорахондан сен бўлувдинг, Орзигул.

Ҳозир Қорахондан совчи етишди,
Аниқ сенинг Қорахон отанг бўлади,
Билиб туриб, боғбон Эрназар отанг
Ўз отангга қайтиб сени беради?

Бу сўзларни эшитиб, Орзигул оҳ-вой деб йиғлади.
Орзигул мактабда ўқиган, оқи-қорани таниган, устозининг хизматини қилган қиз. — Қандай қилиб мени отамга раво кўрасиз, — деб бир сўз айтди:

Жасадимда жоним бўлганди ғариб,
Ўлганим яхшидир четларга бориб,
Ушбу савдоларга жонимни бериб,
Кетарман юртимдан, отадан кечиб.

Яхши билгин, ота-она, кетарман,
Ўзга элдан бориб макон тутарман,
Қайтиб отам билан бирга турарман.
Қулоқ солинг Орзигулнинг зорига,
Турғилик қилмади ушбу шаҳрига,
Қайтиб. ота лозим қизнинг бағрига?

Ота дейман, мен сизларга ёлвориб,
Бошимни олиб кетай, мен ғариб,
Қиз отага сира раво бўлмайди,
Орзигул ҳайронди, китобда кўриб.

— Ота, ундай бўлса, қирқ кун муҳлат сўранг, ё
Қорахон подшога бир гап бўлар. ё менга бир гап бў-
лар. Қирқ кун муҳлат тиланг, отажон, ё у ўлар, ё мен
ўларман,— деди.

Эрназар боғбон ўрнидан туриб, Орзигулнинг гапларини кўнглига жойлаб, ўзини мардона тутиб, совчилар қошига етиб, совчиларга қараб муҳлат сўраб бир сўз деди:

Келган беклар, қараиғ менинг тарзимга,
Подшо ошиқ бўлган бўлса қизимга,
Қирқ кун энди муҳлат берсин ўзимга,
Бемаслаҳат, беклар, бир иш бўлами?

Тўсатдан қизимга совчи келми?
Хонинг ошиқ бўлган бўлса қизимга
Бемаслаҳат босиб-янчиб оларми?
Қирқ кун муҳлат мен султондан сўрайин,
Элу юртни мен уйимга йиғайин,
Улар билан бир маслаҳат қилайин.

Қабул бўлса, келган элу юртимга,
Менинг ҳам раъйим бор сўнгра берарга.
Эрназар дер, тақдиримдан кўрарман,
Юрт берса, шоҳимга мен ҳам кўнарман.

Боғбон беклардан муҳлат сўрагандан кейин, улар маъқул сўзга жавоб топа олмади. Совчилар ҳар қанча гапирдилар, боғбон маъқул кўрмади.

Гавҳардай сўз айтди, ўрни топмади,
Гап тополмай, маъқул деди совчилар,
Қирқ кунгача муҳлат берсак берайик,
Халқни йиғиб қутулганин кўрайик.

Энди бизлар Хосхонага жўнайик,
Бири тўриқ, бири саман минайик.

То кўргунча хуш қол энди, боғбон,
Қирқ кунни тўлдириб бизлар келайик,

Подшо гапи икки бўлмас, буни бил,
Биз келгунча тоза ўйлаб фикр қил,
Подшо агар қизинг олса, шукур қил!

Ҳайдар дейди, боғбон, сиздан фидога,
Вафо айлаб, ўйлаб тулинг ваъдага,
Энди бизлар кетдик шаҳар орага.
Боғбон, сизни топширамиз худога.

Боғбон уйига кириб, хотини билан Орзигул қизига бир сўз деди:

Қирқ кун яна эл-фарзандга тўймайми?
Ваъда берган совчи қайтиб келмайми?
Вафосиз бўлса киши ўлмайми?
Қирқ кун тўлса на қиламиз, фарзандим?

Бу дунёнинг ўтарини билайик,
Бир яхши маслаҳат, ёрим, қилайик,
Бу сўз беқарорди, қандай қиламиз?
Қирқ кун тўлса нима жавоб берамиз?

Эрназар дер маслаҳат шу иккиннга,
Бу савдони ўйла иккинг фикриннга,
Жавоб бергин шу гапимга, Орзигул,
Қирқ кун тўлса, биз ўлармиз, буни бил.

Шунда Орзигул хафалигини ота-онасига билдирмай, кеча ва кундузлар йиғлаб, бир кам қирқ кунни ўтказди. Боғбоннинг хотини айтди:— Эрта қирқ кун тўлар, Орзигул, сенга бир қатор шойи кийимлар тикдим, бир қаландар телпагини ҳам олдим, ўз отасига бергунча,

кишилар танимасин деб, қаландар бола қилиб, шаҳардан чиқариб юборамиз,— деди. Орзигул хафа бўлиб: «Оромсиз дардга учрадим», деб йиғлаб, боққа кирди. Чашма бўйига, чинор тагига келиб ўтирди. Кўзидан ёшлар қатор-қатор оқиб, бир сўз деди:

Боримда очилган гул билан гулзор,
Уларнинг ичида бўлдим беқарор,
От чопса дангирлар тоғнинг дараси,
Мардларни ингратар найза яраси.

Раҳм айланг, бу ҳолда қўйманг йиғлатиб,
Хафа фалак айланади юз алвон,
Мен сизларга қилай жонимни қурбон,
Тўтидай айладим беқарор жавлон.

Раҳм айлангиз, қўйманг мени бу ҳола,
Менинг ҳолимдан бўлинг хабардор.
Отим Орзигулдир, гул юзли дилбар,
Бу бошима раҳбар сиздир, муқаррар.

Шу сўзларни айтиб, юрагига ғамли савдолар тушиб, шундай фикрлар билан Орзигул ухлаб қолди. Тушида бир мўйсафид киши пайдо бўлди. У:— Эй Орзигул, ғам ема, мен бахт ва давлат еткарурман,— деди.

Сенга манзил қилдим бир Қушқанотни,
Тақдирингга солиб Сувондек мардни,
Сенга ҳозир қилдим Қорақулоқ отни,
Қушқанот бориб қил истиқоматни,
Насиб бўлса, тўрт ойдан сўнг кўрасан,
Оқтошнинг тўраси Сувондек мардни,—

деб, кўздан ғойиб бўлди.

Орзигул сачраб ўрнидан турди. Қараса, боғда бир Қорақулоқ от эгарланган, юганланган. Иккита яроқ: бири қилич, бири милтиқ — қанжигага илинган. Ихлос билан Орзигул турди жойидан, бориб отнинг сағрисини силади. Етаклаб уй қошига келди.

Ота-онаси кўриб:—Э қизим, совчиларнинг олди келдими?— деб ғамгин бўлиб, отаси Эрназар боғбон қизига қараб бир сўз деди:

Совчиларнинг олди, қизим, келдими?
Бу отанга берган муҳлат тўлдими?
Яхши билгил, энди отанг ўлади,
Пешин бўлди, эрта совчи келади.

У — подшо, мен — фуқаро, Орзигул,
Бошим кесиб тилла дорга илади.
Бир қиёмат кунга қолдим, болам, деб
Орзигулга боқиб, боғбон йиғлади.

Орзигул отасига бир сўз деди:

Манзил қилдим Қушқанотдай қўрғонни,
Миниб олгим Қорақулоқ ҳайвонни.
Йўлга тушсам, ўн уч кунда бораман,
Мен айтмайман, ҳеч бир сўзни — ёлғонни.

Ғойибдан бу от ҳозир бўлганди,
Тақдирима сопти Сувон ўғлонни.
Агар минсам ушбу келган ҳайвонни,
Ўн уч кунда мен кўраман қўрғонни.

Душманники деманг ушбу отимни,
Бу еткирар жуфтию йўлдошима,

Орзигул дер, қулоқ сонг нолишима,
Елғиз бош сиғмади элу хешима...
Энди турмасман тенгу дошима.

Шунда онаси:— Боққин менинг дийдоримга, тўй болам. Мен сени Шоқаландар қилайин, эркак либослар кийдирай, сочингни бошга тугдирай, бизлар бу савдони кўрдик, жон болам, энди ўзгаси кўрмасин,— деб эркакча либосларни кийдириб, қундуз сочини бошига тугдириб, бир қаландар телпагини кийдириб, отини Шоқаландар қўйдириб, тунгача йиғлашиб ўтирди.

Хуфтандан кейин Орзигулни Қорақулоқ отга миндириб, юганлаб, нўхталаб, ота-онаси отнинг юганидан ушлаб, етаклаб, қоровулсиз жойлардан ўтиб, шаҳардан ташқарига чиқдилар.

Ота-онаси:—Йўлинг бўлсин, қизим, деб тўхташдилар. Орзигул ота-онасидан йироқ тушувига кўнгли вайрон бўлиб, йиғлаб бир сўз деди:

Алишгансан мени ўғлон болангга,
Аламим кўп, эзик юракларимда.
Қўл қовуштириб турмадим хизматингда,
Онажон, рози бўл берган сутингга.

Орзигулнинг онаси:— Болам, қизим, кўрар кўзим, сендан бошқа фарзанд кўрмадим ўзим. Уғлимни ўрнига олган ёлғизим! Бу жаҳонда мен суянган фарзандим!— деб йиғлаб, ота-онаси Орзигулни кузатиб қолдилар...

Орзигул ўн икки кеча-кундуз йўл тортиб, Асқар тоққа борди. Бу ернинг бир ёғи Хосхонага, у ёғи Қушқанотга тобе эди. Бу қорли тоғдан бир кеча-кун-

дуз йўл юриб, булоқ бўйига етди. Орзигул Қинғир бо-
вага учради ва бир сўз деди:

Шоқаландар, келдим етиб,
Бу қорли тоғдан ўтиб,
Чошка вақти сизга етиб
Сўз сўзлайин от тўхтатиб.
Қушқанотни биласизми?
Адашдим мендай гумроҳ.
Шоқаландар, ўзим мулла,
Қаерда Қушқанот қалъа,
Шу қалъани биласизми?
Қушқанотда борди дўстим,
Қўрмоққа орзу-ҳавасим,
Чўлдан чўлга овораман,
Бова, Қушқанот бораман,
Қачон дийдорин кўраман,

Уша жойни биласизми?

Қинғир бованинг ҳаваси кетиб, кўзи ўйнаб, шумли-
ги тутиб:— Уғлим, ўнг юзингдан бўса берсанг, йўлни
кўрсатиб қўяман,— деб турибди....

Айтувчи: Ислом Шоир Назар ўғли.



Совет
ДАВРИДАГИ
ХАЛҚ
ШЕЪРИЙ ИЖОДИ



У аёт ҳақиқатининг энг гераг томрларидан ознқланган ўбек халқ поэзияси меҳнат кишисининг порлоқ бадий образлар билан ифодаланган фантазияси ва доншмандлиги заминда кундакунга бойиб борди. Чунки халқ доим яратади — яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам куйлайди, ижод этади.

Ўбек халқи ватанпарварлик, қаҳрамонлик, юксак инсоний гуманизм каби ғояларни баланд кўтарган нодир асарлар яратиш билан бирга, бу асарларни кўз қорачиғидек асраб асра-аср ташувчи, уларга сайқал берувчи истеъдодларни — бахшиларни ҳам етиштирган. Бу ўринда уларнинг ёзилса китоб бўладиган даражада кўп номларини келтириб ўтирмасдан, йигирмага яқин дос-

тонни ёд айтган Эргаш Жуманбулбул ўғли, ўттизга яқин дostonни ёд билган Ислом Шоир Назар ўғли, қирқ беш дostonни ёд куйлаган Фозил Йулдош ўғли, етмиш дostonни ўз хотирасида сақлай олган Пўлкан Шоир сингари атоқли бахшиларни яна бир эслатиб ўтиш кифоядир.

Буюк Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг СССРнинг бошқа қардош халқлари оғзаки ижодиётида янги, порлоқ давр бошланганидек, ўзбек халқ поэзиясида ҳам бутунлай янги саҳифа очилди. Юқорида номлари эслатилган бахшилар, революциядан сўнг бахтиёр ҳаёт куйчиси, социализм куйчиси сифатида шуҳрат қозондилар. Улар ва улар каби барча халқ куйчилари ўзларининг бор ижодий имкониятларини революция ғалабаларини улуғлаш ва совет кишининг ижодий меҳнатини куйлашга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги остида коммунизм учун, башарият ва тинчлик душманларига қарши сабот билан курашаётган кишиларнинг юксак ғоявий фазилатларини тасвир этишга сафарбар этдилар. Хуллас, ўзбек халқ ижоди гуллаб-яшнади.

Ўзбек халқининг қадимий, бой, ўзига хос оғзаки ижодиётини тўплаш ва илмий асосда ўрганиш ҳам Буюк Октябрь ғалабасидан кейин бошланди. Асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган халқ ижодининг моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги роли ва турлари каби масалаларни марксизм-ленинизм методологияси асосида ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўзбек совет фольклористикаси юзага келди.

Меҳнат ва бахт кӯшиклари

ЛЕНИН

Ё
димда ҳамиша Сен, падар, Ленин,
Кўнглимда сўзларинг жон қадар Ленин.

Денгиздай тўлғаниб, балқийди фикринг,
Эзилган элимга озодлик бердинг.

Ишчи-деҳқонларнинг доҳийси ўзинг,
Бир умр сақланар ёдимда сўзинг.

Сен элга ажойиб меҳрибон бўлдинг,
Етимлар манглайин силади қўлинг.

Сен айладинг бутун элга хизматни,
Сен туфайли топди элим ҳурматни.

Қутқардинг элимни зулму кулфатдан,
Хорликдан, зорликдан ҳам уқубатдан.

Шунинг-чун ёдимда Сен, падар, Ленин,
Кўнглимда ўзингсан жон қадар Ленин.

Барчанинг севгиси Сен, падар, Ленин,
Халойиқ кўнглида жон қадар Ленин.

Айтувчи: *Фозил Йўлдош ўғли*

МОСКВА ШАҲРИНИ КЎРДИМ

Қақирди пойтахт — Москва шаҳри,
Шу шаҳарда экан раҳбарлар бари.
Кўрган кишин қолмас дилда ғуборн,—
Остонаси улўғ шаҳарни кўрдим.

Олти кунда бордим Москвага етиб,
Бир нозанин олди бизларни кутиб,
Метрога олиб борди няртиб,—
Ер тагида ажиб шаҳарни кўрдим.

Кундуздай равшандир ҳамма жойлари,
Қушдан олдин юрар трамвайлари,
Мунаққашли — каштаварли жойлари,—
Кеча-кундуз ойдин шаҳарни кўрдим.

Ўткарди тўрт йилда хавфу хатарни,
Қарши душманларни тигдан ўткарди,
Зафар байроғини баланд кўтарди,—
Элимнинг қудратли ишини кўрдим.

Баланд чиқиб кўрдим азим шаҳарни,
Хар кўчаси ойнадай ярқирайди,

Электрлар юлдуздайн ёнади,—
Илмнинг ҳикматли жойини кўрдим.

Улуғсан, Москвам, шаҳри азимсан,
Шаҳарлар онаси — пойтахтимсан,
Элимнинг обрўи, кўрки, бахтимсан,—
Салтанатли улуғ шаҳарни кўрдим.

Партиямдир элу юртим посбони,
Пўлатдан мустаҳкам ҳар бир қўрғони,
Бу шаҳарни кўрганнинг йўқ армони,
Жаҳонга нур сочган Москвани кўрдим.

Ислош шоир ҳавасдайди кўрмоққа,
Ёшлар каби энди даврон сурмоққа.
У бахтиёр бўлди қариган чоқда,
Ғалаба кунининг салютин кўрдим.

Айтувчи: *Ислош Шоир Назар ўғли.*



ЭЛ ОРЗУСИН КУЙЛАЙМАН

Элни кездим қўлга олиб созимни,
Шу билан ўтказдим қишу ёзимни,
Халқим маъқуллади ҳур овозимни,
Эл орзусин куйлаб келган отангман.

Жонга ором берар кўклам ҳавоси,
Тўлиб мавж уради фикр дарёси,
Нурга тўлиб икки кўзнинг қораси,
Улуғ Москвани кўрган отангман.

Ҳурмат қилар мени бари қари, ёш,
Яйрадим бошимга нур сочди қуёш,
Қариганда иззат кўрди азиз бош,
Кўзларидан ёши тинган отангман.

Олис йўлга етмас эди хатимиз,
Дунёга сизмасди ғам-ҳасратимиз,
Рўёбга чиқмасди ҳеч меҳнатимиз,
Озодлик даврини сурган отангман.

Қуйларимни айтиб қилайин дoston,
Ёшликда чўл кезиб бўлганман сарсон,

Энди эллар озод, чўл бўлди бўстон,
Дўстликнинг қудратин билган отангман.

Саодат нурини сочди партиям,
Келмас ерга кетди қайғу билан ғам,
Ҳар нафасда минг-минг раҳмат десам кам,
Қариганда нурга чўмган отангман.

Кумушланиб оқар қайнар булоғим,
Жонга ором берар гуллаган боғим,
Тоғ ичида электрдан чироғим,
Шуълаларда хўп яйраган отангман.

Асфальтдир йўллари, қийналмас жонинг,
Ғўзалар мавжига тўлиб ҳар ённинг,
Бахт билан яшасанг қолмас армонинг,
Орзулар қўйнига кирган отангман.

Тинчликка йўл бошлар бу озод Ватан,
Эл меҳнати қилди Ватанни гулшан,
Юртда ҳурматим зўр биламан равшан,
Беармон даврини сурган отангман.

Айтувчи: *Абдулла Шоир.*

БОР БЎЛСИН БИЗНИНГ ВАТАН

Жаҳон кўрки, гўзали,
Боғу бўстон, мазали,
Нозу неъмат асали, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Ўттиз икки хил донимиз,
Оқ олтиннинг конимиз,
Оқ буғдойдир нонимиз, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Евларга йўл бермаймиз,
Фашистларни қўймаймиз,
Ешу қари соқчимиз, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Тоғларимиз қўрғондир,
Сойи ютар душманни,
Халқ бир тану бир жондир, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Дарёларим бор, тошар,
Евларнинг ақли шошар,

Аскар ва халқ бирлашар, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Бизда йигит сараси,
Ботирликнинг боласи,
Ортар душман ноласи, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Ботир элин бермайди,
Ёвларни соғ қўймайди,
Элу юртим гуллайди, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Отларимиз тулпардир,
Йигитимиз шунқордир,
Партия раҳбарим бордир, —
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Халқ шоири — отим Ислому,
Шеърим бўлар ёвларга дом,
Қийратамиз ёвни мудом,
Бор бўлсин бизнинг Ватан.

Айтувчи: *Ислому Шоир Назар ўғли.*

СЕЛЬМАШ

Кумушдандир қарчиғайнинг чегаси,
Азаматдир Сельмаш завод биноси.
Рабочийлар зўри бунга йиғилган,
Ударниклар ҳар машиннинг эгаси.

Рабочийлар билганини билдирган,
Билакнинг кучини шунда уйдирган,
Темирни эритиб, машинлар қуйиб,
Колхозларни шоду хуррам кулдирган.

Душманларнинг кўрагини доғ этган,
Меҳнаткашнинг вақтини бу чоғ этган,
Сельмашдан битириб чиқарган машин,
Қўриқ ётган ерларни гулбоғ этган.

Кўрса, одамнинг хаёлини олади,
Чўян, темир симобдай балқиб боради,
Деҳқончилик машинларин бу ясаб,
Пўлат зўрлик қиб, йўлга солади.

Сельмаш деганимиз ажойиб завод,
Бу ерда не қилсин ҳазрати Довуд,

Буни бино қилган ўртоқ Лениндир,
Тикилган душманни қилади нобуд...

Рабочийлар зўр ўт билан олишар,
Шундай ботир, темир билан солишар.
Ҳеч бормикан булар билан чопишар,
Ботирларни кўпайтирган Сельмашдир.

Қуйилган машинлар колхозга бориб,
Ҳайдайди ерларни ишга эндириб,
Ўз кучини қора ерга билдириб,
Инсонга енгиллик берган Сельмашдир.

Колхознинг жуда зўр ишин битказиб,
Пахта экишни яхши ўтказиб,
Куч-қувват бериб, мўл ҳосил етказиб,
Оғир ишни енгил қилган Сельмашдир.

Эркак-аёл рабочийлар баробар,
Ерлашар колхоздан бўлиб хабардор,
Колхозлар Сельмашга бўлиб харидор,
Колхозларга ҳамдам бўлган Сельмашдир.

Куч-қувватли бундай машин ерларни,
Ҳайдаб чиқар қуш учмаган чўлларни,
Кўр айтолмас бу ишларни бекор деб,
Чўлларни гулистон қилган Сельмашдир.

Ҳукуматнинг тўғри йўли билинган,
Рабочийлар гулдай яшнаб кийинган,
Оқшом бари гулбоғларда йиғилган,
Меҳнаткашга дармон бўлган Сельмашдир.

Айтувчи: *Фозил Йўлдош ўғли.*

КАНАЛИМ

Яратди боғу бўстон каналим,
Донғи кетган гулистон, каналим,
Чўлни қилар пахтага кон каналим,
Суви шакар — роҳатижон каналим.

Тарқалмоқда дунёларга шуҳрати,
Бу — элимнинг қувончи ҳам ҳиммати.
Сенга бўлсин миллионларнинг ҳурмати,
Сен берарсан ерларга шон, каналим.

Кетмонимиз ларза солар ерларга,
Лола-гуллар сочар саҳро, қирларга.
Ёзар пояндозни кенг адирларга,
Яна ўсгай Ўзбекистон, каналим.

Канал қазиш бизлар учун зўр шараф.
Обод бўлар боғу бўстон, ҳар тараф.
Биз тўхтамай босамиз олға қараб,
Сен шонимиз, виждонимиз, каналим.

УЛФАТХОН

Пахтасига боқиб қувноқдир дили,
Чаққонликман терар мустаҳкам қўли,
Пахта териб сира толмайди бели,
Ундан хурсанд Ўзбекистоннинг эли,
Етмиш саккиз ёшга кириб, э дўстлар,
Улфатхондай теримчини кўрмадим.

Этагини боғлаб олган белига,
Пахта терар боқмай ўнгу сўлига,
Партиянинг номин олиб тилига,
Ғайрат қилиб гавҳар терар кунига,
Етмиш саккиз ёшга чиқиб, ўртоқлар,
Улфатхондай теримчини кўрмадим.

Ёқимлидир унинг гўзал овози,
Чин меҳнатда файзли колхознинг ёзи,
Айниқса теришнинг ул ишқивози,
Унга мададкордир улуғ устози,
Етмиш саккиз ёшга чиқиб, дўстларим,
Улфатхондай теримчини кўрмадим.

Мавж урган дарёдай ғайрати тошиб,
Дўстлар билан мусобақа боғлашиб,
Терган пахталари тоғдан ҳам ошиб,
Гул юзига табассуми ярашиб,
Етмиш саккиз ёшга чиқиб, ўртоқлар,
Улфатхондай теримчини кўрмадим.

Олдинга босабер тинмай, Улфатхон,
Ҳалол меҳнат қилиб бўлгин қаҳрамон,
Эшитсин таърифинг олам-кенг жаҳон,
Ислон отанг айтар, қизим, бўл омон,
Етмиш саккиз ёшга кириб, ўртоқлар,
Улфатхондай теримчини кўрмадим.

Айтувчи: *Ислон Шоир Назар йғли.*

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАНГЛАР!

Бизлардурмиз бутун жаҳоннинг гули,
Юртимизнинг кўпайган қизу ўғли,
Ғайрат қилинг, боғлансин фашист йўли,
Ердам учун ёппа белни боғланглар!

Қора ният юртга бошлаб урушни,
Одат қилди халқ қонини сўришни,
Қизил аскар хўп боплади қиришни,
Ердам учун ёппа белни боғланглар!

Бирлашган кишининг устундир қўли,
Еғилсин душманга ажалнинг дўли,
Сайрасин бўстонда совет булбули,
Ердам учун ёппа белни боғланглар!

Бириккан эл ёвдан олар ўчини,
Аёл-эркак бирдай тўксин кучини,
Ғайрат қилиб бўлинг совет лочини,
Ердам учун ёппа белни боғланглар!

Ёв бағрига аямай ўт қўйингиз,
Сув деганда заҳар қўшиб қуйингиз,

Косов билан ёв кўзини ўйингиз.
Ёрдам учун ёппа белни боғланглар!

Агар шундай қилмасангиз, қул қилар,
Севгандан айириб, сизни тул қилар,
Гулдай юртни куйдириб у, кул қилар,
Ёрдам учун ёппа белни боғланглар!

Ислон ота насиҳати шул бўлар,
Фашист қонхўр яксон бўлар, кул бўлар,
Озод элим ҳар доимо ҳур бўлар,
Ёрдам учун ёппа белни боғланглар!

Айтувчи: *Ислон Шоир Назар ўғли.*

ТИНЧЛИК БЎЛУР БАРҚАРОР

Тинчликсевар халқларга
Бизнинг Ватан байроқдор!
Ер юзида мустаҳкам
Тинчлик бўлур барқарор!

Қайнар ҳаёт дарёси,
Яшар тинчлик дунёси,
Пучдир душман иғвоси,
Тинчлик бўлур барқарор!

Фашистларга йўл бўлмас,
Халқлар унга қул бўлмас,
Тинчлик офтоби сўнмас,
Тинчлик бўлур барқарор!

Москва — тинчлик пойтахти,
Ундадир халқлар бахти.
Тинчликнинг иши ҳақдир,
Тинчлик бўлур барқарор!

Айтувчи: *Ислом Шоир Назар ўғли.*

А Л Л А

Алла болам, жоним болам,
Қўзичоқларим, алла, аллаё-алла,
Овунчоқларим, алла,
Қараб турган қароғларим,
Ёниб турган чироғларим, аллаё-алла!

Тол ичидан танлаб олган
Тол човконларим, алла,
Гул ичидан искаб олган
Гул райҳонларим, алла, аллаё-алла!

Биринг — ўғил, биринг — қиз, —
Қўшалоқларим, алла,
Ўсиб-унинг, олай баҳра,
Чақалоқларим, алла, аллаё-алла!

Оналарнинг меҳри билан
Кенг жаҳонлар бўлар равшан,
Сизлар мактабга боргунча
Чўл-биёбон бўлар гулшан, алла,
аллаё-алла!

Эркалайман мен ҳар маҳал,
Аллалайман саҳар вақти,
Биринг — қандим, биринг — асал,
Она бахти — бола бахти, алла,
аллаё-алла!

Дилдагини айтаурсам
Тилим етмас, алла,
Шодлигимни айтаурсам
Умрим етмас, алла, аллаё-алла!

АНОР ҚИЗ

Дарёларнинг ул юзида
Бўтакўзми, ёр-ёр,
Кетмонларни ярқиратган
Тўда қизми, ёр-ёр.

Тўда қизнинг қўшиғига
Қулоқ солинг, ёр-ёр,
Яйраб айтган ялласидан
Баҳра олинг, ёр-ёр.

Дарёларнинг ул юзида
Жамбул райҳон, ёр-ёр,
Айтадиган бир сўзим бор,
Ўзинг билгин, ёр-ёр.

Кулиб-кулиб гапирганнинг
Оти Анор, ёр-ёр,
Аноргулнинг ҳар сўзидан
Боллар томар, ёр-ёр.

Анор учун ичим тўлиб
Олов ёнар, ёр-ёр,

Дўстим, сенга айтар бўлсам
Меҳрим қонар, ёр-ёр.

Дарёларнинг ул юзида
Турган гўзал, ёр-ёр,
Шаънингизга айтиб эдим
Битта ғазал, ёр-ёр.

Ғўзаларга сув қуйишнинг
Вақти бордир, ёр-ёр,
Сизга кимки ўртоқ бўлса
Бахти бордир, ёр-ёр,

КОЛХОЗ ЧУПОНИ

Қир-адирда ўтлар менинг қўю қўзим,
Яшил яйлов, чашма-булоқ юрган изим,
Қашқирларни йўлатмайди олғир тозим,—
Мен бахтиёр совет элин чўпониман.

Улфатимдир кеча-кундуз қўлда созим,
Ҳайқирганда тоғдан ошар зўр овозим,
Сурур билан ўтар менинг қишу ёзим, —
Мен бахтиёр совет элин чўпониман.

Бу ҳайдалган суриларим — эл давлати,
Юлдуз каби кўринади қўй савлати,
Кўпи эгиз бўлса, чўпоннинг ғайрати, —
Мен бахтиёр совет элин чўпониман.

Олтиндан ҳам баланд турар қоракўлим.
Қайга юрсам, менга ҳамроҳ ўтлов йўлим,
Баракага тўлиб юрар соғу сўлим, —
Мен бахтиёр совет элин чўпониман.

Мен биламан, қасдимдадир оч бўрилар,
Қулай топса чанг соладир ул ўғрилар,
Ҳушёр чўпон ўғриларни хўп тўғрилар, —
Мен бахтиёр совет элин чўпониман.

Тоғ-адирлар, кенг увалар менинг уйим,
Ҳалолликдан мингдан ортди тўққиз қўйим,
Тортганимда ўн тош кетар қўлда найим, —
Мен бахтиёр совет элин чўпониман.

Ислом шоир бобонгиз ҳам бўлган чўпон,
Қўй ортида юриб сидқи куйин топган,
Шунинг учун ҳар бир сўзим элга ёққан, —
Мен бахтиёр совет элин чўпониман!

Айтувчи: *Ислом Шоир Назар ўғли.*

ЗВЕНО БОШЛИҒИ

Звеновой айни саҳар чоғида,
Деразамни аста чертиб, тур, деди,
Уйқунгни оч, боқ далага, отди тонг,
Нашъали тонг лаззатини сур, деди.

Сен фурсатни уйқуга бой бермагин, —
Сенга менинг насиҳатим шул, деди.
Вақт ғанимат, гофил бўлиб ётмагин.
От бошини тез зафарга бур, деди.

Кенг пахта майдонда ғўза орзиқиб.
Бизни кутар, юр, ғўзага юр, деди.
Шуъла сочар юртга башар қуёши,
Йўлларимиз оппоқ-ойдин нур, деди.

Планни бажармоқ учун иккимиз,
Едингдами, беришганмиз қўл, деди.
Мусобақа боғлашганмиз, унутма.
Мусобақа ғалабага йўл, деди.

Оқ олтиннинг қимматини англагин,
Узи олтин, ҳар толаси дур, деди.
Олтину дур дедим, адашдим,
Белга қувват, кўзларингга нур, деди.

Айтувчи: Ислоҳ Шоир Назар ўғли:



Шингил кўшиқлар

Ленин йўли йўл экан,
Бу йўл тўла нур экан,
Эркин, қувноқ яшашга,
Энг тўғри йўл шул экан.

* * *

Ленин: «Кўзинг оч!» деди,
«Нодонликдан қоч!» деди,
«Ҳақиқатни тушуниб,
Илм нурин соч!» деди.

* * *

Совет қонунин тузган,
Эскилик йўлин бузган,
Золимлар бағрин эзган, —
Яша, Совет ҳукумат!

* * *

Хатирчининг йўлида
Қишлоғи бор Тасмачи,
Юртни вайрон айлади
Уйинг куйгур босмачи.

* * *

Гум бўлсин, гумрон бўлсин
Босмачи тамом бўлсин.
Босмачини қийратган
Ботирлар омон бўлсин.

* * *

Тилла сандиқ очилди,
Бодомлари сочилди;
Паранжим ташлаганда
Юрак-бағрим очилди.

* * *

Оличани гуллатган
Баҳорингдан айланай,
Хотин-қизни яшнатган
Ҳукуматдан ўргулай.

* * *

Айланаман Советлар
Ишчи-деҳқон отаси,
Биз ёшларга йўл очган
Коммунистлар фирқаси.

* * *

Ғўзамизнинг ичида
Бегона ўт ўсмасин,
Озодликнинг йўлини
Руҳонийлар тўсмасин

* * *

Эшон сўзи лоп экан,
Ҳар чўнтаги қоп экан,
У дунё деб қўрқитиб,
Ўзи дўзахбоп экан.

* * *

Юзимдаги чимматни
Ташлаганим-ташлаган,
Советларнинг даврида
Яшнаганим-яшнаган.

* * *

Эшигимни олди айланма кўча,
Мен кулсам — кулади гул билан ғунча,
Озод бўлдим, ғам-аламдан қутулдим,
Шодлигимни қутлай то ўлгунимча.

• • •

Фабриканинг йўлида
Рўмолча топиб олдим,
Топиб олди деманглар,
Меҳнатга сотиб олдим.

• * •

Фарғонада ой ботар,
Марғилонда тонг отар,
Фабриканинг қизларин
Первой гудок уйғотар.

• • •

Юринг, ўртоқ, булоққа,
Ювамиз юзу қўлни,
Мана шу беш йилликда
Бўстон қиламиз чўлни.

• * •

Қаналга сув бойлансин,
Чўллар боққа айлансин,
Янги ерлар очилиб,
Оқ олтинлар тойлансин.

• • •

Москванинг йўлида
Ҳилпилласин кўйлагим,
Далада ўзим бўлсам,
Кремлда юрагим.

* * *

Саҳарда турган шамол
Гуллар ҳидини сочар,
Москва қўшиқлари
Баҳри-дилимни очар.

* * *

Баҳор келиши билан
Колхоз даласи яшнар,
Кузда пахтаси осмон
Тўла юлдузга ўхшар.

* * *

Ер ҳайдасанг, куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда,
Кузда ҳайдасанг ерни,
Колхозга бўлар фойда.

* * *

Колхозда биз яшаймиз,
Ширмон нонни тишлаймиз,
Бизга тўсиқ бўлганнинг
Миясига муштлаймиз.

* * *

Колхоз ака, йўл бўлсин?
Бу йил пахта мўл бўлсин!
Бизга душман бўлганларнинг
Иккала кўзи кўр бўлсин.

* * *

Колхоз ака, йўл бўлсин?
Дўппингиз қутлуғ бўлсин!
Эккан амирконингиз
Чаккангизга гул бўлсин.

* * *

Пахта терсанг тоза тер,
Чаноғида қолмасин.
Чечан теримчи қизлар,
Қўлинг синсин, демасин.

* * *

Эшик олди гул ҳовуз,
Гул тергани келганмиз;
Шартномани текшириб,
Қўл қўйгани келганмиз.

* * *

Қуёш чиқар мўралаб,
Пахта гулини тараб.
Завқим ошиб кетади,
Ўз меҳнатимга қараб.

* * *

Мен кетаман кўриб қол,
Орқа сочим ўриб қол.
Соғинганда кўрарсан,
Суратимни олиб қол.

* * *

«Гулёр»га сол созингни,
«Баёт»га сол бозингни,
Жоним, қўшиғинг бошла.
Эшитай овозингни.

* * *

Ерим севаман сизни,
Пахтакор дейди бизни
Аввал баҳор сўз бериб,
Унутманг ваъдангизни.

* * *

Қизгина, белинг толма,
Юзларинг қизил олма,
Элга ёқайин десанг,
Ҳалол меҳнатдан қолма.

* * *

Ҳаводаги уч ўрдак,
Учаласи ҳам бирдак,
Бизнинг колхоз қизлари
Очилган қизил гулдак.

* * *

Силкинади мажнун тол,
Шохларини эгиб ол,
Шундай замонда сен ҳам
Яхши иш кўрсатиб қол

• • •

Қошимга кўп қарадинг,
Қошим қораси ўсма.
Минг ялинсанг тегмайман,
Дангаса, йўлим тўсма!

• • •

Ишлаш учун бемадор,
Тишлаш учун зарбдор,
Шунинг учун хору зор
Бўлиб қолар дангаса.

* * *

Раис акам хотини
Далада ишламайди.
Ишлар эди далада,
Пардоздан бўшамайди

* * *

Орден олибсиз, ёрим,
Озодлик урушида.
Мен ҳам орденли бўлдим
Колхозимиз ишида.

* * *

Сочларимни тарайман,
Қизил рўмол ўрайман.
Фронтдаги ёримнинг
Йўлларига қарайман.

* * *

Ҳаводаги юлдузим,
Сувга тушди қундузим,
Ой бориб, омон келсин
Ёвни енгиб ёлғизим!

* * *

Ўсма кетар, қош қолар,
Сурма кетар, кўз қолар,
Хафа бўлманг, онажон,
Душман ўлиб, дўст қолар.

* * *

Тўпичоқни минганда,
Тез юришга қистаймиз.
Яшнамоқда гул турмуш,
Биз тинчликни истаймиз.

* * *

Онаману, онаман,
Болам учун ёнаман,
Болам тинчликда ўсса,
Орзуларга қонаман.

* * *

Партия ҳурлик берди,
Дўстлик ҳам бирлик берди.
Ёшу қари — ҳаммага
Бахтни умрлик берди.

* * *

Бизнинг ерларда баҳор,
Баҳорнинг нашъаси бор.
Совет ўғли, қизлари
Партиядан миннатдор.

* * *

Кўринган кимнинг боғи,
Қайнар меҳнат булоғи,
Яшнаб-ёниб туради
Коммунизм чироғи.

* * *

Етти йиллик улуғ етти карвон бўлди,
Янада йўл-йўриғимиз равон бўлди.
Янги йилнинг янги ойи келди қутлуғ,
Ракетамиз олам бўйлаб дoston бўлди.


* * *

Қизгалдоқнинг унар жойи қия, адир,
Бизда ҳар ким ўз ишига уста, қодир.
Эл айтгандай етти йилнинг ҳар бир йили,
Шоҳи белбоғ боғлаб турган бир баҳодир

* * *

Мамлакатим мамлакатлар гўзалидир,
Тинчлик сўзи шоирларнинг ғазалидир.
Етти йиллик планимиз ҳар бандини
Айтаберсам бир-биридан мазмунлидир.





Халк мақоллари

О
на юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.



Қоматига ишонган,
Қаддин букиб кетади.
Қўпчиликка ишонган,
Тилагига етади.

* * *

Нолиш билан иш битмайди,
Мард номардга тиз чўкмайди.

* * *

Евдан қўрққан — ёвга дўст,
Элни суйган эрга дўст.

* * *

Йигит келса, ишга,
Қари келса, ошга.

* * *

Елғиз отнинг чанги чиқмас,
Чанги чиқса ҳам донғи чиқмас.

* * *

Бирлашган ўзар,
Бирлашмаган тўзар.

* * *

Дўст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

* * *

Эсинг борида эл тани,
Кучинг борида ер тани.

Жондан кечмасанг, жонона қайда,
Тоғларга чиқмасанг дўлона қайда.

* * *

Ишликнинг иши битар,
Ишсизнинг куни ўтар.

* * *

Ер ҳайдасанг, куз ҳайда,
Куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

* * *

Сўздан сўзнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

* * *

Яхши сўз — жон озиғи.
Ёмон сўз — бош қозиғи.

* * *

Кўп билган, оз сўзлар,
Оз сўзласа ҳам, соз сўзлар.

* * *

Яхши сўзга қулоқ сол,
Ёмон сўзга улоқ сол.

* * *

Оталар сўзи —
Ақлнинг кўзи.

Достонлар

Ў

збек совет халқ поэзиясида Улуғ Октябрнинг ғалабасидан сўнг қардош совет халқлари оиласида озод ва бахтиёр ҳаёт қуришга бел боғлаган ўзбек халқи кечмиш ва кечирмишларининг гўзал ифодаси бўлган қўшиқ ва термалар билан бир қаторда, янги эпик достонлар ҳам яратила бошланди. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Уртоқ Ленин», Фозил Йўлдош ўғли куйлаган «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Очил — дов», Пўлкан Шоир айтган «Ҳасан батрак» каби достонлар шулар жумласидандир.

1920 йилларда ёзиб олинган, халқ эпик традицияларининг ижодий тақомилидан иборат бўлган бу достонларнинг ўзига хос

хусусиятларидан бири—уларнинг документал характерга эга эканлигидир. Қаҳрамонлар номи ва тасвир этилган воқеа бевосита ҳаётдан олинган, дoston бахшининг таассуротлари ва ёки айни воқеага иштирок этган кишининг хотиралари асосида ёзилган. Бу ҳол яратилган янги дostonларнинг ғоявий-бадий аҳамияти ва актуаллигини бир неча марта оширган.

«Уртоқ Ленин» дostonида совет халқига озод ва бахтли ҳаёт келтирган Улуғ Октябрь социалистик революцияси, шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг асосчиси ва доҳийси В. И. Ленин зур самимият билан улуғланади.

«Жиззах қўзғолони» дostonида зулмга қарши бош кўтарган халқнинг 1916 йил қўзғолони тасвир этилади. «Ҳасан батрак» дostonининг асосида эса барча машаққатлардан ғолиб чиққан, совет даврида янги ҳаёт даражасигача кўтарилган Ҳасан батракнинг саргузаштлари ётади. Бу асарларнинг ўзбек совет адабиёти тарихидаги роли ҳам каттадир.

Қуйида «Уртоқ Ленин», «Жиззах қўзғолони» (парча) ва «Ҳасан батрак» дostonлари босилади.

УРТОҚ ЛЕНИН

Ўлтиришга бир ҳикоят айлайин,
Уртоқ Ленин ишин сўзман бошлайин,
Ленин номи баланд турар, ўртоқлар!
Бошқа сўзни энди кейин ташлайин,
Ленин десам, кўнглим равшан бўлади,
Достон айтиб кўпнинг кўнглин хушлайин.

Бу чоққача қанча замонлар ўтди,
Қанча подшо, амир ҳам хонлар ўтди.
Йўқ-йўға, камбағал билан иши йўқ,
Элни вайрон қилиб хоқонлар ўтди,
Оқ ит билан қора ит — бари бир ит,
Ўз кайфини суриб султонлар ўтди.

У замонга боқсанг, сон-сон воқеа,
Ҳар қишлоқда, ҳар шаҳарда ҳодиса,
Оч-ориқдан хабар олмас бир киши,
Бир эр чиқиб, айтолмайди — бу нима?

Николай даврида бой замон бўлди,
Камбағаллар иши кўп ёмон бўлди.
Қаттиқ кунлар кўриб қашшоқ, бечора,
Билсанг, хору зору беватан бўлди.

Бойнинг ишин қиш, ёз тинмай қиларди,
Килмаганда нима илож қиларди?
Бири новча, ё хизматкор, бири қул,
Пул, мол бермай қуруқ дуо қиларди.

Маишату, кайфу сафо бир ёқда,
Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда,
Ҳеч сони йўқ мунглуқларнинг азасин,
Базму ишрат, созу наво бир ёқда.

Еронлар, замона шундай бўп озди,
Зулмин жуда муҳтожларга ўтказди,
Оч-ориқнинг ҳоли танг бўп юрганда,
Раҳбар бўлди Ленин ўртоқ, шаввозди.

Ўртоқ Ленин, дўстлар, дунёга келди,
Уриниб, илмга кўп хизмат қилди.
Дунёнинг шавқини илмда билди,
Файрат қилди, кўп илм ҳосил қилди.

Кўп ўқиди Ленин, кўп мулла бўлди,
Муллалар ичида кўп аъло бўлди.
Илмдан кўп нафлар топиб, ёронлар,
Гўёки, бир булбулигўё бўлди.

Кўп ўқиди, дўстлар, илмни топди,
Илмдан беадад билимни топди,
Илмдан илм ҳосил қилиб, ёронлар,
Неча илмсизнинг обрўйин ёпди.

Ҳамма илмни билди, илм қолмади,
Бу одам билмаган илм бўлмади.
Ешлигидан олим бўлиб ҳаммага,
Дунёни бирорта кўзга илмади.

Комил бўлиб, элга кўп аралашди,
Иш ўргатиб, бир нечага ёрлашди,
Оч-ориқнинг ҳолин кўриб, раҳм этиб
Камбағалга, муҳтожга ҳамдамлашди.

Қараса, замонни золим жойлаган,
Золимлар ўзини обдан шайлаган,
Ким дунёдор бўлса, замон шуники,
Дунёси йўқларни кўздан тайлаган.

Ленин кўрса, йўқнинг сўзи ўтмайди,
Шўр бошига битта тана битмайди.
Бел қувватин сарф этиб, ким тер тўкса,
Бечорага бир кун овқат бўлмайди.

Ленин ўртоқ кўрса, меҳнат бу ёқда,
Меҳнатнинг фойдаси — роҳат у ёқда,
Қулдан зиёд ишлатади йўқларни,
Дунё учун йўқлар бир қул сиёқда.

Бирини завод, бирини фабрика қурган,
Ҳисобсиз давлатга ул эга бўлган,
Бу давлатлар йиғилгунча, ёронлар!
Минг-минг ишчи бунда бўлгандир қурбон.

Бир хилига кўп подани боқтирган,
Еки тоққа, ё чўлга улоқтирган,
Кўп ёймабсан, семиртмабсан, — деган-да,
Уришиб, сўкиб, кўздан ёшин оқтирган.

Мен айтайин кўрганим ҳам билганни,
Қамбағалнинг шўр бошидан ўтганни,
У турмушдан бирор асар қолмади,
Сизга айтай унутилиб кетганни.

Пулини юбориб ўзи ётарди,
Қамбағаллар меҳнатини қиларди,
Қанча фойда чиқса, бойлар об қўйиб,
Чирпиниб, камбағал қуруқ қоларди.

Бир хилини қўй боқтириб — чўпон қиб,
У бечора дала, даштда ватан қиб,
Минг қўйини болалатиб об кеса,
«Эгиз туққан қўзилари қани?!» — деб.

«Сен қўйимдан кўп ўғирлаб сотибсан,
Сен, баччағар, бу йил бой бўп кетибсан!»
Ҳақин бермай уришиб-уришиб сўрарди:
«Эгиз туққан қўзиларни нетибсан?»

Сўкиб айтар: «Оббор, итнинг ошини!
Далада хўп ебди, қўйнинг гўштини,
Менинг қўйим кўпи эгиз туғади»,
Деб йиғдирар хушомадгўй кишини.

Хушомад қиб, улар айтар: «Рост, — дейди.
Бойнинг қўйи бу йил семизмас» — дейди.
«Бойнинг қўйи кўпи эгиз туғади,
Шу чўпонга ит оши ҳам бас!» дейди.

Чўпон шўрли шунда шошиб қоларди,
Бойлар жуда талтайишиб қоларди,
Айтолмайди «ҳақим бор», — деб бечора,
Билган сўзидан адашиб қоларди.

Бир хилига об берган тўрт-беш туяни,
Туя деган жонворнинг йўқ зиёни,
Бўронларда, совуқларда ҳайдатган.
Унинг еган совуқларин қўй, они.

Уйда ётиб ҳисоблади фойдани,
Золим бойлар бўлиб юртнинг шайтони,
Ҳар ҳафта ҳисоблаб олиб туради,
Йўқнинг ҳақи бўлиб ичган, егани.

Бир хилларга берган сонсиз азобни,
Тўрт минг, беш минг пулин тинмай қўзғаган.
Ҳафта қарор, ой қарор қиб фойдалаб,
Ҳарна бўлган фойдасини бой олган.

Ҳар ҳафтада уч одамдан киришиб,
Йўқ бечора чирпиниб қуруқ қолган.
Шу суратда ҳар қандай қиб нон топса,
Йўққа ҳеч йўқ, барисини бой олган.

Бирин бозорчи қиб, бировин аттор.
Дунёдорда, қараб турсанг, ҳарна бор.
Ҳарна қилса нафини ўзига қаратиб,
Меҳнат қилиб, қуруқ қолган хизматкор.

Йўқ бечора тинмай меҳнат қилгандир,
Ҳарна фойда бўлса, бойлар олгандир.
Ё ойликми, ё йилликми, камбағал,
Меҳнат ҳосилидан қуруқ қолгандир.

Емай-ичмай, тирикликсиз туrolмас,
Еб-ичишга қишда овқат тополмас,
Бойга эланиб, қарзга пул сўраса,
Бой, баччағар, фойдасиз ҳеч мол бермас.

Бирга икки бўлди фойда расими,
Унга ҳам кўнмайди нафас босими,
Фойдахўрнинг моли шундай кўпайди,
Бойлар олган юртнинг баланд-пастини,

Бугдойнинг бир қопин берди уч қопга,
Икки копга берса, қўшар инсофга,
Шундай қилиб, расм бўлди судхўрлик,
Бойнинг нафи бўлди, кўрсанг, ҳар бобга.

Қайтсин йўқ, олмаса куни ўтмайди,
Қалта ип бойловга сира етмайди.
Бир қопини уч қопга олади,
Улгунча бўйнидан қарзи кетмайди.

Бир камбағал, бойдан қарздор бўлсин-чи.
Қутулолмас фойдасидан ўлгунча,
Ой туғдими, бу ҳам туғиб туради,
Умри ўтар, шу пулдан қутулгунча.

Топганини қарзга бойга беради,
Қиш билан ёз тинмасдан йўқ юради,
Қанча меҳнат қилса, йўқнинг тани ул,
Уйда ётиб хузурин бой кўради.

Бир қашшоққа бир бой юз сўм пул берган,
Беш, олти ой топганини еб юрган.
Фойда туғиб кўп бўп кетган шу юз сўм,
Туғадиган пули ўн мингга етган.

Бой айтади: «Бутун бергин пулимни,
Қўп сўйлатиб қичитмагин тилимни,
Ҳисобласанг моли-жойинг етмайди,
Хўп ўзинг биласан менинг ҳолимни».

Йўқ айтолмас: «Пулинг боши юз сўм-да,
Ундан бошқа қандай пулинг бор менда,
Беш йил сенга топганимни мен бердим,
Сен обқўйиб, бемол бўлдим, шарманда».

«Шу йил юз сўм, кейин бердим икки юз,
Икки йилдан сўнг олдинг-ку, беш юз.
Сўнг икки йил минг сўмдан қилиб бердим,
Қандай пулинг қолар? Мендан умид уз!»

Ундай деб айтолмас: «Фойдалаб қўйинг,
Тезроқ олмасангиз оларсиз кейин,
Молим бўлса, берар эдим мен сизга,
Ҳеч нарсам бўлмаса, сизга не дейин?»

«Бўйним кучли, фойдасиман қўя бер!
Пулинг қанча кўпайса ҳам уя бер!
Мен ҳам уйга, қирга чопиб кўраини,
Боз устига байтал, чўбир, туя бер!»

Бой айтади: «Сенинг пулинг кўп бўлди,
Энди қутулмассан, беҳисоб бўлди.
Сенинг ўзинг берганинг йўқ қора пул.
Нечов сендай бераман деб, еб бўлди.

Энди, ука, юр биз билан қозига!
Оббораман шу қозининг ўзига,
Ҳар келганда бир қўйимни еб кетган,
Қози ҳурмат қилар еган тузига.

Мен тилингдан бир иқрор хат оламан,
Ҳовлингни, ерингни гаров қиламан,
Шу бу йилдан қолдирмайман пулимни,
Ундириб, барини сендан оламан!»

Камбағалнинг энди кетар ҳисоби,
Бойга ўрин бўлмаё эланган гапи.
Бой ҳисоблаб юрган ўзин кўнглида,
Еру ҳовли асли бойнинг матлаби.

Олиб борар бечорани қозига,
Қози ўйнаб бойнинг чалган созига,
Камбағал шўр бўзлаб-бўзлаб йиғлайди,
Бой қарамас унинг кўпу озига.

Қозига бой айтар: «Шунда пулим бор,
Бу қаллоб, ўзакли жонда ўлим бор,
Қарзи билан жонни бермай қутулмас,
Менинг ҳам уйимда қизим, ўғлим бор.

Ўн минг сўм пулим бор — қарзи ҳасана,
Ё мункир бўп улай-булай десана.
Фойда туғиб, кўп бўп кетар, ўйлагин,
Кўпаймасин, бунинг олдин олсана!»

Қози сўрамайди. боши на энди,
Ё пули аввалдан ўн минг сўммиди?
Бойнинг пулин бер! — деб, ҳукм қилади,
Бўлмаса оббориб қамагин! — дейди.

Зор йиғлатиб олиб берар ерини,
Камбағалнинг манғайида борини,
Қози, бек ҳам бари бойга бўлишар,
Тингламайди бойлар йўқнинг дардини.

Шундай қаттиқ кунлар тушиб бошига,
Фалак титраб йўқларнинг нолишига,
Золим бойлар мазақ қилиб куларди,
Раҳм келмай муҳтожларнинг ёшига.

Ленин кўрса, камбағаллар меҳнатда,
Бу меҳнат ортидан бойлар роҳатда,
Йўқ кўролмас, бу роҳатнинг бир кунин,
Умри ўтар ўлгудай бўп хизматда.

Қурбонликка, худойига айтмайди,
Бир тўй бўлса, йўққа хабар етмайди,
Камбағалнинг несин одам дейсан, — деб,
Муҳтож бечорани писанд этмайди.

Ҳар қаерда камбағалнинг куни йўқ,
Рост гапирса, айтар, битта чини йўқ,
Ана шундай хўрлаган бой йўқларни,
На сурат бор, на ҳиммат бор, сини йўқ.

Мана шундай эди йўқларнинг ҳоли
Хазон бўлиб, сўлган эди жамоли,
Кеча-кундуз золим, қонхўр зулмиди,
Вой демоққа келмас эди мажоли.

Ленин ўртоқ кўрса, йўқлар хор бўлган,
Пулдор эшигида интизор бўлган,
Бола-чақасиман бари хизматкор,
Бир хиллари қулдан ҳам бадтар бўлган.

Камбағални кўрса эътибори йўқ,
Қанча ишни қилса сўкар, ори йўқ,
Бахт, давлат золим бойлар қўлида,
Камбағалга келмоқ ихтиёри йўқ.

Дехқонларнинг ҳоли шундайин ўтган,
Шафқатсизлар илигин сўриб ютган,
Мен сизларга несин айтай, ёронлар,
Не йигитлар қарол бўп, сўлиб кетган.

У вақтлар эзилган камбағал бўлди,
Қашшоқларга бойлар кўп тараф бўлди,
Қош билан киприкни олди золимлар,
Камбағалнинг моли бир соқол бўлди.

Ким йўқ бўлса, унда ҳузур қолмади,
Камбағалга ҳеч ким ҳомий бўлмади,
Иzzат-ҳурмат, обрў — бари пулдорда,
Йўқларни ҳеч кимса кўзга илмади.

Қози, муфти—бари бойнинг чокари,
Камбағал шўр аввалдан хизматкори,
Иши ёқмай меҳнат қилган йўқларга
Ленин ўртоқ чиқиб, бўлди раҳбари.

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,
Бир нечага замонани сўйлади,
Қачонгача оқар,— деди,— кўз ёши,
Инқилобга белин маҳкам боғлади.

Ленин, энди, инқилобга бош бўлди,
Ленин сўзи ҳаммага кенгаш бўлди,
Ҳар сўзидан минг маънони топган сўнг.
Ленин номи буларга йўлдош бўлди.

Текис, кенгдан бир йўл солгандир Ленин.
Бойнинг ҳушин бошдан олгандир Ленин.
Шу йўл билан донг чиқариб дунёга,
Эзилганга раҳбар бўлгандир Ленин,

Уртоқ Лениннинг ҳар сўзин
Бир дoston қилмоқ керак.
Сидқидилдан таърифин,
Мадҳин баён қилмоқ керак.

Уртоқ Ленин фикри мудом
Мазлумларни озод этмоқ,
Озод бўлган эллар унга
Сидқин аён қилмоқ керак.

Бечора мазлумлар учун
Сонсиз жафолар чеккан ул,
Хизмат қилиб, унинг руҳин
Кўп шодмон қилмоқ керак!

Овора бўлган эл учун
Кўп қийнади ўз жонини,
Айтган сўзин раҳбар қилиб,
Йўлга равон бўлмоқ керак.

Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли.

«ЖИЗЗАХ ҚУЗҒОЛОНИ» ДАН

У ар қишлоқ неча уй эканининг ихтиёри элликбошида бўлиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, беш уйга бир одамдан сола берди. «Қим талаб қилса, борсин, бормаган киши олти юз сўмдан пул берсин», деди. У вақтда одамлар олти юзни кўрмоқ тугул, бировнинг санаётганига ҳам кўзи тушган эмас... «Бизга ўхшаган камбағални тўпнинг оғзига бойлаб берар экан, бу нима деган гап? Бой — ўзига тузук кишилар чиқимдан қолса, камбағалларнинг меҳнат қилиб қайта-қайта чиқим бериб юргани озми? Зиёд давлат бермай, бизни худо қисган экан. Йиқилганни тепиб ўт, деб подшо ҳам меҳнаткашни қирар экан. Бойларнинг қўйи, моли кўп. «Менга атаб қўй сўйди», деб худонинг ҳам димоғи

бойдан чоғ бўлар экан; «Унинг давлати катта», деб подшо ҳам бойни ҳурмат қилар экан», деб ҳар йиғинда бир неча сўзлар гапириляётир:

Бу сўзларга йўқдир менинг тоқатим,
Беҳуда йўқ берадиган давлатим,
Кўп бўлди дунёда кўрган меҳнатим, —
Бу халқдан кетмади зулм, кулфатинг!
Нима қилса, қилсин энди амалдор,
Элликбоши гапни билгин мухтасар,
Бундан ўзга сўзинг бизга не даркор?!
Хоҳ куйдир, хоҳ ёндир, баччагар!
Халққа юк бўп турган ўзинг — балосан,
Меҳнаткашни ёнган ўтга соласан.
Куйиб кетдик энди давлат дастидан,
Ўзим ўлмай, кейин қайтиб турмайман!
Пул топмайин сенинг олдинга тушиб,
Зулм билан мардикорга бормайман!
Бола-чақам етим-есир қилмайман!

Туркистоннинг ҳамма ерида шу гап: Жиззахда, Самарқанд теваараги: Қорадарахтда, Боғдон, Поришда, Найман, Туркман, Фарғона мамлакати ва Тошкентда — Сир ёқалаб ўзбек, қозоқ — ҳамма норозилигини кўрса-тиб турибди. Жиззах теваарагида темир йўл рабочийлари — рус пролетариати большевиклар партияси қувватини, халқнинг норози бўлганини дўст тутиб гапирганлар, ҳар ерларда ҳам шундай сўз бўлган. Бу сўз оғиздан оғизга, элдан элга, ҳамма халққа тарқаб кетди. Биров билардан, биров билмасдан бугапларни гапириб ётди. «Подшонинг қуввати кетган эмиш, лашкари ҳам озайиб, айтганига юрмаётган эмиш. Энди бунга пул, одам берсак, тагин бошимизга бадтар бало

бўлади, бу балодан ўзимиз қутулолмай юрганимизда, пул, одам бериб, буни қувватлаб турмаймиз! Мана атрофда қанча халқ бор, унда қандай бўляпти»,— деб бир-биридан хабар олиб юрибди. Бу сўзни маъқул қилиб Жиззахда қўзғолон бўляпти. «Жиззахга йиғилиб борамиз. Тупроққўрғонни ўртага оламиз, подшонинг ёрдамчиси бўлган одамни нобуд қиламиз»,— деб ҳамма халқ ҳаракатга кирди.

Бир неча отли, бир неча яёв
Йиғилмоқчи бўлди Жиззах устига,
Одам келиб бир-бирига дуч бўлди,
Холиядан Тойир Чўлоқ бош бўлди.
Урушга ўзини чоқлади толиб,
Ўроқ-калтагини қўлига олиб.
Милтиғи бор милтиғини олади,
Душманнинг қўлидан не иш келади?!
Ҳар бир қишлоқ бўлган сўзни эшитиб,
Бир-бирига қўшилиб боради.
Йиғилинг, юринглар Жиззах устига,
Йиғилганда не кунларни солармиз,
Бешқувурнинг қўрғонини олармиз.
Уруш қип, қўрғонни босиб олган сўнг
Ҳамма бирдай яроқли бўи қолармиз.
Қулоқ сонг, оғайни, сўйлаган сўзга,
Урушли кун йўлдош бўласиз бизга,
Юқорида хабар кетди қирғизга,
Ҳамма халқда бордир шундай ҳаракат.
Бир аломат уруш бўлсин аросат,
Келаётир Пишағар билан Равот,
Подшо бошлаб бўлди бизларга душман,
Йўлиққани қилиб кетсин пушаймон.
Қудуқча ҳам келаётир Ардахшон,

Юқори — Сангзорда одам қўйилган,
Ғамли бўлса тортар эди оҳу вой,
Юқоридан бош бўп чиқди Қурвонбой.
Уруш излаб бунинг кўнгли жўш урди,
Қатта-кичик Қўштамғали қўшилди.
Тоғнинг тангсида шердайин бўлиб,
«Урушда келарман ҳаммага ғолиб»,
Не одамлар чиқаётир элатдан,
Қурвон полвон билан баравар бўлиб,
Душман кўрса билмаганин билдирди,
Ханжар урмай бағрин қонга тўлдирди,
Оқпошшонинг ёрдамчиси, деди-да,
Сангзордаги **тоғ** бегини ўлдирди.
Жам бўлиб, энкайиб энди жўнади,
Жиззахнинг урушин ҳавас қилади.
Ҳар қишлоқдан чиқиб одам қўшилиб,
Оздан, келаётир, энди кўпайиб.
Қари-қартанг кўрса ақли шошиб,
Бир нечалар юрар йўлда адашиб,
Келиб қолди Бошқўриққа ёнашиб.
Бошқўриқ ҳам бунда ётган кўп элат,
Бу ерда ҳам бўлиб ётган маслаҳат.
Отланиб чиққандир неча йигитлар,
Келаётган кўп одамга дуч бўлиб,
Бошқўриқ халқига Қўшоқ бош бўлиб,
Эл йигилиб, дарёдайин тошди, деб,
Тошохирдан Жиззах қараб ошди, деб,
Уруш бўлса аралашиб қолай деб,
Не йигитлар энди бундан жўнади,
Кўпнинг бири бўлиб бирга юрай, деб. . .

Буларнинг ҳаракат қилиб ётганини кўриб, Чибор деган ерда халққа Мавлон бош бўлиб, бунда ҳам масла-

ҳат бўлиб: «Жиззахда одамлар йиғилаётган эмиш, юқоридан Хусантуянинг боласи — Қурвонбой бош бўлиб, улар Жиззах бориб, подшога қарши уруш қилганда биз қараб турагимиз», — деб бир сўз айтиб турибди:

Эшит, қариндошлар, айтган додимни,
Подшоларга қарши сиёсатимни,
Урушда кўрсатай бу ғайратимни,
Кўнгли боринг, эгарлай бер отингни.
Чибор элда сира Мавлон кўмилмас,
Бой билан амалдор дамани емас,
Урушни айладим кўнглимда ҳавас,
Кўзимга кўринмас менинг баланд-паст.
Бундай ишлар кўрқоқларга қийиндир,
Ботирлар — шунқордир, ёвга қуйилди,
Чувилдоқ ҳам Жағажоқли йиғилди,
Отлангин майдонга, энди турмагин,
Мард бўлсанг, ўзингни номард қилмагин.
Урушли кун сира биқиб турмагин,
Юра бер, юра бер, майдонга киргин,
Жиззахда Мавлоннинг ишини кўргин.
Душман бизни қизил гулдай сўлдирди,
Бундай подшо мамлакатдан йўқ бўлсин!
Халқни шунча қайғу ғамга тўлдирди,
Кунда чиқим, биздан одам сўради,
Зулукдай қонимиз сўриб боради,
Нима топсак, барин қўймай олади,
Бола-чақа тайин очдан ўлади.
Подшонинг уруши адо бўлмайди,
Деҳқон халқнинг сўли сира қолмади.
Кунба-кундан жабр ўтиб боради,
Бу азоб суякдан ўтиб боради,
Ҳар не деганини меҳнаткаш берди.

Охирида юртни ҳам безор қилди,
Куйганидан шундай элат отланди.
Қийғир деган қуш учади қияда,
Ҳамманинг алами бўлган зиёда,
Мана қара, куйган халқни кўрдингми,
От топмаган, бораётир пиёда.
Неча сўзни тимсол айтганман сенга,
Эр йигитлар, йўлдош бўлавер менга.
Хабар етган Авлиёда Ҳасанга.
Одам чиқиб ҳар бир элдан,
Оз бўлса, йўлда кўп бўлган,
Тўзон бўлиб еру осмон.
Шундайин бўлиб йўл тортди,
Катта тўзон бўлиб ётди,
Олдида Паймурт элатдир,
Ҳар элда ҳам маслаҳатдир,
От чопилиб баланад-пастга.
Қўшилишиб ёру-дўстга,
Гоҳо қирда, гоҳо пастда,
Бир-бирига бўлиб меҳрибон,
Келиб қўшилди Оғажон.
Бош бўлгандир сатта полвон,
Заргал элдан одам келган,
Довриққа қўзғалган элдир.
Такали, қанча Солиндир.
Подшосини душман билиб,
Ишчи-деҳқон йўлга кириб,
Ҳасан — Гўбанинг элидан
Шерқул турибди бош бўлиб,
Бир-бирига дуч бўлиб.
Бир нечанинг ақли шошиб,
Бир-бирига товушлашиб,
«Ҳаяллама, бўл», дейишиб,

Сою қирда чақиршиб,
Шуйтиб одам жўнаётир,
Ботирлар илгари тушиб.
Жиззахда бор душман катта,
Жиззах каттасин ўлдирмак,
Келган одам шу мақсадда,
Жиззах шундай тутаб ётир,
Бош бўлган ҳар элдан ботир,
Тепсинишиб келаётир.

Мухторхон эшон. . . халққа панд-насиҳат айтган ки-
ши бўлиб, бир сўз айтиб турган ери:

Ҳам муридим, мамлакатим,
Бор менинг пирлик ҳурматим,
Сизларга маълум қувватим,
Пирнинг сўзин ёлгон билма,
Пирдан қайтиб муртад бўлма.
Оқподшога сен тиғ тортиб,
Осию гуноҳкор бўлма.
Ажабдур подшолар иши,
Подшо катта — улуғ киши,
Бу ишингда кўпдир хатонг,
Билсанг подшо улуғ отанг.
Подшони сен душман билма,
Нодоннинг гапига кирма,
Сен имонингни бой берма,
Қиёмат кун осий бўлма.
Бизлар раҳбарлик қилармиз,
Барингизга бош бўлармиз.
Душман чиқса йўқ қилармиз,
Бир тартибга келтирармиз.
Баринг бўлмагин шарманда,

Эшонинг сўз айтар бунда,
Бўлиб қолманглар дармонда. . .

Шунда эшондан бу сўзни эшитиб халқ — бўл-ҳа.
юр-ҳа, деб юрган одамлар, алам қилиб, куйганларидан,
халққа бош бўлиб турганлардан бири бир сўз айтибди:

Бизларга пирлик қиласан,
Тагин келиб энди бунда
Шайтондай бўп озғирасан.
Бунча халқни йўлдан урма,
Сен, эшон, йўлингдан қолма,
Мурид овлаган сен, эшон,
Ундай десанг сен ҳам душман!
Жаннатнинг эгаси, эшон,
Асли қолмагин йўлингдан.
Ҳеч иш келмайди қўлингдан.
Эшоним деб кўп югурдик,
Назру ниёзни кўп бердик,
Жиззахга бўлдинг муътабар.
Ўтирикчи сен, баччағар,
Қирмас одамлар сўзингга,
Қаратма халқни юзингга.
Биласанми турган халқни,
Шунча халққа жабр ўтди.
У зулмни кўрган вақтда,
Сен айтмадинг насиҳатни.
Ўтиригинг маълум бўлган,
Зулм қилган амалдорман
Асли ўзинг бирга турган.
Подшо сенга ўрин берган,
Чиқим-солиқдан тиш қилган. . .
Бизга бу ишлар ор эмас,
Сендай эшон даркор эмас. . .

Сенинг билан бўлмас бирга,
Қайтиб кетгин келган йўлга,
Насихат айтмагин элга,
Гапинг даркор эмас бизга!
Кўп одамга бош бўлганмиз,
Подшо билан ғаш бўлганмиз,
Бир-биримизга дўст бўлганмиз,
Шуйтиб йиғилиб келганмиз!
Эшонсан, кимнинг пирисан,
Шу душманларнинг бирисан!

* * *

Тушиб душманнинг қасдига,
Келиб ҳокимнинг устига,
Йиғилиб турган у халойиқ
Қалтак ёғдирди бошига.
«Ким бўлсанг шу бўлгин, — дейди.
Тагин сўйлаб тургин», — дейди.
«Губирнинг қўйган ҳокими —
Бизга душман, ўлгин», — дейди
Халқ йиғилиб кўп иш қилди.
Ҳокимни уриб ўлдирди.
Бу пристав чинқиради.
Чинқариб қайда боради?!
«Сен ҳам энди қолма», — дейди.
Таёғи билан солади,
Қулоқ солмайди тилига,
Юргизмайди ўз йўлига.
«Душман!» — дейди йиғилган халқ,
Қалтакман солди белига.
Губирнинг буйруғи шундай:
«Элу халқни отсин», — деган

«Ҳаммани бўзлатсин»,— деган,
«Қарши келган халойиқни
Яксон қилиб кетсин», — деган.
Солдат чиқиб оралади,
Жиззахга қараб жўнади.
Ҳар замонда тўп бўшатиб,
Яқинлашди бозор жойга.
Элу халқдан бўлмай бирга,
Бозор жойга етган вақтда
Ўт қўйди Чорсига, тимга,
Яксон қилмоқчи Жиззахни.
Бўлиб қолди бир аломат,
Ўт қўйди, бўлди, қиёмат.
Юриб ҳар ён ўт қўяди,
Ёниб қулайди иморат.
Отни ташлаб яёв бўлиб,
Қарайди пиёда солдат,
Бу ғулғула кўкка кетди,
Қандай жондор кўрса отди,
Жиззах халқи, не маконлар,
Тутаб бунда ёниб ётди.
Солдатлар бўлиниб кетган,
Қишлоқни оралаб кетган,
Эркак кўринса қўймади,
Ўлмай бундан қутулмайди.
Кўзи тўлиб қайғу ёшга,
Дучор бўлиб бундай ишга,
Қўрқанидан қочиб чиқиб,
Яширинади тоғу тошга.
Қуйиб ёнгандир ажаб жой,
Қатта хирмон ётган буғдой.
Солдатни фалак уради,
Буғдойга олов беради,

Босилган хирмонни кўrsa,
Ут қўяди — куйдиради.
Эркак қочиб кетган, даштда,
Юрган булар баланд-пастда,
Етишмайди бунда зори,
Нечовларнинг интизори.
Солдатнинг қўлига тушган
Бир нечанинг севган ёри.
Қаттиқ кунлар йиғлашади
Уғли, қизи — гўдаклари.
Ҳар ёққа бўлинган солдат,
Борган ерида қиёмат,
Бир хили борди Ардашхон,
Деҳқонларга бўлиб душман
Ут қўйди неча қишлоққа.
Эркак топмайди, излайди,
Олача, гиламни қўймайди.
Яхши кийгизлар йўлиқса,
«Ўлжа» деб, ташлаб кетмайди.
Солдатлар қилган юришни,
Ҳар ёққа қилиб хурушни,
Губирнинг амрини тутган,
Қилар эди ерга яксон.
«Эрта буни отамиз», — деб,
Ҳайдаб қиз-хотинни сарсон.

Ғам билан бир кеча ўтди,
Тонг отгунча банди бойқуш,
Уйқи қайда, қон йиғлашиб,
Нечовларнинг ҳуши кетган
Ўйлагани ҳам қайғиси.
От чопишиб солдат қарар қишлоқни,
Уроқ вақти, ҳеч топмади жонзодни.

У ердаги қишлоқларга ўт қўйиб,
Энди кўриб қолди катта чарвоқни
Бу чорвоққа қўниб-жойлашиб, мингбоши югуриб
хизмат қилиб турибди... солдатбоши бу сўзларни
айтди:

Мингбошисан, бунда халқни биласан,
Одаминг қаерда топиб келасан!
Агар тайсалласанг, ўзинг ўласан!
Бу қишлоқ халқлари қаёққа кетди?
Олдимизга тушиб қилгин хизматни!..

Айтувчи: *Фозил Йўлдош ўғли.*



ҲАСАН БАТРАК

Совет ҳукумати бўлгандан кейин ҳам дашт ерларда бойлар кўп йилгача йўқолган йўқ эди. Улар қишлоқнинг бир хил каттаконлари билан чиқишиб, ҳукуматдан қўрқмай, улай-булай қилиб, камбағал батракни ишлатиб, молни, дунёни орттирмоқнинг ҳийласини қилиб турди.

Шу вақтда қишлоқда бир бойнинг бир подачиси бор эди, оти Ҳасан қайқи деган эди. Бойга тўққиз йил хизмат қилиб эди, у отадан етим қолиб эди, онасининг ҳам ўлганига беш-олти йил бўлган эди. Ҳасан қайқи йигирма беш, йигирма олти ёшга чиққан эди.

Ҳасаннинг отаси бойларнинг қўлида хизматкор бў-

либ ўтган, ундан молу дунё тугул, чорак бугдой экидай ер ҳам қолмаган. Хўжайин ҳар йил ҳисоб қилган, Ҳасан қайқи ҳали ҳам отасининг қарзидан қутулмаган.

Йигит эмасми? Улгудай ишлайди. Эрталабдан далага чиқиб кетгунча оқшом кун ботгандан кейин қоронғи гавгумда келади. Экинни экиб бўлгандан кейин бойнинг молини боқади.

«Меҳнат қилиб бир нарсани орттирсам, мен ҳам йигит бўлиб уйлансам, мен ҳам ўз хўжалигимни тuzасам», дейди. Унга бой ҳеч нарса бермайди. «Ё хизматим ёқиб бой бувам мени уйлантирармикан», деган хаёлга келади. «Сенга хотин олиб бераман, уй-жой қилиб бераман», деганига беш йил бўлади, бойдан бир натижа чиқмайди. «Бойда ҳақим бор», деб қишлоқ советининг бошлиқларига айтса, қишлоқ советининг раиси бойнинг жияни бўлади. Ҳасаннинг гапига қулоқ солмайди.

Ана шундай қилиб, Ҳасан қайқи эртадан кечгача тинмай меҳнат қилиб, манглайини терлатиб, камбағал батракларни бойларга қарши хезлатиб, не батракларни ўйлатиб, бир нечасини сўйлатиб юрибди.

Бойнинг Бойқиз деган бир қизи бор эди. Лақаби Ойқиз эди. Ҳасан қайқи шунга ишқибоз эди. Бойнинг қизи молларни кўргани келар эди. Ҳасан қайқи кўзининг остига босиб қўйган эди. Бир кунлари қўриқда, юлғуннинг остида, миянинг бўлуғида Бойқиз молни кўрмакка келиб қолди.

Ҳасан қайқи Ойқизга қараб, муртларини булкуллатиб, калласини қимирлатиб, хўжайиннинг қизига бир сўз деяпти:

Уч йил бўлди мунтазирман ўзингга,
Жоним банда ярқиллаган кўзингга,
Мен сенга ростини айтай, Бойқизжон,
Ростин айтсам ишқибозман ўзингга.

Судхўр бойдан совчи келса тегмагин,
Бундан бу ёққа қараб юргин кўзингга,
Ўзим банда ярқиллаган кўзингга,
Қалламга, сахтимга қара, қаддингдан,
Кўнгилгинанг тўла қолсин ўзимга.
Тос рўмолни бошгинангга ўрагин,
Зулфгинангни барг-барг қилиб тарагин.
Мен сенга тўғри сўз айтай, қошингдан,
Меҳнатимга, келбатимга қарагин.
Мен юраман тупроқ чангир изимга,
Нима десам ишонақол сўзимга.
Бунча бизни ҳайбатингга куйдирма,
Ростин айтсам, тега қолгин ўзимга.
Оқ баданга адрас кўйлак киярми,
Қошни кериб, қовоғини уярми,
Бунча бизни юришингга ўртама,
Меҳнаткашга тегсанг уят бўларми?
Беҳи, анор ватанингга оссанг-чи,
Бу қайқининг вақтини хуш этсанг-чи.
Мен сенга арзимни айтай, қаддингдан,
Хизматкоринг бахтини сен очсанг-чи.

Бойқиз-ой, лақаби Ойқиз-ой Ҳасан қайқига қараб,
аччиғи келиб бир сўз айтибди:

Дарёда юзган қайиқми,
Сенинг белбоғинг тугукми,
Кўнглигинанг қурусин,
Сен ўзинг менга лойиқми?

Оёқ босдинг онда-сонда,
Билдим сенинг кўнглинг менда,
Кета бергин, турма бунда,
Ўзим кўнглингга лойиқми?

Тоғнинг қори эриб кетсин,
Дарёда сол юзиб кетсин,
Менга тенгқур бўлолмайсан,
Кўнглигинанг қуриб кетсин.

Подачилик қила қолдинг,
Биз билан тенг бўла қолдинг,
Жанданг ҳалпилламай ўлгин,
Ўзим ўзинга лойиқми?

Сен ёмон айтдинг сўзингни,
Бўзартма икки кўзингни,
Қандай эр қилай ўзингни,
Қамбағал менга лойиқми?

Мана бу гапни эшитиб, Ҳасан қайқи ўйланиб, таё-
ғига суяниб, не гапларни кўнглидан кечириб, Бойқиз-
нинг гапига юраклари эзилиб, лекин унинг туришига
жони эмраниб, танаси тебраниб, кўнгли уйғониб, Бой-
қизга сўйланиб турибди:

Қулоқ сол, Ойқиз, сўзима,
Ўзинг-ўзима лозим-а,
Совет ҳукумати ота-онам,
Ер обберади ўзима.
Ишонгин менинг сўзима,
Бойлар душмандир изима,
Совет бизнинг ҳукумат,
Раҳбар бўлгандир ўзима.
Ерни бизлар обод қилган,
Қўшни ҳайдаб экин эккан,
Биз бўламиз меҳнат чеккан.
Унум бари бойга теккан.

Бойлар бизга зўрлик қилган,
Бизни ишлатиб ҳақни еган,
Энди қандай зўрлик қилар,
Ўлар вақти яқин келган.

Энди батрак қўярми?
Бойни сийлаб турарми?
Бизни еган бойларга,
Ҳукумат омон берарми?

Сен биларсан не иш бўлар,
Батрак бари йиғилиб чиқар.
Ҳукуматдан раҳбар келиб,
Ерни, молни бўлиб берар.

Меҳнат қилган ерларимга
Мен ўзим эга бўларман,
Мен ўзимнинг меҳнатимга
Янги хўжалик тузарман.

Батракнинг ҳақидир ерлар,
Ҳайдаб берар тракторлар,
Машин билан экин экиб,
Бой бўп қолар не етимлар.

Қамбағал деб кўнглинг бўлма,
Отасиз деб умид узма!
Ҳукуматим ота-онам,
Бой битганни ҳеч бир севма.

Отанг сени бойга берар,
Кўнглинг ёлчимаини ўтар,
Нечавини кундош қилиб қўшса,
Бундан ёмон не иш бўлар?

Булбулининг шавқи гул билан,
Дўст бўл, Ойқизжон, биз билан,
Сени севгандан айтаман,
Аччиғланмагин сўзимдан.

Бу сўзни Ҳасан батракдан эшитиб, Бойқизжон:

— Сенинг гапинг рост, лекин сенга тегаман десам, бу гап ота-онамга ёқмас, ўлмай мени сенга бермас, мени ўз кўнглимга қўймас, бу элат эшитса, бундан ёмон уят иш бўлмас, ундан кейин Ҳасан билан Ойқиз омон-соғ қолмас,— деди. Ҳасан батрак айтди:

— Менинг ҳам бу гапларга ақлим етгандир. Лекин эски замонда бундай иш бўлса, тўйдан аввал кўпқари қилиб чопгандир, не кунларни унга солгандир. Ҳозир ишчи, меҳнаткаш ҳукуматни қўлга олган, элу халқни тўғри йўлга солган, ҳукумат эркак билан аёлни тенг қилган, барига ҳуқуқ берган, ҳозир бойнинг сўзи ўтмайди, кучи ҳеч ерга етмайди, ҳийлакорлик билан иши битмайди. Марказдан, райондан одам келиб, қишлоқда неча марта йиғин қилган, кўп гаплар бўлган. Сени ҳам Ҳасан батрак отангдан яшириб, шу йиғинларга олиб борган, сен у гапларни ўз қулоғинг билан эшитгансан. Мана шу ишлар бари бўлади,— деди.

Ойқиз бу гапларни эшитиб ўйланиб қолди.

— Энди мен кетайин, бу ишни хўп ўйлаб кўрайин, ақлим етмаганини сендан сўрайин, сўнг сенга жавоб берайин,— деб Ойқизжон уйига қараб қайтди.

Ана энди гапни бу ёғидан эшитмоқ керак. Қўшни қишлоқда Жонали чўнтоқ деган бир катта бой бор эди. Жуда катта давлатли, икки хотини, Ҳасан қайқига ўхшаган батракдан уч хизматкори бор эди. Ёши эллик бешга кирган бўлса ҳам хотинни учов-тўрттов қилмоқчи бўлиб юрган эди. Айвоз бойникига меҳмонга

келганда, Ойқизни кўриб, кўзининг остига босиб қўйган эди.

Бойнинг икки хотини: бировининг оти Мастон, бирови Бўстон, иккови ҳам бойга ўхшаган айёр, ҳийлакорлик билан ҳар иш бўлса тайёр. Жонали чўнтоқ, шу икки хотинини уйига чақириб, икковига тилла бериб, яна қанча нарсаларни ваъда қилиб:

— Биз уйланмоқчи эдик, сизлар маъқул бўлади деб эдинглар, биз хотинни ўзимиз топдик, энди совчиликни сизларга қўйдик,— деб Мастон билан Бўстонга қараб бир сўз айтаётибди:

Мастон билан Бўстон, қулоқ сол сўзга,
Ишқибозман қаранглар икки кўзга,
Қаддингдан кетайин, яхши аёллар,
Совчи бўлиб бориб келинг Бойқизга.

Бойқизжоннинг отасини алданглар,
Пули кўп деб онасини галланглар,
Нима бўлса совчи бўлиб битиринг,
Давлатимни, ҳар нарсамни мўлланглар.

Юрагида қайғи, ваҳм, доғ денглар,
Юрган ери гулзор билан боғ денглар,
Хотини борми деб сиздан сўраса,
Қасам ичинг, ҳеч хотини йўқ денглар.

Қалин қисматини жуда кўп беринг,
Не сўраса, берайин, қобул қилинг.
Кўндириб нон синдириг, қиймоқ қийинг,
Икковингга тилла сирға суюнчинг.

Бойга хабар кетди. «Совчи келди»,— деб хизматкорлар бориб айтди. Айвон бой бу гапни эшитиб, уйи-

та қараб қайтди. Хотини билан қилди маслаҳатни.
Шунда Айвоз бой хотинига қараб бир сўз айтяпти:

Хотин, қулоқ солгин пулни тутайик,
Одамларга кўп ишни кўрсатайик,
Бойқизжонни ёш демагин, бойбичам,
Жоналига, пулни кўп ол, сотайик.

Туядан, червондан, қўйдан соламиз,
Жоналининг дунё, молин оламиз,
Бу вақтнинг қизи кўп маҳмадана,
Шу гап билан тагин бой бўп қоламиз.

Бир нечанинг айтган гапи ҳийладири;
Бойқиздир бўйи етган, кўп гап билади,
Бўй етган қиз ўзи хоҳлаган билан
Бу вақтда сенсиз ҳам кетиб қолади.

Иттифоқ бўп бир ваъдада турайик,
Бойқизжонни Жоналига берайик,
Қари бўлса, пули кўпдир, майлига,
Жонали бой билан қуда бўлайик.

Маслаҳат шу бўлар, совчи кетмасин,
Пул олганим дўсту душман билмасин,
— Қалин йўқ,— деб камбағаллар йиғилиб,
Шўр иш бошлаб катта жанжал қилмасин.

Қизнинг Ҳасан қайқидан кўнгли тўқ эди. Лекин
Ҳасан полвон шу оқшом уйда йўқ эди, жўралари билан
гаплашиб қўйган эди. Молларни олиб келиб саранжом
қилиб:

— Мен жўраларим билан ҳангома қилиб, эртак
айтишиб келаман,— деб чиқиб кетиб эди.

Ҳасан полвон ўзига ўхшаган батракларни топиб олган. Қишлоқнинг бир четида Мамарайим камбағал-никида икки-уч кунда бир йиғилишадиган бўлган. Буларнинг эртаги — бойларни йўқотмоқнинг тарадуди бўлиб, биров-бирови билан маслаҳатлашган.

Мана шу оқшом Ҳасан полвон, шу жўраларининг олдига борган эди. Мамарайим фирқанинг уйида ўтирган эди. Аввалги йиғинда булар маслаҳат қилиб, Мамарайим фирқани районга юборган эди. Мамарайим, район бориб келгандан кейин шу мажлисда кўрган, эшитганларини жўраларига айтиб, райком билан район ижрокомининг гапини билдириб, жўраларини қулдириб, райондан келадиган комиссияни кутмакка қарор қилиб турган эди. Булар гапни бир ерга қўйиб, қишлоқнинг ҳамма камбағал батракларига ташвиқотни юргизмоқчи бўлиб қайтди. Ҳасан ярим оқшомда уйига келиб ётди.

Бойқизжон юрак-бағри эзилган, кўзидан маржондай ёшлари тизилган, хаёли қочган, уйқиси келмайди. Ҳасандан бошқа кўзига кўринмайди. Отаси пишиллаб ухлаб қолган эди. Онасини ухлатолмай, кутиб ётган эди. Қулоғига хир-хир товуш кирди. Онасининг ҳам ухлаганини билди. Аста туриб, деворнинг ости билан юриб, далага қарар, молнинг ёни билан ўта берди. Молни қўриб ётган итлар югуриб келиб, Ойқизжонни таниб, ўйнашиб сакрай берди. Ойқиз, товуш қилмоққа қўрқади, аста «кет», — деб турта берди. Тўғри бориб Ҳасан ётган уйнинг ичига кириб, Ҳасанга қараб тура берди. Қараса, Ҳасан ётган экан, кўзи уйқуга кетган экан, хурракни тортган экан, хир-хир этган экан.

Ойқизжон аста турткилаб Ҳасанни уйғотди. Буни кўриб Ҳасан ҳайрон қолди. Ойқиз бўлган воқеанинг барини айтди. Ҳасан ўйланиб қолди. Шунда Ойқиз:

Ҳасан, нега ўйланасан бу дамда,
Мен биламан сенинг кўнглинг ўзимда,
Аввал вақти қўрққан эдим отамдан,
Ҳасанжон, ихтиёр энди ўзингда.
Пода қувиб кўп ўтказган даштингдир,
Энди кўрай сенинг қилган ишингни,
Тор зиндонга тушгандан ҳам бадтарман,
Азобдан қутқаргин мендай бибишингни,—

деб йиғлай берди. Ҳасан туриб:

— Энди, қандай қил дейсан. Бойқиз йиглаб айтди.

Женотделга борсак бўйми?
Арзи додни қилсак бўйми?
Айтган гапинг тўғри бўлса,
Шунда даврон сурсак бўйми?

Эру хотин бўлсак бўйми?
Отам кўзин ўйсак бўйми?
Отлан энди, Ҳасан полвон,
Женотделга етсак бўйми?

Ҳасан ҳар турли қилиб алдаб кўрди, бўлмади. Ойқиз тутган йўлидан бурилмади, эртаги ваъдага кўнмади, Ҳасанни қистаб, «Тез бўл кетамиз», — деб қўймади. Ҳасан:

— Эрта комиссия келадиган бўлса, борсам борайин, бу ишни битказиб, комиссияни ўзим эргаштириб келайин, — деб бу гапларни кўнглидан кечириб, «Хайр, эса юр!» — деди.

Қоровулдан женотдел уйининг тайинини билиб, Бойқизжонни эргаштириб, женотделникига олиб бор-

ди, Дарвозасини «тақ-тақ» урди. Биров, ким, деб чақиб эди, Ҳасан полвон унга бир сўз айтаётир:

Уртоқ женотделни излаб келганман,
Женотдел раҳбарим уйда бормикин,
Бой қўлида ишлаб азоб кўрганман,
Аёллар сарвари уйда бормикин,

Бой қўлида бўтадайн бўзладим,
Бир иш билан женотделни изладим.
Ҳукуматга етгай ғарибнинг зори,
Раҳбарим деб женотделни изладим.

Ҳар савдо кўтарар одамнинг боши,
Бойқизжоннинг ўн саккиздадир ёши,
Уйдан чиқиб бир одам бу ёққа қаради,
Келсин, деди бир одамнинг товуши.

Женотделнинг маҳкамаси шу ҳовлида эди. Уйи ҳам шу ерда эди. Ҳасан билан Бойқизни маҳкамага буюрди. Узи ичкари кириб ювиниб, тараниб, буларнинг олдига чиқди. Арз сўрайдиган стулига ўтириб, булардан ҳол-аҳвол сўради. Бойқизжон арз қилиб, бир сўз айтаётибди:

Қиш ўтган сўнг, уч ой баҳор, ёзим бор,
Ёмон эмас, буғдой рангли тарзим бор,
Сўзимни тинглангиз, раҳбарим, каттам,
Биродарим, сизга айтар арзим бор.

Ҳасан қайқи кўп камликни кўрувди,
Ёшлигидан хизматкор бўп юрувди,
Ўзим билан чакки-чукки сандираб,
Ҳазиллашиб, ўрганишиб қолувди.

Хизмат қилиб орадан тўққиз йил ўтди.
Айвоз бойга хизмати ёқиб кетди.
Эллик учга кирган Жонали бойдан,
Хотин устидан совчи кеб қолди.
Отам қурғур мен бебахтни бўзлатиб,
Жонали чўнтоқнинг пулини олди.

Қулоқ солинг менинг айтган сўзимга,
Отам менинг душман бўлди ўзимга.
Қари чолга мени бераман деди,
Ихтиёр, женотдел каттам, ўзингга.

Косаларга сув ҳам айрон қуяман,
Кўнглимдан бу камбағални суяман,
Жонали чўнтоқдан ўзим безорман,
Заҳматкаш Ҳасан қайқига тегаман.

Менинг юзим қизғалдоқнинг нақшидир,
Бизни айтган Пўлкан шоир, бахшидир.
Бу Ҳасан қайқимга отам бермаса,
Ёлғизликдан ўлгангинам яхшидир.

Эшитаман икки хотини бор эмиш,
Эллик учга кирган қари чол эмиш,
Аркон-давлат, танга, ғалла мўл эмиш,
Худо урган бойга ўзим тегмайман,
Заҳматкаш деҳқоним қўлдан қўймайман.

Дарёлар тошганда кемалар юрсин,
Эр одам гапирса, гапида турсин,
Мнинг бойингдан шу Ҳасан қайқим яхши,
Улай агар, бойи қурсин тегмайман,
Шу батрак деҳқонни қўлдан қўймайман.

Ҳасан батрак ва Бойқиз гапнинг барини женот-делга айтиб бердилар. Женотдел раҳбар буларнинг гапига хўп қулоқ солиб, бари гапни билиб, қаламни қўлга олиб, хат битиб, муҳрини босиб, Ҳасан батракка Ойқизни никоҳ қилиб берди.

Мамарайим фирқа, комиссияларни келар деб йўлини онгиб туриб эди. Келаётган комиссияларни кўриб, югуриб келиб, танишиб сўрашиб, буларни уйга бошлади. Остига кўрпа-тўшак ташлади. Булар энди бўладиган гапни бошлади. Ойқиз Мамарайимнинг хотини ёнига борди.

Комиссиялар қишлоқ советининг бошлиқларини чақириб келиб, маслаҳатни қилиб, уларнинг қилган ишларини текшириб кўриб, Ҳасан полвонни камбағалларни йиғиб келмакка буюрди.

Ҳасан батрак бир милиция билан икков бўлиб қишлоққа оралаб, камбағал, батрак, меҳнаткаш деҳқонларни, хотин-қизларни:

— Мажлис бўлади, шу йиғинга ҳамманг келин-лар,— деб хабар қилиб юрибди:

— Бўйни қисик камбағаллар,
Кел, ҳа йиғил, кел, ҳа йиғил!
Ер топмаган соф батраклар,
Кел, ҳа йиғил, кел, ҳа йиғил!

Боғлардан терган бодомлар,
Юраги ғам билан доғлар,
Бари меҳнаткаш деҳқонлар,
Кел, ҳа йиғил, кел, ҳа йиғил!

Бойларнинг турткисин еган,
Ўлгудай бўп хизмат қилган.

Текширмакка одам келган,
Кел, ҳа йиғил, кел, ҳа йиғил!

Меҳнатда униб ўсганлар,
Бойнинг зулмини кўрганлар,
Душманнинг ишини билганлар,
Кел, ҳа йиғил, кел, ҳа йиғил.

Йиғилиб баримиз борайик,
Билгани хатга берайик,
Бойнинг кўкайин кесайик,
Кел, ҳа йиғил, кел, ҳа йиғил!

Оқшом одамлар тўп-тўп бўлиб, ҳар ёқдан кела берди. Мажлис бўладиган ер одамга тўла берди, Мамарайим фирқанинг жўралари хизматни қила берди. Бир нечаси: «Қўймайсан, тўғри гапингни айтасан»,— деб ўта берди.

Комиссиялар келди. Мажлисни очди. Йиғилган одамларга келганинг маъносини айтди. Йиғилган камбағал-батрақлар вақтихуш бўлиб, димоғи чоғ бўлиб:

— Мана, ҳукумат раҳбарликни қилди, бойнинг кўзини ўядиган вақт келди. Камбағаллар билан душман бўлиб юрган бойларнинг ажали етди, бойларнинг тўнини кийиб, ошини еб юрган раис билан саркотибнинг ҳам кунни битди,— деяётир. Суюнгандан ўтирган еридан қўзғалиб, бир хили сакраб тушаётир. Биров-бировига:

— Энди қўрқмайсан, манов элнинг обрўйли одами эди, деб аямайсан, ҳеч кимнинг бетига қарамайсан! Мана бу комиссияларга рост гапни, бўлган воқеани айтасан. Мени бойлар ўлдириб қўяди,— деб қўрқмайсан, ёлғон гапни қўшмайсан,— деб ётир.

Райондан келган катталарнинг гапига камбағал-батрак деҳқонлар тушуниб, шуларнинг йўлига юриб, айтганини қилиб, келган каттаконлар билан бирга ишлашга, соф батрак-камбағал деҳқонлар беш-олти одамни шу йиғинда сайлаб, Мамарайим фирқа, Қобил фирқа, Суяр комсомол, Гулнор, Ҳасан батракларни овозга ташлаб, қарсак уриб, уларни комиссияларга қўшиб, эрта биландан бари иш бошламоқчи бўлиб, уй-уйига тарқаб кетди.

Комиссиялар сайланган одамларни олиб, Мамарайимникига борди. Комсомоллар, юборган милиция-ар, Айвоз бой билан Жонали чўнтоқни ушлаб кел-ган экан, бир ерга қамаб қўйган экан. Буларни Ҳасан батрак кўриб, бойларнинг аҳволига кулиб:

— Райсни чақиринг, сизларни айириб олсин,—
ди. Шунда Айвоз бойнинг кўзидан милт-милт ёши-
ли, Ҳасан батракка бир сўз айтаётибди:

Ҳасанжон, эшитгин айтган сўзимни,
Армон билан сўлдирмагин юзимни,
Уғлим деган эдим, ҳақла тузимни,
Раҳминг келсин, йиғлатмагин ўзимни.

Боққа кириб олма, анжир отайин,
Билмадим, ёмон иш қилдим қайтайин?
Жоналининг совчилари алдабди,
Чиқариб юборгин, уйга қайтайин.

Сенинг айтганингга энди кираман,
Ҳар на десанг шу йўлингга юраман,
Армон билан йиғлатмагин отангни,
Қизим тугул, молимни ҳам бераман.

Нима десанг қулоқ солай сўзингга,
Душман билдинг Айвоз бойни ўзингга.

Бир от билан яна бир нор берайин,
Ихтиёр, Ҳасанжон, энди ўзингга.

Бир таноб ер, Бойқизни деб берайин.
Ўзим сени савдогар қиб қўяйин,
Чиқариб ол, ҳар на ҳақинг бераман,
Сени ҳам бир катта одам қилайин.

Сен кетгазгин юрагимдан черимни,
Сенга берай ҳўкиз билан еримни,
Никоҳ қилиб берай ёлғиз қизимни,
Шарманда қилмагин менинг ўзимни.

Бу гапни эшитиб, Ҳасаннинг аччиғи келди. Ҳий-
лагарнинг ер-сувдан ажралишига яқин келганда ҳам
ҳийла қилаётганини билди. Айвоз бойга қараб бир сўз
айтди:

Айвоз бой, эшитгин Ҳасан сўзини,
Ҳийлагарни ўяй икки кўзини,
Энди тушдинг, бойлар, зўрнинг қўлига,
Порахўр деб билма батрак ўзини.

Ҳукуматнинг кўрар кўзи бўламан,
Соф батрак деҳқоннинг ўзи бўламан,
Энди раҳм этмасман сендай бойларга,
Бойга келган балонинг ўзи бўламан.

Ҳасан батрак ҳукуматнинг «қули» дир,
Ўғлим дема! Ленин ўртоқ ўғлидир,
Ўзинг учун шу ишларни қилмадим,
Булар Совет ҳукумат буйруғидир.

Ҳукуматнинг айтганини қилганмиз,
Бойлар билан чўртта душман бўлганмиз,

Ер ислоҳот ҳукуматнинг буйруғи,
Шунинг учун ялпи йиғилиб чиққанмиз.

Ҳар на десанг Ҳасан батрак кўнмайди.
Ҳасан нима? Жами батрак кўнмайди.
Давлат билан алдайман деб ўйлама,
Қамбағаллар сенга омон бермайди.

— Ета бер! Ишингни комиссиялар кўради, тўғри бўлсанг чиқариб юборади, гуноҳкор бўлсанг бу бизнинг Ҳасаннинг қайин отаси экан, ўзимизнинг қудамиз экан,— деб аямайди, йиғлаганингга қарамайди,— деб ўтиб кета беради.

Ана булар бари ётди. Эрта билан тонг отди, бари жойидан туриб, қилди маслаҳатни. Бойлардан жабр кўрган камбағаллар йиғилиб кела берди, арзу додини қила берди. Комиссиялар камбағалларнинг арзини хўп текшириб кўра берди. Айтгани тўғри чиқди, хўжайин бўлиб юрганларнинг кун битди, бойнинг бари гуноҳкор бўлди. Шундай қилиб беш-ўн кун ўтди. Комиссиялар қишлоқда юриб, бойларнинг ерини, молини камбағалларга бўлиб-бўлиб берди, меҳнаткаш деҳқоннинг комиссиялардан, ҳукуматдан кўнгли тўлди. «Ўзимиз обод қилган ерга Совет ҳукуматининг даврида ўзимиз эга бўлдик»,— деди.

Комиссиялар Айвоз бойнинг ерини бўлиб, пичасини Ҳасан полвонга, қолганини бойнинг қолган хизматкорларига берди. Меҳмонхона Ҳасан батракка тегди.

Ҳасан батрак Ойқиз ойимни янги уйга олиб келди. Батраклар йиғилиб келиб, қутлуғ бўлсин қилди.

Айвоз бой билан Жонали чўнтоқ қилган ишларига пушаймон қилди. Комиссияларга арз қилиб:

— Бундан бу ёқ бу ишни қилмаймиз, камбағал-

батрак билан дўст бўламиз, шуларнинг гапидан чиқмаймиз, ҳукуматнинг айтганидан тоймаймиз, ўзимиз меҳнат қилиб ишлаймиз. Бизларни озод қилинг, гуноҳимизни кечинг,— деди. Комиссиялар, бир-икки одамни кафил қилиб, буларни ҳам қўйиб юборди. Қамалиб ётган раис билан саркотибнинг арзига қулоқ солмади. Уларни қаттиқ гуноҳкор қилган экан, милиция билан районга қараб жўнатди.

Мана шундай қилиб камбағаллар ерлик бўлиб, от-ҳўкизлик бўлиб, янги хўжалик қуриб, Мамарайим фирқа қишлоқ советига раис бўлиб, Ҳасан батрак унга аъзо бўлиб, Эшбек камбағалнинг ўғлини саркотиб қилиб, бари ишни камбағаллар қўлга олиб, бойнинг додини берди; димоғини чоғлаб, вақтини хушлаб, ишлаб ётди. Комиссиялар бу қишлоқда ишни битказиб, қўшни қишлоққа ўтди.

Энди орадан бир-икки кун ўтди. Жонали чўнтоқ Айвоз бойниқига келди.

— Қамоқда ётгандаги маслаҳат нима бўлди? Шунни қилайик,— деди. Икковни аста кўчага чиқиб, еру моли қўлдан кетган бойлар билан топишиб, маслаҳатни қоронғи ерда қилишиб, Мамарайим билан Ҳасан батракни шу оқшом ўлдирмоқчи бўлишди.

Жонали чўнтоқ қишлоғига бориб уч-тўрт одамни эргаштириб келди. Келган одамлар аста деворнинг ости билан Айвоз бойниқига кириб кетди. Айвоз бой айтди:

— Тўғри бориб Ҳасаннинг ўзини ўлдирасан, йиғлаганига қарамайсан, ўлдирмай қўймайсан! Бизнинг кунимизга сен ярасанг, сенга биз даркормиз. Берган пулимизни кам десанг, ҳарна керагини топиб берамиз. Пулдан сира ҳам ема! Қизим сизларни танимаса бўлди. Босмачи келиб ўлдириб кетди деб айтамиз.

Ярим кечадан кейин Жоналининг одамлари аста меҳмонхонага қараб чиқа берди. Қўлига пичоқни олиб, оғиз-бурунини бойлаб, буқиниб бора берди. Жонали чўнтоқ девордан тушиб, экиннинг ичи билан уйига қараб қоча берди.

Айвоз бой билан Жоналининг одамлари, пулга сотилганлар, Ҳасан батракни ўлдирмоқчи бўлиб, аста дарчанинг остига бориб эди, молнинг остида ётган ит, ўрмалаб юрган қорани кўриб югура кетди. Бунинг товушига бошқа ерни пойлаб ётган итлар югуриб келиб талай берди. Ухлаб ётган Ҳасан билан Ойқизжон уйқусидан уйғониб, нима гап эканини билмай, ҳайрон бўлиб туриб эди, нариги уйдан Ҳасаннинг жўралари чиқиб, ўғриларни кўриб, пичоқни қиндан суғуриб, Оқтой билан Кўктойга:

— Бос! Қўйма!— деб дабдаба қила берди.

— Тўхта, тўхта!— деб қува берди. Ҳасан, меҳмонхонадан югуриб чиқиб, ўғри келганини билиб, булар ҳам орқасидан қувиб бора берди. Шу вақтда Оқтой бориб қочганининг бировининг сонидан бир тишлаб юлиб олди. Сони юлинган ағдарилиб йиқилиб қолди. Улар бунни ушлаб олди. Иккови қочиб қутулди. Қишлоқда бир тала-тўп бўлди. Шу вақтда узоқдан бир милтиқнинг товуши чиқди. Ҳасан, бу ишга ҳайрон қолиб, келган ўғриларнинг Жоналининг қишлоғидан эканини билиб: «Мени ўлдирмоқчи бўлган экан булар», деб бир жўрасини эргаштириб саҳар вақти Мамарайимникига қараб жўнади. Борса, Мамарайим қўлига милтиқни олиб, ўтдай тутаниб, эшикнинг олдида турган экан. Мамарайим Ҳасанни таниб:

— Қишлоқнинг ичида нима гап бор? Янги шу ёқда бир тала-тўп бўлди, унинг маъниси нима бўлди?—

леди. Шунда Ҳасан батрак Мамарайимга қараб бир сўз айтяпти:

Эшитингиз Ҳасан батрак сўзини,
Пода боқиб, ғам сарғайтган юзини,
Оббердингиз Айвоз бойнинг ерини,
Айвоз ўлдиради Ҳасаннинг ўзини.

Совет ҳукуматдан давлат кетмасин,
Қамбағаллар палов, шўрва ошасин,
Мени ўлдирмоқчи бўлган Жонали
Бойнинг тухуми ер юзида қолмасин.

Жоналининг уч ўғриси келгандир,
Учовига тиллани кўп бергандир,
Мен ухлаб ётганда уйимга келган,
Бировини ит қошиб йиқитгандир.

Шундан сўраб билдим бойнинг ишини,
Бойлар ўлдирмоқчи икки кишини:
Бири Мамарайим, бири Ҳасандир,
Отиб ташла, бойман деган кишини.

Бу гапни эшитиб, Мамарайим Ҳасаннинг қўлидан ушлаб, уйига бошлаб, ҳовлисига олиб кирди. Ҳовлида ётган бир одамнинг ўлигини кўрсатди.

— Сенинг уйингда тала-тўп бўлиб ётганда меникида ҳам бир қиёмат бўлди. Икки одам тепамга келди. «Қимсан? Қайт!»—десам пичоқни яланғочлаб менга югурди; милтиқни олиб бировини отиб ташладим, йиқилди, бирови қочиб қутулди. Сеникида йиқилиб қолганини ўлдирманглар, ундан гап сўраймиз. менга бу ишлар тағин яхши аниқ бўлди. Сен тез уйингга бор, у одамни камбағаллар йиғилиб ўлдириб қўймасин, бир одамни саркотибга юбор,— икки-уч одам бўлиб менинг уйимда турсин, мен анав қишлоқ-

қа, комиссияларнинг олдига бориб қайтаман,— деб Ҳасанни жўнатди.

Мамарайим отланиб, комиссияларни ахтариб, қўшни қишлоққа кетди. Кун чиқмай қишлоққа етди. Комиссияларни топиб, бўлган воқеани айтди.

Комиссияларнинг аччиғи келиб, райондан тағин бир-икки одам келган экан, шулар билан бари йиғилиб, Мамарайим бош бўлиб, чошқада бошлаб келди. Айвоз бой билан Жоналини қамоққа олди. Бояги ит тишлаб йиқитгандан гапнинг ҳаммасини билди. Бойларнинг сирини очилди.

Комиссиялар мажлис қилиб, Жонали бой, Айвоз бойни элдан қувиб, узоқ ерга юборди. Булар билан маслаҳат қилган бойларни ҳам бошқа томонга юборди. Бойларнинг молини, қолган нарсаларнинг ҳаммасини олиб, ҳукуматдан янги ер олиб, ҳўкиз олиб, артель тузмоқчи бўлиб қарор қилиб қўйган камбағал-батрак деҳқонларга буларни ҳам бўлиб берди. Ҳукуматнинг зўрлигини кўрсатди. Элни йиғиб олиб:

— Баринг бир бўлинглар, яхши ишланглар, ҳукуматга, камбағал-батракка, ишчи-деҳқоннинг ҳаммасига душман бўлган одамларни сира қўйманглар, омон берманглар. Шунга ўхшаш одамлар бўлса, бизларга хабар беринглар,— деб кўп ишларни ўргатиб қайтди.

Мамарайим қишлоққа раис бўлиб, Ҳасан полвон батракларнинг артелига каттакон бўлиб, ҳукумат аёлларга ҳам ҳуқуқ бериб, аёллардан қишлоқ советига аъзо қилиб, эркак билан аёлни тенг қилиб, бу ишлардан камбағал-батракларнинг кўнгли тўқ бўлиб, ҳукуматни дуо қилиб, мурод-мақсадларига етди.

МУНДАРИЖА

УЛУҒ ОКТЯБРГА ҚАДАР БЎЛГАН ХАЛҚ ШЕЪРИЙ ИЖОДИ

Меҳнат қўшиқлари

Ўроқчи қўшиғи	9
Хирмон қўшиғи	11
Хўп ҳайда	13
Дали дарё	15
Айрилдим	17
Бўзчи қўшиғи	18
Қаҳатчилик	20

Халқ лирикаси

Баҳор	21
Севги	24
Нима айтай?	26
Рўмолим	28
Аяжон	29
Ёр-ёр	31
Ўлан	35
Алла	40
Айтим	42

Термалар

Намоз	46
Богирхон	49
Хонлар курсин	50
Бевафо золим	51

Шингил қўшиқлар

Олма деб отган отам	53
Фаранг рўмол бошимда	53
Қўлимдаги узугим	54
Чархим таноб ташлайди	54
Боғ айланиб чий тутдим	54
Шам чироқ	54
Мен бу ерга келмас эдим	54
Кичкина чорбоғ	55
Ёр юрган кўчаларни	55
Кўрмайин босдим тиканни	55
Субҳидамнинг салқини	55
Кет десанг	55
Гулни гул дерму киши	56
Қоши қора барно йигит	56
Тоғдаги юрган кийикка	56

Достонлар

Алпомиш	57
Равшан	115
Маликаи айёр	154
Кунтуғмиш	171
Орзигул	195

СОВЕТ ДАВРИДАГИ ХАЛҚ ШЕЪРИЙ ИЖОДИ

Меҳнат ва бахт қўшиқлари

Ленин	221
Москва шаҳрини кўрдим	223
Эл орзусин куйлайман	225
Бор бўлсин бизнинг Ватан	227
Сельмаш	229
Каналим	231
Улфатхон	232
Белни маҳкам боғланглар	234
Тинчлик бўлар барқарор	236
Алла	237
Ёр-ёр	239
Анор қиз	240
Колхоз чўпони	242
Звено бошлиғи	244

Шингил қўшиқлар

Ленин йўли	246
Кўзинг оч	246
Совет қонуни	247
Хатирчининг йўлида	247
Гум бўлсин	247
Тилла сандиқ очилди	247
Оличани гуллатган	247
Айланаман Советлар	248
Ўзамизнинг ичида	248
Эшон сўзи лоп экан	248
Ўзимдаги чимматни	248

Эшйгимни олди	248
Фабриканинг йўлидан	249
Фарғонада	249
Юринг, ўртоқ	249
Каналга	249
Москванинг йўлида	249
Саҳарда	250
Баҳор	250
Ер ҳайдасанг куз ҳайда	250
Колхозда	250
Колхоз ака	250
Колхоз ака, йўл бўлсин	251
Пахта	251
Эшик олди гул ҳовуз	251
Қуёш	251
Мен кетаман	251
„Гулёр“га сол созингни	252
Ёрим	252
Қизгин	252
Ҳаводаги уч ўрдак	252
Силкинади мажнун тол	252
Қошимга кўп қарадинг	253
Ишлаш учун бемадор	253
Раис акам хотини	253
Орден олибсиз, ёрим	253
Сочларимни тарайман	253
Ҳаводаги юлдузим	254
Ўсма кетар, қош қолар	254
Тўпичоқни минганда	254
Онаману онаман	254
Партия ҳурлик берди	254
Бизнинг ерларда баҳор	255

Кўринган кимнинг боғи	255
Етти йиллик	256
Қизғалдоқнинг унар жойи	256
Мамлакатим	256
Халқ мақоллари	257

Достонлар

Ўртоқ Ленин	262
„Жиззах қўзғолони“дан	273
Ҳасан батрак	285

На узбекском языке
АНТОЛОГИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ
В V томах
Том I

Гослитиздат УзССР — 1951 — Ташкент

Редакторлар: *П. Шамсиев, Х. Сулаймонова*
Расмлар редактори *Г. Бедарев*
Техн. редактор *Л. Ильина*
Корректор *И Қобилов.*

Босмахонага берилди 3/XI 1960 й. Босишга
рухсат этилди 14.I 1961 й. Формати 70x108^{1/32}
Босма л. 9,625 Шартли босма л. 11,27 Нашр
д. 12,8+5 вклейка Индекс: к/а Тиражи 25 000.
ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти
Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартно-
ма № 74—57.

* * *

ЎзССР Маданият мннистралиги Ўзглавиздати-
нинг 3-босмахонаси. Тошкент, Ленинград
кўчаси, 15,

Заказ № 475. Баҳоси 82 т.